



## **СЕН ЖАХОНГА ТЎЛУКСЕН, ЖАХОН СЕНДАН БЕХАБАР**

Сенсан оройиши жон, бу жон Сендан беҳабар,  
Сен жаҳонга тўлугсен, жаҳон Сендан беҳабар.

Андиша дарёсинда сирим сафийнасини  
Юз тарафга суздирдим, сайрон Сендан беҳабар

Гар десалар куфр ўлар: ашё Сендан холидир,  
Манзил Сендан мустаграк, макон Сендан беҳабар.

Замин, осмон, гарбу шарк партавингда гардондир,  
Замониға Сен гардон, замон Сендан беҳабар.

Истар Сени денгизлар, тўлкинланиб шавкингдан,  
Сен улар ичра маълум, уммон Сендан беҳабар.

Замин тилар осмонда, осмон тилар заминда,  
Бир-бирига гумонда, гумон Сендан беҳабар.

Махтумкули, кўр энди, ашёлар не ишдадир,  
Йўк эмиш бу ашёда, хамон Сендан беҳабар.

## ХАБИБУЛЛОХ, СЕНИ ИСТАР

Хабибуллох, сени истар  
Топар кайси йўлда сени?  
Валлох, кўрмокка муштогдир,  
Бек-да, хон-да, кул-да сени.  
Ошиқлар гул юзи сўлар,  
Минг кун йиглаб, бир кун кулар,  
Булбул санода орзулар  
Тоза гунча, гулда сени.  
Не гавхарсен, йўк кимматинг,  
Жахонни тутмиш химматинг,  
Тинмай ёд этар умматинг,  
Тогда, тузда, чўлда сени.  
Эранлар йўлингни излар,  
Дарвишлар сирингни гизлар,  
Машрик, магриб – тамом кўзлар  
Барча согу сўлда сени.  
Давлат фалак билан дўнар,  
Кимдан учар, кимга кўнар,  
Кўрмаса, ошиқлар ёнар,  
Хафта, ойда, йилда сени.  
Биз ҳам – уммат деб бўзлармиз,  
Ёд этармиз, хаваслармиз,  
Чакириб, мадад излармиз,  
Яхши-ёмон холда сени.  
Махтумкули дер: ўтим бор,  
Арзим бор, Хакка додим бор,  
Шафоатдан умидим бор –  
Кил кўприкда – толда сени.

\* \* \*

Махтумкули, сирим кўпдир,  
Мен найлайн, очган йўқдир,  
Ўлмок хак, тирилмок хакдир,  
Ўкидим Куръон ичинда!..

## "ТУРГИЛ!" ДЕДИЛАР!..

Бир кеча ётардим, туннинг ярмида,  
Тўртта отлик келиб, "Тургил! – дедилар,-  
Хабар бергайдирмиз фурсат етганда,  
Шул ерда эрлар бор, кўргил!" – дедилар.

Назарим тушганда ул тўрт мардона,  
Кўнглим жўша келди, бошим гардона.  
Шул вақтда бор эди икки девона:  
"Турма, ўғлон, анда боргил!" – дедилар.

Ул икки девона тутди кўлимдан,  
Олибон кетдилар турган еримдан,  
Бир ишорат бўлди унинг бириндан:  
"Сайронда борибон тургил!" – дедилар.

Ўлтиргандик, келди икки пирзода,  
Кўзиндан ёш оқар, тили дуода,  
"Хув! Хак!" – дея чикди олти пиёда,  
"Одам энди келар, кўргил!" – дедилар.

Тўртта отлик келди, бари сабзабоз,  
Асолари яшил, оти таблабоз.  
"Мажлис халкасини курманг бунда оз,  
Одам кўпдир, катта кургил!" – дедилар.

Даштдан чикди олтмиш отлик, кўрдилар,

"Мухаммад!" – деб бари карши юрдилар,  
Соглик-саломатлик бир-бир сўрдилар,  
"Турманг, улуг жойга юргил!" – дедилар.

Бир отнинг ортига мени бердилар,  
Сайронда шул жойга бориб турдилар,  
Бари ўлтирдилар, мажлис курдилар;  
Манга: "Ўглон, аро киргил!" – дедилар.

"Алидир", – дедилар, тутди дастимдан,  
Бўрё тўшагимни олди остимдан,  
Билмадим, бир зот не куйди устимдан,  
"Йўликкан даврон бу, сургил!", – дедилар.

Хайдардан сўрадим барин отма-от,  
"Хазрати Пайгамбар улдир, бўлма ёт,  
Бул Салим Хожадир, бул Бобо Зурёд,  
Бул Вайсал-Карандир, билгил!" – дедилар.

"Ул Бахоуддиндир, ул хам бир эрдир,  
Ул Занги Бободир, ул хам номдордир,  
У ёнма-ён турган чохориёрдир,  
Максадинг не бўлса, айтгил!" – дедилар.

Шул замонда турган икки шайхи шоб:  
"Ўглонга фотиха беринг, деди, соф!"  
"Юз йигирма тўрт минг анбиё, асхоб,  
Бариси шундадир, билгил!" – дедилар.

Расулulloх айтди: "Ё Шохимардон!  
Аё Салим Хожа, ё Бобо Салмон!  
Абу Бакр Сиддик, ё Умар, Усмон!  
Бу кулнинг максудин бергил!" – дедилар.

Салим, Бобо Салмон буюрди мардга,  
Пиёлани тутиб, солдилар дардга,  
Кетди аклу хушим, ётдим шул ерда,  
"Аршда, Фаршда борин кўргил!" – дедилар.

Ел бўлдим, югурдим, ер томирига,  
Назарим тўкинди Арш камарига,  
«Жабрут оламинда Жалил сирига,  
Келиб, ўзинг караб, кўргил!» – дедилар.

Неки хаёл килсам, кўлга кетирдим,  
Кайга боксам, унга назар етирдим,  
Бу хол била фарогатда ётардим,  
Юзимга дам уриб, "Тургил!" – дедилар.

Расулulloх айтди: "Асхоблар, юринг,  
Ўглонни кузатинг, фотиха беринг".  
Айтди тўрт отликка: "Элтиб, топширинг,  
Келтирган жойингга кўйгил!" – дедилар.

Туриб, Махтумкули, кўзин очибдир,  
Бошига не кўйлар келиб-кечибдир,  
Маст туядек ок кўпиклар сочибдир,  
"Ўглон, Аллох ёринг, боргил!" – дедилар.

## **ОТА-ЎГИЛ ДАРДЛАШУВИ**

Озодий:

- Ошкор эт сирингни, саклама пинхон,  
Аммоки, сўзимдан чикмагил, ўглим!  
Кунда юз ўй келар-кетар бу бошга,  
Огритма кўнглимни, йикмагил, ўглим!

**Махтумкули:**

- Уялардим, сирим фош айламасдим,  
Ошкор кил, деб сўрар бўлсанг, Озодим!  
Юз ўй келар-кетар хар кун бу бошга,  
Истак бордир, сафар килсак, Озодим!

- Жафо килма ўзинг, чакир Мавлони,  
Орзу килма хонни, бекни, султонни,  
Басдир бизга аввал Тангри бергони,  
Колдирма кўнглимни, кетмагил, ўглим!

- Кетгимиз йўк олти билан, беш билан,  
Сайрон этсак неча тенгу тўш билан,  
Магар шунда Камгин кўнглим хуш бўлар,  
Кўнгил калкар, қарор этмас, Озодим!

- Варзишинг йўк, ёшсан, кета билмассан,  
Шовур бор, шовкин бор, чидай билмассан,  
Хар ишга бош кўшиб, эта билмассан,  
Кетмоқлик даъвосин килмагил, ўглим!

- Киши сўзламаса, сири фош бўлмас,  
Яхшини, ёмонни билган ёш бўлмас,  
Шу кез юбормасанг, кўнглим хуш бўлмас,  
Раъйимиз қайтарма, кўйбор, Озодим!

- Бизни нечук бундай тарк этгусинг бор?  
Бу йўл беҳудадир, чин кетгусинг бор.  
Бас, кетмагил, сендан кўп тарсишим бор,  
Қайгу, аламларга ботмагил, ўглим!

- Қалбимга кирибдир Ислом хаваси,

Тангадир, дирхамдир халкнинг тамаъси,  
Кўнглим малул этма, кўркув нимаси? –  
Бир сафар ишидир, кўйбор, Озодим!

- Куръон ўкиб юргил, яхши Каломдир,  
Душман берахмдир, дининг Исломдир,  
Йўллар карокчидир, ўгри-харомдир,  
Ўлгунгми, колгунгми, кетмагил, ўглим!

- Синайин, кўрайин бу кун икболим,  
Яхши кун, яхши вақт, келганда солим,  
Қасд этиб жонимга, етса ажалим,  
Бу ерда бўлса ҳам, топар, Озодим!

- Билиб олай, ўзинг қаён отарсан?  
Қандок ишдир, буни бундок тутарсан?  
Айтгил, ахир, кимнинг билан кетарсан?  
Ох чекиб, ҳар ёнга бокмагил, ўглим!

- Жиловдори бўлгум Ёсирхон пирнинг,  
Кўнгил куши парвоз урар фақирнинг,  
Бу кун етти кундир, "Алхамд" ўқирмен,  
Шод айла кўнглимни, кўйбор, Озодим!

– Озодий дер: бирга сафо сурайлик,  
Йўкса, юборайлик, синаб кўрайлик,  
"Омин!" деб тур, ўглим, дуо берайлик,  
Бир Аллоҳ ёр бўлсин сенга, бор, ўглим!

– Махтумкули айтар: колмишам чоғдан,  
Кўнгил куши талвос урар йирокдан,  
Ҳар ерда Соғлигим тила Ул Ҳақдан,  
Дуо килиб, Ҳаққа ёлбор, Озодим!..

## ХУШ КОЛ, ГЎЗАЛ "ШЕРГОЗИ!"

*(Хивадаги «Шергозихон» мадрасаси  
билан хайрлашув)*

Макон айлаб, уч йил едим тузингни,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"  
Ўтказдим кишингни, наврўз, ёзингни,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Хакдан бизга буйрук, фарз эрур билим,  
Сенда таълим олдим, очилди дилим,  
Келсин дея кутар ул Карказ элим,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Ажратарман энди оку карони,  
Дўст-ракиб, кардошим, хакни, ёронни,  
Ўкидим, кўтардим Китоб-Куръонни,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Аклим киска эди, кўксим кайнади,  
Жигар талвос урди, юрак ўйнади,  
Илми Ислом билан жоним яйради,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Хислар юрагимда мавж урар, битмас,  
Кайнар, тўлкинланар, хеч лойга ботмас,  
Илм таълим олган сени унутмас,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"



Паймон тўлмай, келсак, тогат етмасдан,  
Сирин зохир килмас, акл кетмасдан,  
Бодипой отландим, сайрон этмасдан,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Дарёга кирсам-да, гаввос сузарман,  
Бехасрат яйрабон, бегам кезарман,  
Дахон ичра асал забон эзарман,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Камол топиб, саранжомлик килибмен,  
Мушфикимдан, ул падардан қолибмен,  
Каъбамдан – ойимдан жудо бўлибмен,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Кутбда саъй кўзлаб, камона тушдим,  
Найсон куйди, уммон кайнадим-жўшдим,  
Хуш кол, бу кун Жайхун бахридан ошдим,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

Махтумкули ташлаб буткул кайгусин,  
Алкади пирини, мулло, сўфисин,  
Асло унутмасман тилло кописин,  
Кетар бўлдим, хуш кол, гўзал "Шергози!"

## **ЎРТАНДИМ, АДО БЎЛДИМ**

Сандувочи сармастман, баргимдан жудо бўлдим,  
Баргимни хазон олди, бесавту садо бўлдим,  
Бир гулчехра йўлинда беҳуда фидо бўлдим,  
Бад ишларга бой бўлдим, хайр ишда гадо бўлдим,  
Фуркат, вуслат, неки бор – аслин аз Худо билдим,  
Барчани бедор кўрдим, ўзим уйкуда бўлдим,  
Дунёга келиб, эвох, айланмай гадо бўлдим,

Еганим огу билдим, кийганим ридо билдим,  
Ёндим-куйдим, ёр-дўстлар, ўртандим, адо бўлдим.

Ёронлар, йўлдош бўлдим, нафсу хаво золимга,  
Кийикдай кочар, бормас насихатгўй олимга,  
Субхонга саркашлигин машхур этди оламга,  
Мен нетайин, эй дўстлар, омадсиз икболимга,  
Кўймади ўз холимга, юруга, мажолимга,  
Не козончга кувончим, не хушвактлик молимга,  
Бир чўп микдори кечмас бу жахон хаёлимга,  
Билмам, олам не кўйда, мен хайрон ўз холимга,  
Ёндим-куйдим, ёр-дўстлар, ўртандим, адо бўлдим.

Жахл ишига чобукман, Аллох ишига сусттар,  
Гарки залолат бўлдим, хидоятни сен кўстар,  
Не дарвишман, не мулло, не сўфи, ахли дастор,  
Кардошлар кулок берса, айтсам сўзимни росттар,  
Фикр айланг, кимим бордир Эгамдан ўзга, дўстлар,  
Бандаликда бўлмасанг, бўлганинг яхши несттар,  
Кўрмадим Кун остинда харгиз ўзимдан пасттар,  
Оташга лойик бўлмас адо бўлган хокистар,  
Ёндим-куйдим, ёр-дўстлар, ўртандим, адо бўлдим.

Фукаросин Сулаймон, гар килса юз сиёсот,  
Келса пари подшохи, Октамиру Жонпўлот,  
Юз минг девга бош бўлган дев тўраси – Дамирбот,  
Магас шохи – Туртарус хамрохлик этса, хайхот,  
Мўр малики – Мунзара келса беҳад, багоёт,  
Мусо гар кўлин очиб, Ийсо ўкиб юз оёт,  
Хизр дуо айлабон, Илёс килса муножот,  
Мундог мурда жасадга махолдир топмок нажот,  
Ёндим-куйдим, ёр дўстлар, ўртандим, адо бўлдим.

Махтумкули, мискинман, кўнгил уйим номаъмур,  
Сўзга якин бандаман, хайрим каму шаррим зўр,  
Ўзим халкка нокобил, икболим кеч, бахтим шўр,  
Ношойиста аъмолим, гўё кадам урар кўр,  
Магар Эгам истаса, бўлгай нуру Ёалан-нур,

Тир турфатул-айнда тушгандир, бўлиб махжур,  
Бад килик билан бўлдим жахон ичинда машхур,  
Тегирмондай бонггирман, самандардай оташхўр,  
Ёндим-куйдим, ёр-дўстлар, ўртандим, адо бўлдим.

## КАРАМ АЙЛА, Ё РАБ, КУДРАТЛИ СУБХОН

Карам айла, ё Раб, кудратли Субхон,  
Гариб, гамгин кечган холимга менинг.  
Аклим хайрондадир, этибман пушмон,  
Билмасликда кечган солимга менинг.

Махшар кун бўлмасанг Сен менга далда,  
Ё Раб, кандай бўлар ишим у холда!  
Иймоним матохин элтувчи йўлда,  
Рахзанлар кўймагил йўлимга менинг.

Дин киличин урсам, танда зўрим йўк,  
Мухтожга нон берсам, кўлда зарим йўк,  
Факирдирман, Сендан ўзга ёрим йўк,  
Бир тасалли бергил кўнглимга менинг.

Истаса тенг-тўшлар бошга олтин тож,  
Факирлик мулкиндан бер менга илож,  
Эй Яратган, этма номардга мухтож,  
Тилагим дуч этма золимга менинг.

Ожиздирман, Сендин ўзга кимим бор,  
Ўзинг берган жонга жабр этма, Жаббор,  
Махтумкули айтар: карамли ўаффор,  
Бокма килмишимга, феълимга менинг!

## ИЙМОНИМ ЙЎЛДОШ БЎЛСА

Дехистоннинг байиринда  
Боди сабони кўрсам.  
Бахоуддин, Мир Кулол,  
Занги Бобони кўрсам.

Наълайни Аршга тождир,  
Номи оламга фоздир,  
Икки жахон мухтождир,  
Араб забонни кўрсам.

Келган кетар шашт этиб,  
Сайр этмас гузашт этиб,  
Кўнгил айтар: гашт этиб,  
Олам-жахонни кўрсам.

Хизир каби чўлларда,  
Илёс каби кўлларда,  
Ковус каби тоғларда  
Яхши-ёмонни кўрсам.

Олдинда Хиндистонни,  
Оркада Туркистонни,  
Авлиёлар уммони –  
Ул Румистонни кўрсам.

Жон фоний, жахон шайдо,  
Мундан ҳеч йўқдир фойда,  
Етти тоғ, етти дарё –  
Дали дунёни кўрсам.

Махтумкули хуш бўлса,  
Окса, дийдам ёш бўлса,  
Иймоним йўлдош бўлса,  
Борсам, Каъбани кўрсам!..

## БИР ЖУМЪА КЕЧАСИ

Бир жумъа кечаси кўрдим тушимда:  
Бол уриб, кўкларга учдим, ёронлар.  
Парвоз айлаб, сайрон этдим дунёни,  
Бир ободон жойга тушдим, ёронлар.

Кахкашонга чикдим: турли самарлар,  
Минг турли мевалар, хуррам шажарлар,  
Норинжи, туринжи, лиму, олмалар,  
Бир ободон богга тушдим, ёронлар.

Очилмишдир унда ранг-баранг гуллар,  
Шўришу афгонда шайдо булбуллар,  
Мармардан ховузли кавсардек сувлар,  
Тахаййур айлабон шошдим, ёронлар.

Ул каро бог ичра кўрдим бир чаман,  
Ажойиб мажлиски, кўрдим – анжуман.  
Давра кириб кўрдим: ўлтирмиш чилтан,  
Салом бериб, кўлин кучдим, ёронлар.

Хамма овоз айлаб, "Алайк!" дедилар,  
Ишорат айлабон, "Ўтгил!" дедилар,  
Давра куриб, жомга шароб куйдилар,

Менга етгач, кўлим очдим, ёронлар.

Билмадим, кўпми ё менга оз берди,  
Ўзга олам бошка бир овоз берди,  
Ишк олди кўнглимни, дилга сўз берди,  
Оёқдан-оёкка тушдим, ёронлар.

Махтумкули, хушёр бўлдим, уйгондим,  
Уйгондим, ўртандим, туташдим, ёндим,  
Маъно бозоринда хаётга дўндим,  
Ширин газал тўнин бичдим, ёронлар.

Гул Фархордек кизил рангим сўлдирсам,  
Кўбиз олиб, улуг наъра чолдирсам,  
Ё Раб, хабар биларманми, Ёр, Сандан.

Ийсо каби хилват тутсам самода,  
Идрис каби куллуқ этсам зиёда,  
Хизр, Илёс каби кирсам зулмота,  
Ё Раб, хабар биларманми, Ёр, Сандан.

Махтумкули, ошиқларинг мастинда,  
Хира кўзи хайрон бўлар дўстинда,  
Етти ерда, тўккиз фалак устинда,  
Ё Раб, хабар биларманми, Ёр, Сандан.

## **ХАККА АЁН ЭРДИ ХОЛИМ**

Тенгу тўшим – бўз йигитлар,  
Хар ким бир ишга улашди.  
Хак хар кимга бир йўл берди,  
Хар ким бир бурчга талашди.

Кимлар кирди Хак йўлига,  
Яхшилик тушди феълига,  
Ким килич олди кўлига,  
Чолди, Ислом динин очди.  
Нор-бедовли беклар, хонлар,  
Отланса, тўлар майдонлар,  
Урди эшик, тўкди конлар,  
Кочоклар бошиндан кечди.  
Биз истадик улуг ёрон,  
Насиб бизни этди хайрон,  
Ким кетди Эрон, Турон,  
Ким Исфахон, Табриз ошди.  
Хакка аён эрди холим,  
Халқда билган – бўлмас маълум,  
Махтумкули, менинг йўлим  
Ул дўстлардан айро тушди.

## **БИЛГАН БОРМИ, ЁРОНЛАР**

Ишк йўлин хавас айлаб,  
Келган борми, ёронлар?  
Дардимни баён этсам,  
Билган борми, ёронлар?  
Бўлмишам масту шайдо,  
Хазор пеша, сад-савдо,  
Оламда мендай расво  
Бўлган борми, ёронлар?  
Ташим дард, ичим бирён,  
Этарман нола, гирён,  
Мендайин масту хайрон  
Колган борми, ёронлар?  
Ёлгон дунёда яйраб,  
Кезармен кулиб, ўйнаб,  
Ишк матбахинда кайнаб,  
Ўлган борми, ёронлар?  
Ишк дуч келса бир мардга,  
Хок бўлар, дўнар гардга,  
Мендайин ўзин дардга  
Солган борми, ёронлар?  
Тоб этмайин зулмга,  
Борди холим ўлимга,  
Йигламайин холимга,

Кулган борми, ёронлар?  
Махтумкули жон чекса,  
Рахм этмаслар, ёш тўкса,  
Ишкинг йўлинда, йўкса,  
Толон борми, ёронлар?

## **ДАСТИ ОТАМНИНГ**

(Марсия)

Олтмиш ёшда, наврўз куни, лув йили,  
Турди ажал, йўлин тўсди отамнинг.  
Бу дунёнинг иши шундаймиш, балли,  
Умрининг танобин кесди отамнинг.  
Могу давлатларга кўнгил кўймади,  
Бу жахоннинг ишратини суймади,  
Эски шолдан ортик пўшиш киймади,  
Охират уйи бўлди касди отамнинг.

Дерди: дунё турмас, умри бокий йўк,  
Кундуз рўза, кеча бўлса, уйку йўк,  
Мункир билмас, мухлисларнинг шаки йўк,  
Пайгамбар дастидир дасти отамнинг.

Кўрмасам, сўзламам хаёлан чандон,  
Максудига етар, юкинган чиндан,  
Ярмиси малакдан, ярмиси жиндан, -  
Мужовирсиз бўлмас усти отамнинг.

Нукабо дер: уч юз эран учрашди,  
Чилтанда отамга назарим тушди,  
Нужабо борсам, хафттанларга коришди,  
Абдоллардир чин пайвасти отамнинг.

Олам ичра одам колмас, от кезар,



Бу сирлардан жахон халки ёт, кезар,  
Жони жаннат ичра, кўкда шод кезар,  
Ерда хушвакт ётар пўсти отамнинг!

Махтумкули, пинхон сириг бор ичда,  
Комил топсанг, кил куллугин саришта,  
Махшар куни гамсиз кирар беҳишта -  
Хар ким чиндан бўлса дўсти отамнинг!..

## ОТА МАРСИЯСИ

Фалак, излар эдим, сен дучор бўлдинг,  
Кўзимнинг нурони – Озодим кани!  
Юрагим сугуриб, сакларга бердинг,  
Шаҳримнинг султони – Озодим кани!

Имомсиз колгандир масжид-мехробим,  
Чикмади нур сочиб ул мохитобим,  
Ёлғиз колдим, сел олибдир атрофим,  
Кўнглимнинг уммони - Озодим кани!

Шакар эди, захар бўлди сўзларим,  
Заъфарондек саргайибдир юзларим,  
Кувват кетди, губорланди кўзларим,  
Минбарим азони – Озодим кани!

Тўрт фаслим ўт бўлди, тоғлар эриди,  
Тириклар учдию ўлик юриди,  
Кетган бориб, Хак рахматин кўради,  
Элимнинг забони – Озодим кани!

Тупроклар сел бўлди, селлар гум бўлди,

Хумлар жом бўлдию жомлар хум бўлди,  
Хаваслар яъс бўлди, пешам гам бўлди,  
Юрагим ороми – Озодим кани!

Ўликлар тирилиб, арзга бордилар,  
Хакдан бир каломни чандон сўрдилар,  
Кўп ёлбориб, "Кўйбор!" дея турдилар,  
Ўлик-тирик даврони – Озодим кани!

Кофирлар бўлибдир йиглаб мусулмон,  
Хакка ёлборибдир Хизр, Сулаймон,  
Буг бўлиб ўрлаган кўкка, бок, уммон,  
Гўклан пахлавони – Озодим кани!

Армоним йўк, фалак, бир саваш килсам,  
Ё йиксанг, босилсам, ё бошинг олсам,  
Сакларга ош айлаб, бозорга солсам,  
Богимнинг райхони – Озодим кани!

Кулоқлар эшитгач, бари кар бўлди,  
Тоглар эриб окди, тошлар ер бўлди,  
Муллолар Куръонсиз, пирлар кўр бўлди,  
Сохиблар Куръони – Озодим кани!

Замин юзин сиёх тумон айладинг,  
Айтгил, фалак, кимни омон айладинг,  
Фирогийни, бок, беамон айладинг,  
Номусим, иймоним – Озодим кани!..

**Ё РАБ, КУЛАМАСМИ БУЮК ТОГЛАР, ХЕЙ!..**

Кисмат бўлмас, кетсам узок йўлларга,

Насиб кўймас, кетар йўлим боглар, хей!  
Хайрон Мажнун бўлиб чикай чўлларга,  
Бориб маскан тутай сизни, тоғлар, хей!

Ўйин билан ўғлонликнинг дамидан,  
Етиб келдим комилликнинг жамидан,  
Кўнглим ларзон бўлди дунё гамидан,  
Тутди сийнам парча-парча доғлар, хей.

Кайта-кайта ўғлонликнинг ройидан,  
Етиб келдим комилликнинг пойидан,  
Ботди бошим, чика билмам лойидан,  
Ёдга тушар бурун кезган чоғлар, хей!

Жохилликда чор тарафга отишган,  
Билмасликда ҳамма ишга котишган,  
Ожиз қолиб, қарилликка етишган,  
Дардлар чекиб, ўз-ўзидан йиглар, хей!

Маъно олган Махтумкули сўзидан,  
Фикра тушар, ёшлар оқар кўзидан,  
Ҳамма нарса тағйир топар Ўзингдан,  
Ё Раб, йигилмасми буюк тоғлар, хей!

## **СЕНДАН СЎНГИЛАРГА ЁДГОР БЎЛАР!**

Яхшиликда ўзин элга танитган,  
Олкиш олиб, даражаси зўр бўлар.  
Ёмон бўлиб, яхшиликни унутган,  
Иззатин йўкотар, итдан хор бўлар.

Мунгли бўлар муродига етмаган,  
Залил бўлар Ҳак амрини тутмаган,  
Ўз ризкига ҳеч қаноат этмаган,

Кўзин тикар кас ошига, зор бўлар.

Хар ким ёмонласа тенги-тўшини,  
Ўзи мушкул этар осон ишини,  
Ким тарк этса ақл билан хушини,  
Килар ишин билмас, шармсор бўлар.

Муроди кеч бўлар йўли янгилган,  
Беихтиёр бўлар қўли тангилган,  
Курашда йигилган, жангда енгилган  
Ичи тўла номус билан ор бўлар.

Гайрати кам бўлар гавхари ознинг,  
Киймати паст бўлар мотамда сознинг,  
Уйига борсангиз бир бениёзнинг,  
Кўкраги кисилар, кўнгли тор бўлар.

Ким балони сотиб олса бошига,  
Рашк этиб, ракиблар кечар ташига,  
Ружуъ килса ким бажармас ишига,  
Савдосидан кела билса, эр бўлар.

Кейин тавба этмас ҳақ йўлдан озгон,  
Ўт ёксанг, кайнамас бир курук козон,  
Фахм этинг, хар ерда бир феъли ёмон,  
Ёвуз мусаллатга сазовор бўлар.

Хазонга айланди умримнинг гули,  
Назарин паст тутар элдан, бергили,  
Бейкбол, ёзикли, ёмон кўргули -  
Тўкнаш келса, бир ёмонга ёр бўлар.

Олдда-ортда кўрсанг хар кас гуломин,  
Ундан аямагин Тангри саломин,  
Ким ўкиб, унутса, Хакнинг каломин,  
Киёмат кун икки кўзи кўр бўлар.

Холи мушкул бўлар куйиб ёнганнинг,  
Иймони шикаст ер харом еганнинг,  
Касддан рўза, намозини кўйганнинг  
Ўзи кофир бўлиб, жойи нор бўлар.

Махтумкули, сўзла хар не билганинг,  
Ўзингга оид бил айтган ўланинг,  
Тарашлаб, порлатгил дилга келганинг,  
Сендан сўнггиларга ёдгор бўлар!

## **ИЙМОН ПАЙДО**

Келса наврўз оламга, ранг килар жахон пайдо,  
Булутлар овоз уриб, тог килар туман пайдо,  
Бежонларга жон кириб, этарлар дахон пайдо,  
Кўкармаган гиёхлар кўкариб равон пайдо,  
Этарлар хайвонотга хам суд, хам зиён пайдо.  
Ер юзига ёйилиб, юрарлар нихон-пайдо,  
Вобаста дахон кушлар киларлар забон пайдо.

Чўл тарафин беркитиб, дар очар сувга харчанг,  
Замин сабзозор бўлиб, танидан айрилар занг,  
Жониворлар маст бўлиб, гўё ичмиш арок, банг,  
Хар ашёнинг ўзига ўз овози бўлар ганг,  
Сабза ичра сандувоч юз тилда килар оханг,  
Замин хизрпўш бўлиб, гул очибдир ранг-баранг,  
Хуружга келиб олам, киларлар фигон пайдо.

Суруду садо бирла жахон юзи ободдир,

Бўлма сурудга магрур, окибати барбоддир,  
Хак ишкинда зинда жон, билинг, бокий хаётдир,  
Хар тандаки ишк йўқдир, рўзи азал мамотдир,  
Ёз ўтгунча Еру Кўк кундан-кунга зиёддир,  
Бир хашри киёматдир, бир явми аросатдир,  
Дахр ичра бўлар хар дам, жохон ичра жон пайдо.

Зарбофга завкинг кўйма, бако йўқдир давлатда,  
Умрингни елга берма, сен бу дорул-мехнатда,  
Етар сенга эрта-кеч, не ёзилса қисматда,  
Жонингга жафо айлаб, бунча кезма хасратда,  
Савоб яхши амалда, ёхуд яхши ниятда,  
Олам барча хизматда, одам ётар гафлатда,  
Хосилинг оташ бўлмай, айласанг ёмон пайдо.

Махтумкули, йигларман бу бахти сиёҳимдан,  
Кўркарман жон офати – кўл-оёқ гувоҳимдан,  
Умидим хосил бўлмас, бу умри табоҳимдан,  
Жон куйди жасад ичра, бу оташи оҳимдан,  
Кўлим чўзиб, тиларман хожатим Аллоҳимдан,  
Бандаман, умид шулки Ул қарамли Шохимдан,  
Айламай аросатда гул қаби иймон пайдо.

## **БАРЧА ИШ ХАКНИНГ КОРИДИР**

Йигит кўнглига хуш ёккан  
Отнинг кўрки - рафторидир.  
Элга, улусга хуш келган  
Ош, қилич – эр гуфторидир.  
Ортингга бок, олдинг кўзла,  
Хуш сўзинг айт, қахринг гизла,  
Сўзлай билсанг, яхши сўзла,  
Халқ ёмоннинг безоридир.  
Дунё дароз, умр қолмас,  
Ажал қелса, чора бўлмас,  
Не иш бўлар – одам билмас,  
Барча иш Хакнинг коридир.  
Ўтар даврон, бермас солим,

Бу кун ёмон, дема, холим,  
Мунда навбат сурса золим,  
Эрта Хак гариб ёридир.  
Ўз эрким билан сўз демам,  
Келажак ризкка гам емам,  
Жахонда бор ишдан ёмон -  
Бир мўъминнинг озоридир.  
Англари киши дуч келмаса,  
Сирлашарга ёр бўлмаса,  
Йил-кунда кадр колмаса,  
Сўз хам не дардга доридир!  
Махтумкули, сен дам-бадам  
Охират сари ур кадам,  
Яхши-ёмон – барча одам  
Ажалнинг гирифторидир.

### **ЁМГИР ЁГДИР, СУЛТОНИМ!..**

Сенингдек Кодирдан тилак тиларман,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!  
Гарибман, гамгинман, нолиш айларман,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Кодир Аллох, тўккил нусрат борони,  
Экиннинг хамдасти, ернинг ёрони,  
Еру кўкнинг, Аршу Курснинг Субхони,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Булбуллар маст бўлсин, олам эврилсин,  
Кайгулар дафъ бўлсин, гамлар соврилсин,  
Нўширвон давридек жахон яйрасин,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Рахматинг эшиги Аршдан очилсин,  
Нуринг иниб, ер юзига сочилсин,  
Ўйбор кўчсин, олам гарди ювилсин,

Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Олам такдир кўзлар – Хакнинг фармони,  
Жахонни сероб эт, кетсин армони,  
Сендан битар дардлиларнинг дармони,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Бечора бандаман, не бордир менда,  
Рахийм – Сен, Рахмон – Сен, карам-кон Сенда,  
Караминг бўлмаса, колдик армонда,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Даргохдан тиланар нолишли куллар,  
Муножот айлабон очилар тиллар,  
Ёмонлик дафъ бўлиб, яйрасин эллар,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

Махтумкули, ишкинг айлар ирода,  
Ишкингни комил эт, кўйма арода,  
Етказгил максада, маъшар мурода,  
Рахм айлабон, ёмгир ёгдир, Султоним!

## **РЎЗУ ШАБ НОЛИШИМ ШУЛДИР ХУДОГА**

Ё Ахмадшоҳ, ерда таркалиб човинг,  
Отинг осмон кетар – Арши аълога.  
Келган навқарингдир, келмаган овинг,  
Буюклик зинасин топ поя-поя.

Эронга килич ур, юрут сипохи,  
Бошингда бўрк бўлсин – давлат кулохи,  
Хумоюн тогинда шерларнинг шохи,



Гўё бир нахангсен мавжи дарёга.

Бешаларнинг ов излаган шерисан,  
Румистон байнисан, девнинг бирисан,  
Зол ўглининг олмос пайкон-тирисан,  
Гуштасп ўгли каби зидсан балога.

Олдинг Эрон бўлса, ортинг Турондир,  
Ишингга дўст хушвакт, душман хайрондир,  
Икболинг очилар, ишинг даврондир,  
Мархамат назаринг солсанг бир жога.

Фирогий дер: ривожлантир, динни сен,  
Шохларнинг шохисан, исломнинг зайни,  
Амрингга мутеъ эт Эрон заминни,  
Рўзу шаб нолишим шулдир Худога.

## **БИЛДИНГИМИ?..**

Калам олиб, номани гўндарганим билдингми?  
Афсун уриб, Худхудни индирганим билдингми?  
Арш устига кўтариб, миндирганим билдингми?  
Тўрт кеча, уч кун йиглаб, тиндирганим билдингми?  
Маркаб минган Ийсодек елдирганим билдингми?

Мажнун каби сахрода йиглай-йиглай кезганим,  
Кўз ёшимни маржондай тизим-тизим тизганим,  
Варко каби Гулшодам ўлиб, умид узганим,  
Жўшкин бўлиб ишк ўти, кайнаб-кайнаб кизганим,  
Шиблий каби бир тоғни ёндирганим билдингми?

Худхуд каби Фарангдан Чин-Мочинга борганим,

Бог ичинда Билкиснинг сочин очиб кўрганим,  
Сулаймоннинг тахтиндан сўзлаб, хабар берганим,  
Куш кўнсин деб бошимга, булбул куйин курганим,  
Чоршанба кун чошт вакти кўндирганим билдингми?

Сурухнинг оркасинда Мажнун курди жодани,  
Бисмиллох деб бошлади, чакирди устодини,  
Хакдан гайри бир кимса эшитмади додини,  
Кирк ошик наъра тортиб, шуълалатди ўтини,  
Кўз ёшимдан сув олиб, сўндирганим билдингми?

Ширвонхоннинг савдоси, не ажойиб савдодир,  
Кил кўприкдан тойдирса, киёмат кун расводир,  
Юз йигирма саф куриб, хар сафда бир гавгодир,  
Ошиклик бир – жўшкинлик, окмас тошкин дарёдир,  
Бир журъадан кирк ошик кондирганим билдингми?

Етилмамиш шункорим, камиш канот, ок турпок,  
Дунё мени тойдирди, бир ёним килди урпок,  
Жонон жигарим тилиб, тортар кон, кўймас тупрок,  
Хар тикандан юз шона, хар кирк гулдан бир япрок,  
Тоғу тошни айланиб, ундирганим билдингми?

Махтумкули сўзлагай: тўккиз фалак Зухроси,  
Етти юлдуз кардоши, Ойнинг, Куннинг пораси,  
Нури дийдам яктоси, кўзим оку кароси,  
Оби Замзам чашмаси, Сафо-Марва ароси,  
Сулаймондек ахдимни дўндирганим билдингми?

## **ЧИН БЕДОВЛАР МАЙДОНИНДА БИЛИНАР**

Эшак ўзин кам деб билмас бедовдан,  
Киймат берсанг, от ёнинда билинар.  
Бедов дегач, бўлмас хамма бедов тенг,

Чин бедовлар майдонинда билинар.

Ўглонликда билмас эдинг, бек эдинг,  
Ёмонга ҳеч ёкмас сўзинг, ўгутиг,  
Ориф бўлсанг, аслин сўрма йигитнинг,  
Адабинда, икроминда билинар.

Бу жахондан тўймас кўзинг, сер бўлмас,  
Хар тулкидан йўлбарс бўлмас, шер бўлмас,  
Йигит дегач, ҳамма йигит бир бўлмас,  
Бўз йигитлар меҳмонинда билинар.

Давлат кўнса бўз йигитнинг бошинда,  
Химоятли эли керак кошинда,  
Йигит ўзин маълум этар ишинда,  
Киличинда, забонинда билинар.

Махтумкули, гарибларнинг кўз ёши  
Тогларни ёндириб, эритар тоши,  
Факирга жабр этган солимнинг иши  
Рўзи махшар девонинда билинар.

## **БИЛМАДИМ, ЯКИНМИ ОХИРЗАМОНА**

Кўнглим айтар, дўстлар, айлайн баён,  
Билмадим, якинми охирзамона.  
Дунё учун шариятни ташлабон,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Муллалар илмига этмади амал,  
Шариат ишига айламай жадал,  
Феълимиз бузилиб, кўпайди касал,

Билмадим, якинми охирзамона.

Муфтилар мол олиб, ривоят берар,  
Нохак пулни олар, хакни куйдирар,  
Феъллари бузилиб, фасод кўпаяр,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Раис бўлса, бечорадан пул олар,  
Бермаса, бўйнига кил аркон солар,  
Гунохлар кўпаяр, шариат колар,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Эшонлари риё айлар намозин,  
Гафлатда ўтказар киш билан ёзин,  
Ёлгон сўзлаб, элдан олар ниёзин,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Сўфилар нафс учун малла тўн кияр,  
Шубхали таомни халол деб, еяр,  
Шайтон феъли билан каромат деяр,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Шайх деганлар назр устинда уришиб,  
Бир пул учун, зан, фарзандга сўкишиб,  
Авлиё қошида мундок бўлишиб,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Хўжалар фахр этар асли зотини,  
Киём Исомиддин кўйиб отини,  
Фалон кас хўжа деб хом авлодини,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Кадхудо бўлганлар тўгри сўзламас,  
Пора олар, лекин Хакни кўзламас,  
Нохак гувоҳ бўлар, даъво тингламас,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Бойларда колмади хайру саховат,  
Дунё деб кезарлар, бўлмас фарогат,  
Хариблар бойлардан кўрмас кифоят,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Ўгли хушрўй бўлса, этармишлар шод,  
Гўёки давлати бўлгандир зиёд,  
Кун-кундан жахонда кўпайди фасод,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Киз-жувонда йўқдир хаёдан асар,  
Йигитлар киз билан ўйнашиб кезар,  
Ёмон иш кўпайди кун кундан бадтар,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Замона ишлари ёмон бўлибдир,  
Жахон ичра фасод ишлар тўлибдир,  
Феълимиз айнибон, ранглар сўлибдир,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Бойлар закот бермай, бўлибдир судхўр,  
Эл ичинда кўпайибдир хасадкор,  
Умр ўтиб, гафлатда бўлибмиз магурур,  
Билмадим, якинми охирзамона.

Гуноҳлар кўп бўлиб, озайди савоб,  
Кўркаман, бу жахон бўлгай деб хароб,  
Касб этиб сотарлар арогу шароб,  
Билмадим, якинми охирзамона

Махтумкули, мунча килмок хикоят,  
Окилларга, шояд, бўлгай кифоят,  
Дунёнинг ишига йўқдир ниҳоят,  
Билмадим, якинми охирзамона.

## **КЕЛ, КҮНГЛИМ, СИДК ИЛА ЁЛБОР АЛЛОХГА**

Кел, кўнглим, сидк ила ёлбор Аллохга,  
Яратгандан ҳеч яширин иш бўлмас.  
Ризк бир мукаддардир шоҳу гадога,  
Калам бирдир, бунда ёзган беш бўлмас.

Бир нечалар йўртар кеча ётмайин,  
Биров ётар ўйдан жафо тортмайин,  
Тақдири азалдан харгиз ортмайин,  
Кезган ортик бўлиб, ётган бўш бўлмас.

Бир бўз йигит ёлгон дунёга келса,  
Килик, килич, нону дастурхон бўлса,  
Фоний юртда обрўй ҳам иймон бўлса,  
Ётмиш, саксон, юздан ортик ёш бўлмас.

Кимлардир давлатманд, кимлардир гариб,  
Кимлар-чи, хайр этиб, закотин бериб,  
Кимлари умринда нон дея хориб,  
Кимлардадир ёстик, тўшак, ош бўлмас.

Махтумкули, бу кунингга шукр айла,  
Аллохнинг кудратин кўриб, фикр айла,  
Ризк учун гам ема, Хакни зикр айла,  
Азалда ёзилган сендан таш бўлмас.

## АДОЛАТ ЯХШИ

Асло одамзодга аччик сўз килманг,  
Факиру мискинга далолат яхши.  
Бахилга учраманг – кулар юз бўлманг,  
Ишни битирмокка кифоят яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бўлгил,  
Кўлдан келса, унга таом-туз бергил,  
Гамгинни кўрганда ширин сўз бергил,  
Чорасиз кулларга химоят яхши.

Ўигит улдир, сўзга айласа амал,  
Кўлдан келмас ишга этмаса жадал,  
Аллохнинг амрига килмагил бадал,  
Бекка – сахо, шохга адолат яхши.

Хариблик бир дарддир – одам ўлдирмас,  
Ўлдирмас, хаётда лекин кулдирмас,  
Бўрига ажзини ит ҳам билдирмас,  
Албатта, душманга сиёсат яхши.

Махтумкули, шукр, ширин тил берди,  
Дарахтлар кўкариб, самар, гул берди,  
Гўрўгли Райхонга кандай ёлборди? -  
"Омонлик" деганга диёнат яхши.

## ЎИГЛАРМАН

Эй ёронлар, умримдан

Кечди дея йигларман.  
Кетди аклим ўрниндан,  
Шошди дея йигларман.  
Кетган келмас йўлиндан,  
Кайтмас ёмон феълиндан,  
Диёнат халк кўлиндан  
Учди дея йигларман.  
Хозир бизнинг замонда  
Ёмон сўзлар забонда,  
Зулм ишлари жахонда  
Жўшди дея йигларман.  
Бу айёмда бадкорлар  
Юз тил билан алдарлар,  
Кани, не-не дилдорлар,  
Кечди дея йигларман.  
Неча содда тенг-тўшлар  
Шайтон килигин бошлар,  
Юз ўгириб кардошлар,  
Кочди дея йигларман.  
Кўринг фалак ўйинин,  
Узар оламнинг бўйнин,  
Не-не жонлар ер кўйнин  
Кучди дея йигларман.  
Махтумкули дер марда:  
Дунё – кишан, тан – парда,  
Бир бошим сонсиз дарда  
Тушди дея йигларман.

## **НИЯТИМ КАЪБАДИР, ХАЁЛИМ ХАЖДИР**

Олтмиш яшар, етмиш яшар сўфилар,  
Оз колибдир ой-кунингиз ботмокка.  
Чўл ерларда този кўрмас тулкилар,  
Хаёл этар ётган шерни отмокка.  
Карга айтар: "Йўқдир мендаин шахбоз",  
Минг карга йигилса, лочин бўлмас, рост,  
Митти калтакесак кун каргаб носоз,  
Дам чекадир аждархони ютмокка.  
Оксок кийик юз бўрсикка еттирмас,  
Шер боласи юз тулкига туттирмас,  
Ўлик илон юз калхатга юттирмас,  
Акл керак бу ишларга етмокка.



Етмиш яшаб, ёд этмаслар тавбани,  
Хуррам бўлиб ўйнатарлар гахбани,  
Мункирлар жам бўлиб, йикди Каъбани,  
Язид кетди огочларин сотмокка.  
Бокинг бу айёмни, кўринг гардишни,  
Факирга зулм этмок бўлди варзиши,  
Хак йўлинда тўгри кезган дарвишни,  
Кўймайдилар ўз холига ётмокка.  
Юрагим сабрдан кетди, карордан,  
Ёмон ишдир бугз айламок эр, ёрдан,  
Кўп безор бўлибман бундай диёрдан,  
Мажбур колдим бошим олиб кетмокка.  
Махтумкули айтар: бахтим беваждир,  
Насибим, такдирим, икболим каждир,  
Ниятим Каъбадир, хаёлим Хаждир,  
Ихлосим бор хаж тавофин этмокка.

## **ЯХШИ КАЙСИ, ЁМОН КАЙСИ, БИЛИНМАС**

Дардим кўпдир диёримдан, давримдан,  
Хайр кайси, эхсон кайси – билинмас.  
Золимларнинг жафосиндан, жабриндан  
Ислом кайси, иймон кайси – билинмас.

Сухбатинда Хак каломин сўйлаш йўк,  
Мажлисинда бир насихат айлаш йўк,  
Халол кайси, харом кайси – сайлаш йўк,  
Суд кайсидир, зиён кайси – билинмас.

Халойикда киёфа йўк, кўрим йўк,  
Бойларинда саховат йўк, берим йўк,  
Хотинларда хаё, кизда шарм йўк,  
Адаб кайси, аркон кайси – билинмас.

Кишининг молига кўзни солдилар,  
Таассуб-ла дилга кийна тўлдирар,  
Бир-бирини нохак холда ўлдирар,  
Нажот кайси, омон кайси – билинмас.

Махтумкули, жон мехмондир, гавда – лош,  
Яхшига дўст кўп, ёмонга йўк кардош,  
Бу айёмда бош оёғдир, оёк – бош,  
Яхши кайси, ёмон кайси – билинмас.

## **ЁМОНЛАР ЯХШИДАН КОЧА БОШЛАДИ**

Энди билдим замонанинг озганин,  
Ёмонлар яхшидан коча бошлади.  
Кайтиб баднасллар аслзодадан,  
Писанд этмай, тўрга кеча бошлади.

Риё бўлди кўпнинг қилган намози,  
Тангри ҳеч биридан бўлмади рози,  
Пайгамбар ўрнида ўтирган кози,  
Пора учун кўлин оча бошлади.

Шохларда колмади ҳукми адолат,  
Бир пул учун муфтий берар ривоят,  
Бил, бу ишлар – нишонаи киёмат,  
Золимлар тавбасиз ўта бошлади.

Додхохлар турубон, юзин саргайтиб,  
Ким тўрасин топиб, рангин кизартиб,  
Золимлар мазлумга, сиртин кабартиб,  
Камчисиндан конлар соча бошлади.

Мужтахид сўзига амал бўлмади,  
Мунофиклар Яратганни билмади,  
Сўфилар пиридан таълим олмади,  
Дунё учун диндан кеча бошлади.

Бир гурух сўфилар "сўфиман" дейди,  
Сўрамай, золимлар таомин ейди,  
"Бизни яхши киши десинлар" дейди,  
Хар эшикда халка кура бошлади.

Карига айланди биз кўрган ёшлар,  
Оёкка айланди биз кўрган бошлар,  
Бемахал юк боглаб энди кардошлар,  
Охират азмига кўча бошлади.

Окил киши гамда юрагин эзиб,  
Дардининг дармонин сўроклаб кезиб,  
Замонанинг фасод бўлганин сезиб,  
Фонийдан бокийга кўча бошлади.

Не асл бекларнинг навбати ўтди,  
Сохтакорга, карокчига сўз етди,  
Дунёда ким қолиб, муродга етди? –  
Муҳаббат чирोगи ўча бошлади.

Кози бўлган бир жавобда турмади,  
Тунлар меҳнат тортиб, китоб кўрмади,  
Шариат йўлинда тўғри юрмади,  
Нафс учун иймонсиз ўта бошлади.

Махтумкули айтар: борхо йўл тани,  
Беш кун синамокка юборди сани,  
Сендан бурун ўтган инсонлар қани? -  
Хар ким навбатинда ўта бошлади.

**КЕЛДИ КИЁМАТДАН НИШОН**

Топди шухрат халк ичинда бу жахолатдан нишон,  
Колди дарвишлар дилинда догу хасратдан нишон,  
Колмади мазлумлара хеч расту нусратдан нишон,  
Сарбасар тўлди жахона бу бад офатдан нишон,  
Тегди олам ахлига юз минг хижолатдан нишон,  
Эр биларлар, кимда бўлса ул шароратдан нишон,  
Ёдга солмас хайр ишин, топган залолатдан нишон.  
Не мурувватдан асар бор, не адолатдан нишон,  
Шак эмасдир, дўстларим, келди киёматдан нишон.

Кай киши бидъатга ботса, они, бас, эр билдилар,  
Махшара мункир бўлиб, йўк дунёни бор билдилар,  
Шаръ ишин бад англайиб, хўб ишни бад кор билдилар,  
Содиклари хоин билиб, хоинлари ёр билдилар,  
Томеълари кониъ дея, кониълари зор билдилар,  
Ким шариат ахли бўлса, хажв этиб, хор билдилар,  
Мункири муршид билиб, ёлгонни икрор билдилар,  
Гумрохни такво санаб, таквони инкор билдилар,  
Шак эмасдир, дўстларим, келди киёматдан нишон.

Хурмат ахли бўлди ул кимнинг кўлинда созидир,  
Ким Калом ўкуса, халк ёнида хор овозидир,  
Вирдлари дарвишларинг хилватда халк анбозидир,  
Ўртада кизу жувон, дерсанки, тўйдир, бозидир,  
Сакрашар кизу келин устингга, гўё тозидир,  
Хак ишиндан беҳабар халк ичра баъзи козидир,  
Тобиъи жиндир анинг, хаккоки, шайтон ўзидир,  
Баски, дўзах жойидур, хар ким бу ишга розидир,  
Шак эмасдир, дўстларим, келди киёматдан нишон.  
Тангри, Пайгамбар сўзиндан беҳабар бепирлар,

Фосикин кози билиб, ноибни султон дерлар,  
Хар киши, аввал келиб кўрсангки, "ришват бер"лар,  
Боглабон бўхтон ила факр ахлига таксирлар,  
Салла боглаб бошига, оч бўри – сўфи, пирлар,  
Айлабон халк устига кўп хийлаи тазвирлар,  
Гар халолу гар харом топса, тикарлар, ерлар,  
Рўзи махшар Хак, Расулга не жавобни дерлар?! -

Шак эмасдир, дўстларим, келди киёматдан нишон.

Айтавер, Махтумкули, сўз бирла дардинг хар замон,  
Не учун золимга навбат берди бу давру замон,  
Ул сабабдан кўз кўриб, эшитса ким, кечди гумон,  
Айлабон бир-бирига даъвойи ботилни хамон,  
Арзимас бир мол учун, шаксиз, берар кўлдан иймон,  
Ўзини эр деб билар, ким ортик иш килса ёмон,  
Бу кўнгил юз шавк этар, нохак учун тўкмакка кон,  
Гурбанинг етса кучи, коплонга хеч бермас омон,  
Шак эмасдир, дўстларим, келди киёматдан нишон.

### **ЎЛИМ БАРОБАРДИР ШОХУ ГАДОГА**

Мухаммад уммати молсиз бўлмасин,  
Молсиз бўлса, туккан кардош ёт бўлар.  
Кочар оганг, ининг, бўлмас хотиринг,  
Кувонар душманинг, дўстинг мот бўлар.

Гариб, оёкяланг – хордир, хашакдир,  
Бир маърака бўлса, ўрни пойгакдир.  
Гариблар от минса, оти – эшакдир,  
Давлатлилар эшак минса, от бўлар.

Бир тилак тиласанг, хожатинг битмас,  
Дўстинг ихлос билан мархамат этмас,  
Маъракада айтган сўзинг жой тутмас,  
Тингламаслар, курук сўзинг бод бўлар.

Кураш бир обрўйдир, уруш бир дастдир,  
Кишини камситган – ўзи нокасдир,  
Бир мўминни гийбат этмок абасдир,  
Гийбатчининг козонгани ўт бўлар.

Махтумкули, шукр айлагил Худога,  
Ўлим баробардир шоҳу гадога.  
Бесабр кул тез йўликар балога,  
Сабрли кул бора-бора шод бўлар.

## КЎНГЛИМ

Уйгон хоби гафлатдан, ажалсиз ўлан кўнглим,  
Умид узиб оламдан, даргоҳдан тилан, кўнглим,  
Мард керакки, чикарсин бу ботиб колан кўнглим,  
Тубсиз дарёга тушди, кўрганга кулан кўнглим,  
Жон фоний, жаҳон фоний, кафанга ўран, кўнглим,  
Сўз билан ичинг фаркли, кабз ўлиб, дўлан кўнглим.

Олимлар сўзин тингла, насихатин ол, кўтар,  
Тур, Хакнинг даргоҳига муножот кил, кўл кўтар,  
Риёзатнинг юкини, узун аркон сол, кўтар,  
Бу иш марднинг ишидир, мардона тур, кел, кўтар,  
Комил пойига бош кўй, ёлгончидан эл кўтар,  
Тавба килиб, бир пирнинг хокига булан, кўнглим.

Ишким бордир Мажнундан олтмиш хисса зиёда,  
Куч-куватим бор, кирк йил дарс айтарга Фархода,  
Юрагим ёкиб ўтда, Хожамга борсам дода,  
Карам дарёси жўшиб, етказарми мурода? -  
Колса, кўнгил топилмас, чикса бу жон дунёда,  
Мард керакдир олмокка бу гариб колан кўнглим.

Сахар туриб, дуо кил, "Омин!" десин фаришта,  
Не бордир гофил ётиб, беҳуда ўлтиришда,  
Мулки жаҳон тутдирмас, айласанг минг саришта,  
Абдол жандасин кийиб, кет девона кўришда,  
Йўкса, коларсан танҳо, гамгаштаю саргашта,  
Айтган сўзингга феълинг бўлмасин ёлон, кўнглим.  
Махтумкули, нўш этдим, гам бодасин икки тос,  
Уч ичарга рағбат йўк, чун жондан бўлдим халос,

Бошимда сонсиз савдо, ичда "Васвосил-ханнос",  
Келинг, бир тадбир айланг, бу дардга, аййуханнос,  
Тиз чўкубон, дам урса, Ийсо, Хизр хам Илёс,  
Тирилмас, зинда бўлмас, худ мурда бўлан кўнглим.

## ЯХШИДИР

Одам ўгли, бу оламдан ўтгунча,  
От чигариб, обрўй олган яхшидур.  
Кузгунларнинг соясида ётгунча,  
Бургут панжасида колган яхшидир.

Бенамоз кўлиндан таом ичманглар,  
Истанмаган ерда гуфтор очманглар,  
Харгиз номард кўпригидан кечманглар,  
Гарк бўлиб, дарёда колган яхшидир.

Хотиринг кўркидир моялар, нарлар,  
Илмнинг куввати – мардона эрлар,  
Ёлгончи – Аллохнинг душмани, дерлар,  
Аммо ўз ўрнида ёлгон яхшидир.

Махтумкули айтар: сўзим тоғ ошмас,  
Номард одам йўлдошига карашмас,  
Мусибатхонада кулмок ярашмас,  
Тўйлар мажлисинда кулган яхшидир.

## ОШИК АЙТАР: "Ё СУБХОН!.."

Бани Одам сурилар  
Хазор остона сари.  
Фалак баккол ўтирмиш

Бозор остона сари.

Каро ер огзин очар,  
Гофилдир одам, кечар,  
Булбуллар истар – кўчар  
Богу бўстона сари.

Нур ато, Бобо Дархон,  
Теграси дарё, кўргон,  
Борди кори Богиргон  
Ул Туркистона сари.

Хакдан раҳмат ёгилар,  
Иморатлар ёпилар,  
Кетсанг, Каъба топилар,  
Ул Румистона сари.

Кунчикардан кунботар -  
Тарсо, жухуд хам тотор,  
Шахарлар катор-катор  
Магрибистона сари.

Ошик айтар: "Ё Субхон,  
Мушкулим айла осон!"  
Шафоат айла, ёрон,  
Шул Дехистона сари!

Махтумкули тилланар,  
Кўзда ёши селланар,  
Кунда кўчар – йўлланар,  
Мозористона сари...



## ХОСИЛИНГ НЕДИР СЕНИНГ?..

Борми бормокка жойинг, бошка – Худодан гайри?!  
Бормаганинг бормидир рўйи сиёдан гайри?!

Кезганча чархнинг остин жахонда жонлар чекиб,  
Не талаб бор сенга бул жабру жафодан гайри?!

Хак этиб, нохак этиб, юрсанг кўздан кон тўкиб,  
Ўосилинг недир сенинг журму гунохдан гайри?!

Еб-ичиб, махбуб кучиб, ётсанг гар рохат ила,  
Тоатинг кани санинг рўйи сиёдан гайри?!

Кўз – гўзалда, нафс – емак, тил яна гийбат билан,  
Шавкатинг шарр, бошда йўк ўйлов, хаводан гайри!

Аввали англамадим, англаб сўзга юрмадим,  
Бу балода кимса йўк мен бенаводан гайри!

Фикр, айла Махтумкули, фонийга бок, не кўрдинг,  
Сўнги йўк, алдови кўп фавту фанодан гайри?!

## ХАБАР БЕР!..

Турди шоир билан дардлашув  
Махтумкули:  
- Ул нимадир, яшил-кизил ўсадир?

Ул нимадир, оёги йўк кезадир?  
Ул нимадир, етти дарё сузадир?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Турди шоир:  
- Ул экиндир, кизил-яшил ўсадир,  
Ул илондир, оёги йўк кезадир,  
У баликдир, етти дарё сузадир,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, ёкаси бор, ёни йўк?  
Ул нимадир, каноти бор, кони йўк?  
Ул нимадир, одам ютар, жони йўк?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул кафандир, ёкаси бор, ёни йўк,  
Капалакдир, каноти бор, кони йўк,  
Каро ердир, одам ютар, жони йўк,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, дарвозасиз калъадир?  
Ул нимадир, деразасиз бинодир?  
Ул нимадир, бир-биридан аълодир?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул кўнгулдир, дарвозасиз калъадир,  
Ул кабрдир, деразасиз бинодир.  
Ул ой-кундир, бир-биридан аълодир.  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, емадилар, тўйдилар?  
Ул нимадир, киёматга кўйдилар?  
Ул ким эди, товонидан сўйдилар?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул дийдордир, емадилар, тўйдилар,  
Ул намоздир киёматга кўйдилар.  
Насимийнинг товонидан сўйдилар,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, етти ўлка кезадир?  
Ул нимадир, белин бир зот эзадир?  
Ул нимадир, одам каби сезадир?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул чўпондир, етти ўлка кезадир,  
Ул кўй эрур, белин таёк эзадир,  
Бедов отлар одам каби сезадир,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, тупрок узра суринас?  
Ул нимадир, одамларга кўринас?  
Ул нимадир, хеч бир тўнга ўранмас?  
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Эранлардир, залил бўлиб суринас,  
Ул балодир, келса кўзга кўринас,  
Ёлгон гурунг ошкор бўлар, ўранмас,  
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

## **КИМ БОРДИРКИ, ФАЛАК БАГРИН ЭЗМАМИШ!..**

Сог-саломат, сармаст бўлиб кезган жон,  
Дард-балонинг бирисиндан инграрлар.  
Ё совукдан, ё иссиқдан курир кон,  
Тан устинда табиблар бел богларлар.

Ризк вакили келар ризкинг йўк этиб,  
Кўксингни куришиб, йўлинг берк этиб,  
Нафас фариштаси даминг тугатиб,  
Йилинг, кунинг ўзга юртга чоғларлар.

Ўқикларинг соч ёрлар, бош тўкиб,  
Ёру дўстинг йиглашарлар ёш тўкиб,  
Кардош-туккан катнагайлар ош тўкиб,  
Кўнса, кўчмас юртга қарор боғларлар.

Хабар тушар: "Фалон кимса ўтди" деб,  
Чирोगи ўчди, деб, куни битди, деб,  
Бу дунёдан у дунёга кетди деб,  
"Аллох раҳмат қилсин!" дея тарқарлар.

Ким бордирки, фалак бағрин эзмамиш,  
Ризкини киймамиш, кўнглин бузмамиш,  
Махтумкули, тоғ, дарёлар тўзмамиш,  
Бу дастурдир, айриликка йигларлар.

## **ОХИРЗАМОН ИЧИНДА!..**

Кўнгил, не иш битирдинг, келдинг жахон ичинда,  
Колдинг дунё гаминда, юрагинг кон ичинда,  
Обод дея кўл чўздинг, таги вайрон ичинда,  
Тан тупрокдир, айланмас жавҳари жон ичинда,  
Рустам кумга қорилиб, колди яксон ичинда,  
Сен аларнинг ёнинда қолмаган сон ичинда.

Дунёлик деб чопарсан, то ичингда дам бордир,  
Дам ичиндан чикканда бошингда минг гам бордир,  
Гам остинда ётарсан, на анга малхам бордир,  
Тўймас кўзинг, тўлмокка бир ховуч хок-кум бордир,  
Бу жахонда, одамзод, сендан гофил ким бордир?-

Куртга, кушга назар кил, кулли фармон ичинда.

Эй ёронлар, ул дунё борган бордир, келган йўк,  
Ўлик тирик холиндан хабар, хотир билган йўк,  
Чархи фалак дастиндан йиглаган бор, кулган йўк,  
Фикр килинг, кардошлар, кўхналардан колган йўк,  
Ёлгончининг вафоси йўқдир десам, ёлгон йўк,  
Дунёга бел боглаган колди зиён ичинда.

Ё Илохо, Сен сакла карокчидан йўлларда,  
Согу сўлда сарсонлар колдирмагин чўлларда,  
Кўнгил дунё ишкинда, харом сўзлар тилларда,  
Мен бир ожиз бандаман, каминаман кулларда,  
Кўп гунохлар топибман оз фурсатли йилларда,  
Хижолатда кўймагил яхши-ёмон ичинда!

Махтумкули, алдайди келин дунё безаниб,  
Кўнглингни мойил килма, унга карши тузаниб,  
Не фарогат, ётарсан, кўл-оёгинг узаниб,  
Ажал ётар олдинда, ўкин, ёйин кезаниб,  
Махшар куни боравер иймонингни козониб,  
Курук келдинг, бўш кетма охирзамон ичинда!..

## **ФОНИЙДИР БУ ЁЛГОН ДУНЁ**

Кел, кўнглум, кенгаш килайлик,  
Сўзламасанг, фош бўлмассан.  
Фонийдир бу ёлгон дунё,  
Бир кун ундан хуш бўлмассан.

Бир гулдирсан, очиларсан,  
Бир кун сўлиб, сочиларсан,  
Хам ташларсан, хам тишларсан,  
Яна биздан таш бўлмассан.

Хакнинг амридир, нетарсан,  
Биз учун бир ён кетарсан,  
Келганни қарши ютарсан,  
Бир дам биздан бўш бўлмассан.

Аввал дўстсан – кулдирарсан,  
Бир оз ўтгач, елдирарсан,  
Бир кун босиб ўлдирарсан,  
Бокий қариндош бўлмассан.

Махтумкули билмиш холи:  
Бир кун ёғоч от минали,  
Тавба деб, Хакка дўнали,  
Бундан кейин ёш бўлмассан.

### **ИЙМОНДАН ЎЗГАСИ ХЕЧДИР, ЁРОНЛАР!..**

Намозхон дарвишлар, давлатли бойлар,  
Фалакнинг гардани каждир, ёронлар!  
Миннатли ўгилган намоз қабулмас,  
Давлатга таянманг, пучдир, ёронлар!

Кисилса нафаслар, саргайса юзлар,  
Куриса дудоклар, тўхтаса сўзлар,  
Кўқарса тирноклар, оқарса кўзлар,  
Иймондан ўзгаси ҳечдир, ёронлар!

Аслинг ховуч тупрок, дам бир нафасдир,  
Ўзингга бир қара, ишинг ҳабасдир,  
Жасад бир манзилдир, тан бир қафасдир,  
Жон бир – кўзи боғли қушдир, ёронлар!

Гофил бўлманг, дунё келган кетарлар,  
Бунда хушвакт бўлманг, бордир батарлар,  
Чекилар карвонлар, юрур хатарлар,  
Бир изи узилмас кўчдир, ёронлар!

Ажал ёканг тутар, куйган багирдир,  
Кетган кайтиб келмас, бу бир тақдирдир,  
Манзиллар йирокдир, юклар огирдир,  
Эртарок кўзголинг, кечдир, ёронлар!

Кутуларсан, Хак йўлинда жон берсанг,  
Мулла бўлар, бир гарибга тўн берсанг,  
Соё бўлар, бир мухтожга нон берсанг,  
Бир очни тўйдирмок – хаждир, ёронлар!

Бу дунё деганинг икки варокдир:  
Ярмиси кародир, ярмиси окдир,  
Бир кеча туш кўрдинг, давоми йўқдир,  
Дунёнинг тимсоли тушдир, ёронлар!

Махтумкули, бўйин бергил бу амра,  
Молга машгул бўлиб, колмагил гумрах,  
Юз йиллик тадорик – беш кунлик умра,  
Фикр айланг, бу нечук ишдир, ёронлар!

## **ОКИЛ УЛДИР, МАЙЛ ЭТМАСА ДУНЁГА**

Кеч, кўнгил, дунёдан, айлама хавас,  
Фонийдир, ҳеч кимга поёни бўлмас!  
Жон куши булбулдир, танинг – бир кафас,  
Бир кун учар, доим тургони бўлмас.  
Бир нечани шохлик билан шод этиб,

Шахриёр деб, алам ичра ёд этиб,  
Ажалнинг дастидан бир кун дод этиб,  
Кетдилар бариси, юргони бўлмас.  
Инсу жинга шохлик этган Сулаймон,  
Жамшиду Искандар, кани Нуширвон?  
Кани Хак хабиби – ул фахри жахон?  
Кетди бари, харгиз гумони бўлмас.  
Колмади Дороинг, на Шахриёринг,  
Кани ул Гулчехра, сиймин узоринг?  
Кани шохсуворинг, заррин Хисоринг,  
Хеч бирининг ному нишони бўлмас.  
Неча мурсал кечди, неча минг набий,  
Неча болиг кечди, неча минг сабий,  
Хосил бўлиб хар бирининг матлаби,  
Фоний ичра бокий колгони бўлмас.

Кимни ганий килди, кимларни халлож,  
Йўксилни бойларга айлади мухтож,  
Келса, ажал боди, бўлар ноилож,  
Кетгусидир, яхши-ёмони бўлмас.  
Могу дунё бериб, неча минг гани,  
Лаълу жавохирдан бўлиб маскани,  
Кетди, кўйиб касру кўшку айвонни,  
Боргандан сўнг, кайтиб келгони бўлмас.  
Дунёга келганнинг бари йўк бўлар,  
Гофил одам билмасликдан алданар,  
Йикканинг бариси дунёда колар,  
Хеч бир одам олиб боргони бўлмас.

Комати сарвдек нозик баданлар,  
Зебу занахдонли гунча даханлар,  
Гул юзли парилар, сиймин законлар,  
Оламда шод бўлиб кулгони бўлмас.  
Йўк вафоси, дўстлар, фоний дунёнинг,  
Ўлгунча тарк этма хайру эхсонинг,  
Боргач, сўнг келмокка йўқдир имконинг,  
Инон, бу сўзларнинг ёлғони бўлмас!  
Окил улдир, майл этмаса дунёга  
Сидк ила сигинса кодир Аллохга,  
Махтумкули, бир сурати зебога  
Бокмагил, уларнинг поёни бўлмас!..



## АЗИЗ СУБХОНА КЕЛДИНГ

Бу наклдир, одамзод, сен бу макона келдинг,  
Аввал отанг белиндан сизиб нихона келдинг,  
Отадан эна бориб, бир катра кона келдинг,  
Энада сурат бўлиб, бу ширин жона келдинг,  
Тўккиз ойни ўтказиб, эниб жахона келдинг,  
Эмиб онанг сутини, йўргакли тўна келдинг.

Яратган кудратиндан тиш билан дахон берди,  
Сўзламокка сўз билан дахонда забон берди,  
Кўнглинг кетиб хар ёна, турдинг, оёгинг юрди,  
Билдинг якин-ёдингни, кўзинг дунёни кўрди,  
Етти-саккиз ёшингда отанг муллога берди,  
Ўкиб Куръон китобин, улгайиб ўн-а келдинг.

Ўн беш ёшга борганда ўглонликдан ажралдинг,  
Киз-келинга майл этиб, кўнгил бериб, куйландинг,  
Гўё бориб ок уйнинг тўрт тошига айландинг,  
Хакнинг фармони билан охир бир кун куйландинг,  
Йигирма ёшга бординг, асбоб ила шайландинг,  
Бедав миниб, сакратиб, суриб майдона келдинг.

Ўттиз ёшга борганда гўё бир олгир шерсан,  
Дунё гами бошингда, гўё чопиб-еларсан,  
Дунёга тўймок йўқдир, бўлгунча-бўлсин дерсан,  
Ахли мусулмон бўлсанг, ўлгунча халол ерсан,  
Киркинда тавба айлаб, бир муршидга кўл берсанг! -  
Кўнглингни бирга боглаб, азиз Субхона келдинг!

Эллик ёшга борганда тўгриликда бўларсен,  
Гўдакликдан айрилдинг, шеваликни биларсен,  
Хар неча жафо чексанг, охир бир кун ўларсен,  
Беш вақт намозинг ўкиб, Хакка шукр киларсен,

Олтмиш ёшга борганда қариганинг биларсен,  
Эккан экининг пишиб, ўрок-ўрмона келдинг.

Етмиш ёшга келганда конинг кочар юзингдан,  
Ок тишларинг тўкилар, шуъла кетар кўзингдан,  
Кувват сендан айрилар, кучинг кочар тизингдан,  
Хеч киши хазар этмас сенинг айтган сўзингдан,  
Саксон ёшга борганда кўнглинг кечар ўзингдан,  
Кетар бўлсанг дунёдан, яқосиз тўна келдинг.

Махтумкули, меҳнатдир, ҳар ким тўксондан ўтса,  
Кам-кам келар жаҳонга, агар юз ёшга етса,  
Хеч кимдан мадад бўлмас, ажал ёқангни тутса,  
Иймонингни қозонсанг, йўлингни равон этса,  
Охир бўларинг шулдир – танинг ер билан ётса,  
Эшиги, туйнуги йўқ қоронгу хона келдинг!..

## **БЕКЛАР**

Мард билан номарднинг иши тенг келмас,  
Номардлар савашда зиёндир, беклар.  
Номард бўз йигитнинг қаддини билмас,  
Номарднинг ҳар иши вайрондир, беклар.

Комил – бўз йигитлар ҳаққини емас,  
Дунё молин берсанг, номардлар тўймас,  
Номард масалахатга – кенгашга уймас,  
Номарднинг ҳар иши аёндир, беклар.

Бир отада олти ота суйи бор,  
Бир нодоннинг юз хиёллик ўйи бор,  
Бўз йигитлар қайга борса, уйи бор,  
Номарднинг ўз уйи зиндондир, беклар.

Давлат бошга келса, дўст-ёрин кўрмас,  
Казо келса, багрин ердан кўтармас,  
Хакдан дея харгиз иймон келтирмас,  
Махтумкули, шундай замондир, беклар!..

## АЙРИЛСА

Кора тошли, сарик туман бу тоғлар  
Тупрок бўлар, кора тошдан айрилса.  
Сел бўлиб, тўлғониб окар булоклар,  
Чилла тўлиб, корлар кишдан айрилса.

Дунёда бир гавго узокдан бўлар,  
Кўз хонаси кондан, кон ёшдан тўлар,  
Куръон кўрмай кезган пирлар оч колар,  
Эл унутиб, сари пешдан айрилса.

Кўп айтарман: дунё колди ёмона,  
Рахм этмас бўлди, бок, мусулмона,  
Лочинлар пир-пираб келар осмона,  
Харом ўлган кўзи-лошдан айрилса.

Зинокор сийламас элу юртини,  
Гайри кочар, кўрса эрнинг мардини,  
Одам ўгли айта билмас дардини,  
Юрак ёниб, чашми ёшдан айрилса.

Номард жувонпараст, холи забундир,  
Мардни кўрса йиглар, кўзлари хундир,  
Дўсти гариб келса, мардлар мажнундир,  
Номард дўст истамас, ошдан айрилса.

Юрт дардига ярар элда мардонлар,  
Номард кочиб борар, бокинг, ёронлар,  
Мол дея юрт кезар бахил-нодонлар,  
Ўамга ботар, гўзал хешдан айрилса.

Номард-занон гапда хеч турки бўлмас,  
Вазирлар нодондир, хеч эрки бўлмас,  
Кулар юзли ёрнинг хеч кўрки бўлмас -  
Сиёх зулф, каро кўз, кошдан айрилса.

Бозургонлар мудом йўлга бел боглар,  
Нодон кетса, йирок кетса, эл чоғлар,  
Махтумкули Хакни ёдлар, кон йиглар,  
Шох-гадолар аклу хушдан айрилса.

## **ХАК МАЖЛИСИ МАЙДОНИДИР**

Тўртдир бу жоннинг зиллати,  
Соғлик анинг султонидир,  
Тан мулкининг сар давлати,  
тинмас, ўтар меҳмонидир.

Нафс айлабон саркашлигин,  
тан тахтининг майдонида,  
Рўзи азал рухнинг, якин,  
шул ахду шул паймонидир.

Бозорга бул келган киши  
ихлосини пок айласин,  
Кобил эса ихлосли кул,  
мардонларинг мардонидир.

Деса бўлар сад офарин,  
рухин бокиб, нафсин эзан,  
Хак йўл анинг бозоридир,  
Хак мажлиси майдонидир.

Вой холига, нафсин севан,  
жон деб эсин ожиз кўян,  
Рўзи жазо йўлдош анга -  
бад ишларин пушмонидир.

Мард топмадим, куллуқ этай,  
йўл топмадим, хажга кетай,  
Бу икки иш бу тан аро  
бу жониминг армонидир.

Махтумкули, бир гамзада,  
токи бу дард бирлан кетар,  
Беш кун бу фоний дуняда,  
бир ошигинг давронидир.

## **ХАҚДАН ГАЙРИ ТАМОМ ЗИЁН КЎРИНАР**

Бу дам ганиматдир, нечун билмасмен,  
Чикса дам, кирмоги гумон кўринар.  
Биздан бурун келган кўчибдир тонгла,  
Йўл узок, коронгу, тумон кўринар.

Окил бўлсанг, иста бу йўлда бир пир,  
Ризкинга кафилдир Аллох, Муктадир,  
Олтин-кумуш, олмос, ёкут ила дур,  
Хакдан гайри тамом зиён кўринар.

Аллохни унутиб, аклинг йитирма,  
Хар нафас огох бўл, гафлат кетирма.  
Бехуда, бефойда умринг ўтирма,  
Дунё бакосиздир, аён кўринар.

Хожа, саййид, подшо – сўралмас насаб,  
Хашр-нашр бўлса, оларлар хисоб,  
Харомга азоб бор, шубхага итоб,  
Мунда яхши, унда ёмон кўринар.

Махтумкули, ўкиб билдим Куръондан,  
Асар йўқдур аввал кетган карвондан,  
Гўрда ёлгиз ётажагинг макондан,  
Эй дўст, илон билан чаён кўринар...

## **ОРИФ БЎЛСАНГ, СЎЗ МАЪНОСИН ОЧАРСАН**

Магрур бўлма сен бу кўнган юртингга,  
Бебакодир, айланмассан, кўчарсан.  
Соги ажал давр-давр сунулар,  
Сен ҳам бориб, бир даврда ичарсан.

Бу работда бир тинган йўк, оккан йўк,  
Бутун бозор, бир мустахам дўкон йўк,  
Ўамхонадир, аник манзил-макон йўк,  
Бу маконга келган бўлсанг, кечарсан.

Айрилик юракда дарду догингдир,  
Тавба кил Аллохга, йигит чогингдир,  
Умринг шуъла урса, юрак ёгингдир,  
Ёг туганар, пилтанг ёнар, ўчарсан.

Туткун бўлиб илинсанг гар куллоба,  
Лахад кумга тўлар, хонанг хароба.  
Суяк кулга кетар, танинг туроба,  
Тўймас-тўлмас ер багрини кучарсан.

Дунё турар, ҳеч туганмас бир галва,  
Умр бако берса, киркдир бир палла.  
Ажал ўтдир, тан милтиқдир, жон – кулла,  
Ризк йўлига оташ тушса, кўчарсан.

Яхши соат, ажаб вақтдир, хуш айём,  
Умр оздир, ақл – кўтоҳ, ишинг – хом,  
Жон бир кушдир, дунё – дона, фалак – дом,  
Қачон бундан кутуларсан, қочарсан?!

Махтумкули сўзлар, сўзин сўнгламас,  
Бедард киши дардли сўзин тингламас,  
Нодон сўздан фикр айламас, англамас,  
Ориф бўлсанг, сўз маъносин очарсан.

## **БЕКЛАР-ШОХЛАР КОЛМАСЛАР**

Гам чекма, гариб одам,  
Беклар-шоҳлар колмаслар,  
Азим-азим шаҳарлар,  
Оқ саройлар колмаслар.

Колса сўздан кизил тил,  
Жон жавҳардир, тан бир кул,  
Ҳазор мақоли булбул,  
Улуг боғлар колмаслар.

Шуни англабдир аклим,  
Йигилар етти иклим,  
Ер бўлар буклим-буклим,  
Эрир, тоғлар колмаслар.

Хақдан етишса фармон,  
Не чора бор, не дармон,  
Осмон, Куёш, Ой ларзон,  
Хам юлдузлар колмаслар.

На ер колар, на юртлар,  
На турк колар, на курдлар,  
На куш колар, на куртлар,  
Паррандалар колмаслар.

На гард колар, на гардон,  
На мард колар, на мардон,  
Фил, пашшаю қаркидон,  
Даррандалар колмаслар.

Махтумкули, ёш сурган,  
Огир хангомлар курган,  
Жўшқин-жўшқин мавж урган  
Бу дарёлар колмаслар.

## **УЛ УЙ ИЧРА ТО КИЁМАТ ЁТАРСАН**

Келган кетар, кўнган кўчар, одамзод,  
Юргил, сен хам бир манзилга етарсан.  
Бебакода хушдур, колса яхши от,  
Бу дунёга келмиш бўлсанг, ўтарсан.



Гофил одам ёдга солса ўз аслин,  
Фалак кўймиш ажал отли масалин,  
Келган кетса, эккан йигса хосилин,  
Ўрта ерда сен не ишлар тутарсан?!

Жафо килма, койитмагин бу жонинг,  
Сарриштаси ҳеч туттирмас жахоннинг,  
Талпинганча дарди ортар дунёнинг,  
Кадам кўйсанг, гавданг бирлан ботарсан.

Жўшкин келди, хаддин ўтди, сўз очди,  
Бу йўллардан тўгри борган туз ошди.  
Бехуда эмасдир умринг гузашти,  
Хар шаштингга бир кунингни сотарсан.

Тузок турар, ол кумошинг, сийм-заринг,  
Гузаргохин тутиб турмиш бу еринг,  
Гарм айладинг, фалак, сен бу бозоринг,  
Маълумдирки, бу савдода ютарсан.

Магрур бўлиб бу тўрт кунги тирликка,  
Абад колма киёмат кун хорликка,  
Инонмагил бу дунё деб борликка,  
"Бор-бор" дея йўк бўларсан, йитарсан.

Махтумкули, бошингда юз ўй бордир,  
Айри манзил, айри маскан, жой бордир,  
Лаҳад деган тор, тўшаксиз уй бордир,  
Ул уй ичра то киёмат ётарсан.

**ОДАМ ЎГЛИ, ЁТМА ГОФИЛ**

Одам ўгли, ётма гофил,  
Тур-хо, тонг отмасдан бурун,  
Йигитликда тоат килгил,  
Карилик етмасдан бурун.

Карилик тоат килдирмас,  
Ишинг абасдир, билдирмас,  
Фалак йиглатар, кулдирмас,  
Сур даврон, ўтмасдан бурун.

Бандага айлама касдни,  
Ранжитмагил ёру дўстни,  
Бир кун келиб, ажал дасти  
Ёкангдан тутмасдан бурун.

Кардошларинг йиглаб колар,  
Енг-ёкасиз тўнга солар,  
Бир кун омонатин олар,  
Сен тавба этмасдан бурун.

Бу дунёга келган кечар,  
Халойик ул майдан ичар,  
Бир аждархо огзин очар,  
Вахм айла, ютмасдан бурун.

Машгулсан дунё ўйнига,  
Кирарсен ернинг кўйнига,  
Ажал банданинг бўйнига,  
Кайта кол, минмасдан бурун.

Ажал барчани адолар,  
Колмаслар шоҳу гадолар,

Харомдан коч, кадхудолар  
Рўсиё бўлмасдан бурун!

Сакла гийбатдан тилингни,  
Боглатма икки кўлингни,  
Очилган тоза гулингни  
Аллох сўлдирмасдан бурун.

Бандага этма хиёнат,  
Бари жон Танрига омонат,  
Бу сўзда бор хадис, оят,  
Фахм айла, ўлмасдан бурун!

Тур сахар, Танрига йигла,  
Хак дея юрагинг догла,  
Тавба курин махкам богла,  
Киркингга келмасдан бурун!

Махтумкули, тўгри сўйла,  
Умринг келиб, кетар бўйла,  
Зинхор кексаларни сийла,  
Бош гўрга кирмасдан бурун!

## **АЙЛАНМАС**

Булбул наво килган хаволи боглар.  
Булбул сендан кетар, фигон айланмас.  
Ёкимли, ёмгирли, умрли тоғлар,  
Селлар сендан кетар, тумон айланмас.

Одам яратилмиш баландли-пастли,  
Аклли, фикрли, далили-мастли,

Йигитлик бир кўйга – бахорнинг фасли,  
Бахор сендан кетар, замон айланмас.

Келганни каршила, бўлса мажолдинг,  
Яхши тутавергил ниятинг, феълдинг,  
Дунё давронинда очик тут кўлинг,  
Давр сендан кетар, даврон айланмас.

Бу дунё гавгодир, бир кол-маколдир,  
Кими "Берхо-бер"дир, ким "Олхо-ол"дир,  
Йигитлар, бу дунё шунга мисолдир,  
Барк урар осмонда, борон айланмас.

Бу манзилдир уч кун сен еб-ичганда,  
Ўрнашиб, тирмашиб, белинг очганда,  
Узангинг тортарлар, тўрт кун кечганда,  
Беш кундан юкори мехмон айланмас.

Багрин очар бир кун, ер сени гизлар,  
Каро хокдан тўлар бу наргис кўзлар,  
Отингга ишонма, чаманли тузлар,  
Чаман сенда курир, жайрон айланмас.

Махтумкули айтар ориф дўстига,  
Ким колар тушмасдан ажал дастига? -  
Фалак бир кун солар ернинг остига,  
Огиздан тил кетар, забон айланмас.

## **ТОПИЛМАС**

Дуомга дуч келган кўқарар гулдек,  
Гулнинг мавсумидек даврон топилмас.

Кахримнинг оташи куйдирар кулдек,  
Кул ўрнида кайтиб бўстон топилмас.

Кўнгил мусофирдир, жасад юрттадир,  
Жоним жўшкиндадир, юрак дарддадир,  
Фикрим комилдадир, кўзим марддадир,  
Шум шартимдан ҳеч бир мардон топилмас.

Кўнгил кўйгил гўзал Аллоҳ кўйига,  
Машгул бўлиб ётма мало, ўйинга,  
Одамзод меҳмондир дунё уйига,  
Бир кун уй ичинда меҳмон топилмас.

Гафлат ичра гофил ётма, турабер,  
Хар не берсанг, кўлинг бирла беравер.  
Тирикликда ўлим ишин кўравер,  
Бир кун жасад ичра бу жон топилмас.

Кўнгил овлайн деб учрасам хар ён,  
Даъводир, урушдир, койиш топар жон,  
Айтилмас насихат, ўгилмас Куръон,  
Жонга ёкар адаб-аркон топилмас.

Даргоҳга дуом кўп, нолишим беҳад,  
Толейим забундир, таним бекувват,  
Кочганим – анжуман, истагим – хилват,  
Менга ҳеч бир жойи пинхон топилмас.

Махтумкули, жон тақдирга тан берди,  
Хар ким ўзин саклай билса, наф кўрди,  
Кандай ёмон зотдир, англамас дардни,  
Жохиллик дардига дармон топилмас.

## БУ ДУНЁ ФОНИЙДИР....

Бу дунё фонийдир, тутмас бинони,  
Бу дунёга келган кечиб борадир.  
Кимдир ёлгончида тутган жахонни,  
Тутганнинг кўлларин очиб борадир.

Ширин-ширин солар хисобга дунё,  
Аччик-аччик кўяр азобга дунё,  
Еттирмас, туттирмас бу гахба дунё,  
Тутдим-тутдим дейсан, кочиб борадир.

Даврлар айланар, гардишлар дўнар,  
Нечалар кўчади, нечалар кўнар,  
Нечанинг машъали янгидан ёнар,  
Нечанинг чирोगи ўчиб борадир.

Кими Хақдан кўркиб, ранги саргайиб,  
Кими дунё кувар, югуриб елиб,  
Кими юз хасратда, кимиси кулиб,  
Кими кўзда ёшин сочиб борадир.

Кими беклигида, тушмас айвондан,  
Кими йўксулликда, койинар жондан,  
Кими харом билиб, кочадир мундан,  
Кими арок, шароб ичиб борадир.

Кими ёлгончида ишратда яйраб,  
Кими халол кўйиб, харомни сайлаб,  
Кими фарк этмасдан, бир ишни айлаб,  
Кўзи богли кушдай учиб борадир.

Тушиб бўлмас гаддор фалак оллига,  
Лабларинг тамшанар дунё молига,  
Бир кун ўрогини олар кўлига,  
Хўлми-курук, ўриб-янчиб борадир.

Икки кун хуш бўлса, уч куни войдир,  
Кандайин манзилдир, кандайин жойдир,  
Бу дунё кўхна бир карвонсаройдир,  
Келган юк колдириб, кўчиб борадир.

Махтумкули айтар: тикандир, гулдир,  
Йигитдир, каридир, хожадир, кулдир,  
Тиланчи, дармонда, бойдир, йўксулдир, -  
Барчаси ер багрин кучиб борадир.

## **БИР НУРИ ИЙМОН**

Керак нечун бундай, одамзод,  
Урён келдинг, тўн керак.  
Ок сут эмдинг, улгайдинг,  
Йиглагайсан: нон керак.

Отанг хушнуд бўлмокка,  
Онанг мехрин солмокка,  
Еттингда дин билмокка,  
Ўкурга Куръон керак.

Сайлабсан сен дилбандинг,  
Кучланар белинг, бандинг,  
Ўн бешда орзумандинг -  
Киз керак, жувон керак.

Жувон топдинг кучмокка,  
Айшу ишрат очмокка,  
Ундан сўнг еб-ичмокка  
Бир туганмас нон керак.

Кўнглун инжитиб халкнинг,  
Хушнуд этсанг ўз хулкинг,  
Рум, Фаранг бўлса мулкинг,  
Ўануз оздур, кон керак.

Ётсанг тўшакда бемор,  
Кизиктирмас молу кор,  
Зар тўксанг харвор-харвор,  
Кўзга илмас, жон керак.

Дуодан эл кўқарар,  
Ёмгирдан ер кўқарар....  
Эр улдир – олқиш олар,  
Ерларга борон керак.

Ажал келар, ўйда йўк,  
Кўрмок йилда, ойда йўк,  
Хеч нарсадан фойда йўк,  
Бир нури иймон керак.

Махтумкули, сўзлаган,  
Неча махфий гизлаган,  
Бир маъно фахм айлаган  
Ақлли ёрон керак.

## ОДАМЗОД



Ётса-турса хаёлиндан чикармас,  
Кайси ишга мойил бўлса одамзод.  
Харибликнинг гами кўнглин чўктирмас,  
Аёл истаб, сойил бўлса одамзод.

Гунохдан кўркмаган рўйи сиёдир,  
Бунинг маълум куни рўзи жазодир,  
Бу дунё мулкинда султондир, шохдир,  
Кисматига койил бўлса одамзод.

Хар кишиким, сўз-маънига тушмондир,  
Бир дардлидир, дармон унга душмондир,  
Киёмат кун хамма иши пушмондир,  
Хак ишига кохил бўлса одамзод.

Икболлининг килган иши ўнг келар,  
Дунё юзи кўлга кирса, тенг кўрар,  
Жохилликда кечган ишлар танг килар,  
Киркдан ошиб, ойил бўлса одамзод.

Фикр айла жахоннинг рохин, равишин,  
Эътибор этмагил дунё турушин,  
Махтумкули, яхши кўрмагай ишин,  
Киркидан сўнг жохил бўлса одамзод.

## **ФОНИЙ ДУНЁГА ИНОНМАНГ**

Харнинг иши хардир, дўстлар,  
Минг мактасанг, отча бўлмас.  
Бад аслга амал тегса,  
Билинг, асл зотча бўлмас.

Фоний дунёга инонманг,  
Олтин-кумушга кувонманг,  
Кўнгилсизга кўнгил берманг,  
Бир туккан зурёдча бўлмас.

Кўп йўлларни кўрса кўзинг,  
Хар маънидан билсанг ўзинг,  
Бир нодонга айтган сўзинг  
Эсиб кетган бодча бўлмас.

Бошинг ёстикка етганда  
Сабру қарор бўлмас сенда,  
Кучинг-куватинг кетганда  
Ўгил-кизинг ётча бўлмас.

Махтумкули, ажаб чоғлар,  
Кимдир қулар, кимдир йиғлар,  
Турли мева берган боғлар  
Соврилар, Жаннатча бўлмас!

## **БУ МАНЗИЛГА КЕЛГАН КЕТМАЙИН КОЛМАС**

Ихлос билан бир комилга кўл берган,  
Етар бир манзилга, етмайин колмас.  
Дарё ичра сузган, чўлларда юрган  
Дам хисобин тугал этмайин колмас.

Чунки келдинг бу ёлгончи жаҳонга,  
Оёгинга бокмай, бокдинг осмонга,  
Фалак бозоринда еганинг нонга,  
Одам ўгли умрин сотмайин колмас.

Хамрохим йўк бориб сирим очарга,  
Дардим тортишарга, ўтим ўчарга,  
Дунё бир манзилдир келиб-кечарга,  
Бу манзилга келган кетмайин колмас.

Фалак – томошагоҳ, осмонга чикиб,  
Одамзод мол учун юрагин ёкиб,  
Дунё аждархоси дам билан чекиб,  
Жумла жонзод тухмин ютмайин колмас.

Махтумкули, бу дунёнинг давлатин,  
Келган кўрар, чекар ўлим меҳнатин,  
Мудом юргизарлар ажал шарбатин,  
Бу шарбатдан ҳеч ким тотмайин колмас.

## **КУРЪОНГА КУЛОК СОЛИБ, ФАРМОНГА НАЗАР АЙЛА**

Тан кафасга гирифтор, кел, жонга назар айла,  
Бок кўнгул кўзгусига, жононга назар айла,  
Ибрат кўзини очиб, жаҳонга назар айла,  
Икки кема тутмагил, бир ёнга назар айла,  
Ҳеч кимга бокавермас, давронга назар айла,  
Давронига таянган инсонга назар айла,  
Бу кўниб-кўчиб борган карвонга назар айла!

Бу даврон ичра кўнгул кушлари айлар парвоз,  
Гўё мурги сахардур, шаб сухан айлар оғоз,  
Бог ичра булбул бўлиб, ўқир нагма, хазор соз,  
Худога тавба айлаб, даргохига кайтдим боз,  
Умр оз, даврон дароз, не рўза бор, не намоз,  
Уйгон хоби гафлатдан, Хашр мисол – фасли ёз,  
Олимлар тасбиҳ айтар, ҳар ёнга назар айла!

Ўлмасман, деб тушмасин кўнглинг бу гумон ичра,

Умрга йўк эътибор ўткинчи замон ичра,  
Ажал кўймиш ўк-пайкон, кирай деб камон ичра,  
Бандага не армондур, жон берса иймон ичра,  
Сўзла, сўзинг ёйилсин бу яхши-ёмон ичра,  
Оз умрда огир иш кўрибсан жахон ичра,  
Муким ишини тутган мехмонга назар айла!

Вох, не хушдир ошикка, хилват, ёрга улашмок,  
Ўол-ахволин сўрашиб, кўл бўйинга солишмок,  
Махшарнинг нашри янглиг тан-жон каби бўлишмок,  
Бир-бирига дард тўкиб, саргузаштин килишмок,  
Тоб берилган риштадай чирмашибон чалишмок,  
Дўстлар, не мушкул ишдир, ковушиб, айрилишмок,  
Висолга магрур бўлма, хижронга назар айла!

Махтумкули, сўзлатмай кўймас турмокка дардинг,  
Ёлгончида айланиб, олтмиш томон кўл кердинг,  
Фонийни бокий билдинг, елдинг, эсдинг, югурдинг,  
Дўстингга изо бердинг, душманингга юз бурдинг,  
Ожиз жонинг фидо кил соясида бир марднинг,  
Ўттиз тўрт ёшга бординг, бу жахонда не кўрдинг!? -  
Куръонга кулок тутиб, фармонга назар айла!..

## **КЎЙМАСЛАР ХУШ КЕЗМОККА ЁЛГОН ДУНЁДА БИЗНИ**

Бир томчи пок сув айлаб аввал отода бизни  
Суврат айлаб, жон бердинг сўнгра онода бизни,  
Хушвакт айлаб кездирдинг дорул-фанода бизни,  
Хар ишга мойил этдинг нафсу хавода бизни,  
Ким биларки, найларсен дорул-бакода бизни.

Гох дунё талаб айлаб, хам йўртармен, елармен,  
Гох йиглаб ўз холимга, гох шод бўлиб кулармен,  
Мен бир ожиз бандамен, Сенга арзим килармен,  
Худоё, килма расво, карамингдан тилармен,  
Бу дунёю киёмат кўйма уёта бизни!

Осий бўлиб юрарсен кўп кула-кула бул дам,  
Азоб чекиб ётарсен ернинг остинда ул дам,  
Йиглаб фарёда келсанг, ким сенга бўлар хамдам?  
Ер сенга айтар шуни: "Эшит, эй Гофил одам!  
Кўймаслар хуш кезмокка ёлгон дунёда бизни!"

Тутсалар килкўприкда, турмаса анда тобан,  
Сўралган вақт хайру шарр, йассирлана хисобан,  
Мўминга хуш вақтидир "Ва сакохум шаробан!"  
Деса ул вақт кофирлар: "Йа лйтаний туробан!"  
Ё Раб, ул кун лутф айлаб, отмагил ўт-а бизни!

Хакикатнинг йўлини рахбарсиз кезмок бўлмас,  
Жамол истаган ошик кўрмайин кизмок бўлмас,  
Ошикликнинг балосин чекмайин, сезмок бўлмас,  
Висолга тўймок бўлмас, хижронга тўзмок бўлмас,  
Ўртама ишк ўтида бундан зиёда бизни!

Кел, кўнгил, сабр айлагил, мунчалик ўтга тушма,  
Оз билиб, кўп сўзлабон, гам чашмасини ичма,  
Бетоб бўлиб тўқарман кўз ёшим чашма-чашма,  
Яхши-ёмон ишимнинг ҳеч бирига карашма,  
Гунохим гузашт айлаб, етказ мурода бизни!

Махтумкули – бенаво, бечора андалиби,  
Бир парча Кам даврони бўлмиш анинг насиби,  
Йигилса, чора килмас унга дахр табиби,  
Хар мажлису сухбатда шод айланг биз Гариби,  
Эй ёронлар, ёд этинг хайру дуода бизни!..

**ЖОН АЧЧИГИН ЧЕКА-ЧЕКА КЕТАРСАН**

Фонийдан бокийга кўчхо-кўч бўлса,  
Термулубон, бока-бока кетарсан.  
Ажал жомин сунуб, ичхо-ич бўлса,  
Жон ачкиКин чека-чека кетарсан.

Ўғлонларинг турар зору гирёна,  
Хотин-киз соч ёйиб, тушар ларзона,  
Молинг таксим бўлиб, келар талона,  
Кўлинг ювиб, чика-чика кетарсан.

Мол учун инжитиб кардош-тукканинг,  
Оз билдинг тиллодан сотиб тугканинг,  
Талашарлар халол-харом йикканинг,  
Сен азобин чека-чека кетарсан.

Бу дунёдан борсанг ул дунё, кардош,  
Нелар кўражакдир бу шум, кора бош?  
Хайр иш кил бунда – ёнингга йўлдош,  
Йўкса, гўрга якка-якка кетарсан.

Одам ўгли ёдга олса ўз аслин,  
Казо кўймиш ажал отли бир мислин,  
Аклинг бўлса, охиратнинг хосилин  
Бу дунёда эка-эка кетарсан.

Жахонда аёндир кудрат ишлари,  
Қанотинг куввати енгар кушлари,  
Йигит кучи синдиради тошларни,  
Киркдан ошдинг, чўка-чўка кетарсан.

Махтумкули, тушдинг ишк гузарига,  
Ким бор сўзлашарга, бориб хузурига,  
Хеч ривож топмадинг сўз бозорига,  
Харидорсиз, тўка-тўка кетарсан.

## ГОФИЛ ОДАМ, ГҮР ОГЗИДА ЁТИБСАН...

Гофил одам, гўр огзида ётибсан,  
Ўтди умринг, майда-чуйда кор билан.  
Дунё мордир, ястанибон ётибсан,  
Тинч бўларми, бирга ётса мор билан?!

Иймон козон, инсофингни ютмагил,  
Кўра-била ўзинг ўтга отмагил,  
Бунда бедор кечавергил, ётмагил,  
Охир тўзиб ётажаксан гўр билан.

Каён кетсанг, борар еринг гўр бўлар,  
Яхшилик кил, ётган еринг нур бўлар,  
Яхши бўлсанг, жойинг Жаннат, хур бўлар,  
Ёмон бўлсанг, куйдирарлар нор билан!

Кўзинг юмдинг, сендан айрилар молинг,  
Ўлган сўнг, тириклар не билар холинг,  
Яхши-ёмон – ҳар не килган аъмолинг,  
Карши олиб турар мудом бор билан.

Асло куфр мусулмонга ярашмас,  
Чин мусулмон харом ишга ёндашмас,  
Манзил кетмас – ҳеч бир жойга етишмас,  
Бошлик тутиб, йўлга кирган кўр билан.

Умрингга алданма, ўтганга ёнма,  
Молингга қувонма, мулкка таянма,  
Бунда бад иш килма, унда уялма,  
Ўисоб куни хайринг олиб бор, билан.

Махтумкули, тўгри сўзга тан бергил,  
Савоб бундан ўтмас, топсанг, нон бергил,  
Кўнглинг топган дўст йўлида жон бергил,  
Ишинг недур, демас, сенинг Ёр билан!

### **АСЛИНГ НЕДИР, ЭТГИЛ НАЗАР**

Одам ўгли, ўзинг билмай,  
Кадам-кадам ўтажаксан.  
Эганнинг амрини килмай,  
Ўз кўнглингни кутажаксан.  
Истарсан оламини олсанг,  
Корун бўлиб, ганжга ботсанг,  
Халол-харом – хар не топсанг,  
Кўзинг юмиб, ютажаксан.  
Недан бўлдинг, билгил борни,  
Унутдинг Парвардигорни,  
Дилга келган хар не корни,  
Фикр килмай, этажаксан.  
Аслинг недир, этгил назар,  
Тутган ишингдан кил хазар,  
Ажал сенга этса гузар,  
Хабарин бер, нетажаксан?  
Дунёни кизгонч тутмагил,  
Ишинг кўр, бекор ётмагил,  
Махтумкули, унутмагил,  
Кетажаксан, кетажаксан!

### **ДАРД КАЙСИДИР, ДАРМОН КАЙСИ, БИЛМАДИМ**

Фалак менга гам бодасин бергайдир,  
Висол кайси, хижрон кайси, билмадим.  
Хак ишига тан берганман, кўргали,  
Орзу кайси, армон кайси, билмадим.



Банда бўлсанг, кўзла Хакнинг ризосин,  
Жабр айласа, чекавергил жазосин,  
Ажал отар бир кун тири казосин,  
Пайкон кайси, камон кайси, билмадим.

Бир суратман, бокманг бу кун ўзимга,  
Ориф бўлсанг, кулок солгин сўзимга,  
Дунё туби йўк кўринар кўзимга,  
Давр кайси, даврон кайси, билмадим.

Ўз умримни кўп савдога сотибман,  
Ўзим билмай, ул дарёга отибман,  
Не уммондир, не талабдир, ботибман,  
Замин кайси, замон кайси, билмадим.

Хар ким кирса ул талабга, уммонга,  
Бошин олиб чика билмас бир ёнга,  
Кадам кўйдим ул сахрога, майдонга,  
Жон кайсидир, жахон кайси, билмадим.

Мен дунёни осмондаги ранг билдим,  
КизКин-кизгин талашдим-у, сўнг билдим,  
Энди унинг борин-йўгин тенг билдим,  
Суд кайсидир, зиён кайси, билмадим.

Махтумкули, йўлнинг олди, орти бор,  
Тортар юкин, хар кишининг марди бор,  
Юрагимда пинхон ишкнинг дарди бор,  
Дард кайсидир, дармон кайси, билмадим.

**ЭЙ ОГАЛАР, ЙИГЛАРМАН, КЕЛДИ, КЕЧДИ ЗАМОНА**

Эй огалар, йигларман, келди, кечди замона,  
Яхши кадри билинмай, тегди давр ёмона,  
Ёмон олди жахонни, келмас тили иймона,  
Кўп факирлар йиглашиб, келар ундан омона,  
Истаги бор, оз вақтдан яхши бўлса замона.  
Не сафоли кун кўрдик, тенг-тўш билан бош кўшмон,  
Бошинг каро, билмадинг, на дўст билдинг, на душмон,  
Эй ёронлар, суд этмас, энди этсанг минг пушмон,  
Дунёсига талашмам, ўгил-кизга булашмон,  
Не хузурли кун кўрдик, бўлиб кетсак девона.  
Тушмагин хом хаёла: "Дунё келган ўлмаслар",  
Келган кечар дунёдан, бири омон колмаслар,  
Жонлар чекиб чакирсанг, тўгри йўлга келмаслар,  
Хар не бўлса, ютарлар, халол-харом билмаслар,  
Дерлар: Хакдир Мухаммад, бўйсунамиз Куръона.  
Даврон, нечук давронсан, гариб йиглар, эл тинмас,  
Зулми ортар золимнинг, ҳеч кўнгилга раҳм инмас,  
Жахонни ёқди-кетди, ёмоннинг ўти сўнмас,  
Бир Мухаммад хурмати, ер ёрилмас, кўк инмас,  
Чарх кувонар бу ишга, бўлмас охирзамона.  
Гофил колдим, ёронлар, ўз-ўзимдан, риштим йўк,  
Хакдан Кайри ҳеч ерда паноҳим йўк, пуштим йўк,  
Факр баҳрига кирдим, елканим йўк, киштим йўк,  
Махтумкули, мен бундан чикадиган даштим йўк,  
Кўлим берсам, тутган йўк, тушдим тубсиз уммона.

## КўНГУЛ

Билмасам ҳеч, кайси дарднинг мубталосидир кўнгул,  
Ё Раб, ул бир бенавонинг кўп хавосидир кўнгул.

Ишк дарёдир, туби йўк, хижрон бир ўт – ўчмагай,  
Ишкка майл этган бу ўтларга ёносидир, кўнгул.

Билмаган отмиш ўзин ишк ўтига парвонадек,  
Энди билмас чорасинким, не килосидир, кўнгул,

Ийсонинг дами мухол, Лукмон у ерда гунгу лол,  
Ё Раб, ул дарднинг мухол иш давосидир, кўнгул.

Гарчи ишкнинг дардидир, девонаи жон офати,  
Ошно ахли бу гамни доим эгосидир, кўнгул.

Неча махрам бенаволар топдилар андин наво,  
Манъ эдан андан мени, бокдим сиёсийдир, кўнгул.

Йиглабон, Махтумкули, даргохга арзинг айтавер,

Не учун, кўп йиглаган бир кун кулосидир, кўнгул.

## **ХАККА ТЎГРИ БЎЛСА ЙЎЛИ БАНДАНИНГ**

Эй ёронлар, харом ишга кўл урмас,  
Агар дуруст бўлса феъли банданинг.  
Харомга ёндошмас, кирга булганмас,  
Хакка тўгри бўлса йўли банданинг.

Тоза умринг сўлар ажал бодиндан,  
Охир нуксон келар дунё судиндан,  
Боши озод бўлар дўзах ўтиндан,  
Хакни ёд айласа тили банданинг.

Кабрингга солмаслар дунё молидан,  
Юзи каро, жавоб келмас тилидан,  
Киёмат кун шиква этар кўлидан,  
Закотсиз йигилган моли банданинг.

Нафс хаёлда, кўнгил дунё кўйинда,  
Йўл йирокдир, юк огирдир бўйинда,  
Оёги талабда, кўли ўйинда,  
Ажал огзиндадир бели банданинг.

Махтумкули, хар ким ичин соф этмас,  
Маълумдирки, охиратдан хавф этмас,  
Ожиз тани ўтли гурзга тоб этмас,  
Ё Раб, нечук бўлгай холи банданинг?!

### **АСЛИНГ НЕДИР, ЭТГИЛ НАЗАР**

Одам ўгли, ўзинг билмай,  
Кадам-кадам ўтажаксан.  
Эгангнинг амрини килмай,  
Ўз кўнглингни кутажаксан.  
Истарсан оламни олсанг,  
Корун бўлиб, ганжга ботсанг,  
Халол-харом – хар не топсанг,  
Кўзинг юмиб, ютажаксан.  
Недан бўлдинг, билгил борни,  
Унутдинг Парвардигорни,  
Дилга келган хар не корни,  
Фикр килмай, этажаксан.  
Аслинг недир, этгил назар,  
Тутган ишингдан кил хазар,  
Ажал сенга этса гузар,  
Хабарин бер, нетажаксан?  
Дунёни кизгонч тутмагил,  
Ишинг кўр, бекор ётмагил,  
Махтумкули, унутмагил,  
Кетажаксан, кетажаксан!

### **ДАРД КАЙСИДИР, ДАРМОН КАЙСИ, БИЛМАДИМ**

Фалак менга гам бодасин бергайдир,  
Висол кайси, хижрон кайси, билмадим.  
Хак ишига тан берганман, кўргали,  
Орзу кайси, армон кайси, билмадим.

Банда бўлсанг, кўзла Хакнинг ризосин,  
Жабр айласа, чекавергил жазосин,  
Ажал отар бир кун тири казосин,  
Пайкон кайси, камон кайси, билмадим.

Бир суратман, бокманг бу кун ўзимга,  
Ориф бўлсанг, кулок солгин сўзимга,  
Дунё туби йўк кўринар кўзимга,  
Давр кайси, даврон кайси, билмадим.

Ўз умримни кўп савдога сотибман,  
Ўзим билмай, ул дарёга отибман,  
Не уммондир, не талабдир, ботибман,  
Замин кайси, замон кайси, билмадим.

Хар ким кирса ул талабга, уммонга,  
Бошин олиб чика билмас бир ёнга,  
Кадам кўйдим ул сахрога, майдонга,  
Жон кайсидир, жахон кайси, билмадим.

Мен дунёни осмондаги ранг билдим,  
КизКин-кизгин талашдим-у, сўнг билдим,  
Энди унинг борин-йўгин тенг билдим,  
Суд кайсидир, зиён кайси, билмадим.

Махтумкули, йўлнинг олди, орти бор,  
Тортар юкин, хар кишининг марди бор,  
Юрагимда пинхон ишкнинг дарди бор,  
Дард кайсидир, дармон кайси, билмадим.

## ЭЙ ОГАЛАР, ЙИГЛАРМАН, КЕЛДИ, КЕЧДИ ЗАМОНА

Эй огалар, йигларман, келди, кечди замона,  
Яхши кадри билинмай, тегди давр ёмона,  
Ёмон олди жахонни, келмас тили иймона,  
Кўп факирлар йиглашиб, келар ундан омона,  
Истаги бор, оз вақтдан яхши бўлса замона.  
Не сафоли кун кўрдик, тенг-тўш билан бош кўшмон,  
Бошинг каро, билмадинг, на дўст билдинг, на душмон,  
Эй ёронлар, суд этмас, энди этсанг минг пушмон,  
Дунёсига талашмам, ўгил-кизга булашмон,  
Не хузурли кун кўрдик, бўлиб кетсак девона.  
Тушмагин хом хаёла: "Дунё келган ўлмаслар",  
Келган кечар дунёдан, бири омон колмаслар,  
Жонлар чекиб чакирсанг, тўгри йўлга келмаслар,  
Хар не бўлса, ютарлар, халол-харом билмаслар,  
Дерлар: Хакдир Мухаммад, бўйсунамиз Куръона.  
Даврон, нечук давронсан, гариб йиглар, эл тинмас,  
Зулми ортар золимнинг, ҳеч кўнгилга раҳм инмас,  
Жахонни ёқди-кетди, ёмоннинг ўти сўнмас,  
Бир Мухаммад хурмати, ер ёрилмас, кўк инмас,  
Чарх кувонар бу ишга, бўлмас охирзамона.  
Гофил колдим, ёронлар, ўз-ўзимдан, риштим йўк,  
Хакдан Кайри ҳеч ерда паноҳим йўк, пуштим йўк,  
Факр баҳрига кирдим, елканим йўк, киштим йўк,  
Махтумкули, мён бундан чикадиган даштим йўк,  
Кўлим берсам, тутган йўк, тушдим тубсиз уммона.

## КЎНГУЛ

Билмасам ҳеч, кайси дарднинг мубталосидир кўнгул,  
Ё Раб, ул бир бенавонинг кўп хавосидир кўнгул.

Ишк дарёдир, туби йўк, хижрон бир ўт – ўчмагай,  
Ишкка майл этган бу ўтларга ёносидир, кўнгул.

Билмаган отмиш ўзин ишк ўтига парвонадек,  
Энди билмас чорасинким, не килосидир, кўнгул,

Ийсонинг дами мухол, Лукмон у ерда гунгу лол,  
Ё Раб, ул дарднинг мухол иш давосидир, кўнгул.

Гарчи ишкнинг дардидир, девонаи жон офати,  
Ошно ахли бу гамни доим эгосидир, кўнгул.

Неча махрам бенаволар топдилар андин наво,  
Манъ эдан андан мени, бокдим сиёсийдир, кўнгул.

Йиглабон, Махтумкули, даргохга арзинг айтавер,

Не учун, кўп йиглаган бир кун кулосидир, кўнгул.

## **ХАККА ТЎГРИ БЎЛСА ЙЎЛИ БАНДАНИНГ**

Эй ёронлар, харом ишга кўл урмас,  
Агар дуруст бўлса феъли банданинг.  
Харомга ёндошмас, кирга булганмас,  
Хакка тўгри бўлса йўли банданинг.

Тоза умринг сўлар ажал бодиндан,  
Охир нуксон келар дунё судиндан,  
Боши озод бўлар дўзах ўтиндан,  
Хакни ёд айласа тили банданинг.

Кабрингга солмаслар дунё молидан,  
Юзи каро, жавоб келмас тилидан,  
Киёмат кун шиква этар кўлидан,  
Закотсиз йигилган моли банданинг.

Нафс хаёлда, кўнгил дунё кўйинда,  
Йўл йирокдир, юк огирдир бўйинда,  
Оёги талабда, кўли ўйинда,  
Ажал огзиндадир бели банданинг.

Махтумкули, хар ким ичин соф этмас,  
Маълумдирки, охиратдан хавф этмас,  
Ожиз тани ўтли гурзга тоб этмас,  
Ё Раб, нечук бўлгай холи банданинг?!

## ЁР ЖАМОЛИН КЎРМАГУНЧА КЎЗ БИЛАН

Кимим бордир, арзим Ёрга етказсин,  
Ишк ўтида куйдим-кетдим кўз билан.  
Келиб, кўли билан ўтим ўчирсин,  
Йўкса сўнмас борон билан, муз билан.  
Келган кечди, келажакка юрт кўйди,  
Ошнолигни номард бузди, мард кўйди,  
Ёр сийнамда дог устига дард кўйди,  
Дард устига мурч кўйибдир туз билан.  
Маъшуким топдирмас, топсам, кўл бермас,  
Икболим уйгонмас, бахтим хам кулмас,  
Юрагим тинчимас, кўнгил тек турмас,  
Ёр жамолин кўрмагунча кўз билан.  
Бир дардга тушибман, хеч кимса билмас,  
Ийсо укмас, Лукмон чорасин килмас,  
Келган турмас, туман бошдан айрилмас,  
Хар замон бир дардни чеккум сўз билан.  
Минг ишк билан молу дунё йиКарсан,  
Бир нарса деб, юз кўнгилга тегарсан,



Дунё-дарё, тан бир солдир, агар сан,  
Качонгача тай кетарсен туз билан?  
Бу дунё молиндан ким элтди бир зот,  
Аввали – Кам-кайгу, охири – барбод,  
Бўлажагинг шудир сенинг, одамзод,  
Йўк бўларсан тупрок билан, туз билан.  
Махтумкули, не манзилда турарсан,  
Юрт кимнингдир, огир ишлар киларсан,  
Кисмат бўлса, парча ерга кирарсан,  
Насиб бўлса, олти кулоч бўз билан.

## ЮЗИМ ЮВСАМ ЁШЛАР БИЛАН

Кўнгил айтар: халқдан қолиб,  
Кезсам тоғлар, тошлар билан.  
Ёзигимни ёдга олиб,  
Юзим ювсам ёшлар билан.  
Хар ким, кўрсам, бир пешада,  
Менинг кўнглим андишада.  
Кўхисор ичра кўчада  
Ўтирсам огочлар билан.  
Кари дунё ол ичинда,  
Одамзод хаёл ичинда,  
Жахон кол-макол ичинда,  
Хар ким юз талошлар билан.  
Аллохнинг ишкинда мастлар,  
Бас келолмас забардастлар,  
Кўнгил парвоз этар, дўстлар,  
Тинмас юз иложлар билан.  
Кўп кўйлар билан ўтирдим,  
Билмадим, не иш битирдим,  
Гумрох бўлиб, йўл йитирдим,  
Ўтирдим бевошлар билан.  
Бекор кўйма умр тахтин,  
УйКотсак ухлаган бахтин,  
Дуо килиб сахар вақти,  
Нолиш килсам кушлар билан.  
Махтумкули, тавфик олсам,  
Бир пир топсам, кулук килсам,  
Кўнгил айтар: йўлдош бўлсам,

Дам чеккан дарвишлар билан.

## **ОБОД КАЙСИ, ХАРОБ КАЙСИ, БИЛМАДИМ**

Абдол, менга абад жомин сунгайдир,  
Масжид кайси, меҳроб кайси, билмадим,  
Ул гудозда жоним эриб, ёнгайдир,  
Обод кайси, хароб кайси, билмадим.

Бир тобишга тоб этмадим, тўз бўлдим,  
Тупрок бўлдим, оташ бўлдим, сўз бўлдим,  
Ташдан пишдим, ичдан куйдим, кўз бўлдим,  
Танўр кайси, кабоб кайси, билмадим.

Гузар этдим бир маконсиз макона,  
Сайрон этдим бир майдонсиз майдона,  
Хайрон колдим бир жахонсиз жахона,  
Байт кайсидир, хам боб кайси, билмадим.

Нафсим дедим, ўзни билдим, хирс бўлдим,  
Акл ишин тўгри санаб, тарс билдим,  
Хар ашёдан Ёр сифатин дарс олдим,  
Куръон кайси, Китоб кайси билмадим.

Махтумкули ул маконда макс этди,  
Шайхлар турди, йигитлардай ракс этди,  
Хар ашёда Ёр жамоли акс этди,  
Об кайсидир, шароб кайси, билмадим.

## **КАНОТИМ ЙЎК, УЧА БИЛМАМ, НАЙЛАЙИН**

Кўнгил истар, кезсам дунё-оламини,  
Канотим йўк, уча билмам, найлайн!  
Ўқирмен, кўрармен "Фавзул-калом"ни,  
Маъносини соча билмам, найлайн!

Кўплар унда гаввос бўлиб сузарлар,  
Менга зохир, халкдан пинхон кезарлар,  
Гул бодада гулгун шароб эзарлар,  
Кўл узатиб, ича билмам, найлайн!

Ўй даштидан шароб исин нўш килдим,  
Кетди аклим, ўзим билмай, жўш килдим,  
Сармаст бўлдим, дарсиз кўшкка дуч бўлдим,  
Рухсат бўлмай, оча билмам, найлайн!

Йитти йўлим, тог кайсидир, туз кайси,  
Билмас кўнглим, маъно кайси, сўз кайси,  
Фахм айламам, йўл кайсидир, из кайси,  
Умид узиб, коча билмам, найлайн!

Махтумкули, бу дунёнинг хаммасин,  
ЙиКиб, тугиб, кўлга бердим номасин.  
Фикр дарёсига аклим кемасин -  
Ботирганман, кеча билмам, найлайн!

## **ТУРДИ ШОИР, СЕНДАН СЎРАБ КЎРАЙИН**

Турди шоир, сендан сўраб кўрайин,  
Ўтган Пайгамбарнинг ёши нечадир?  
Хукми, Сулаймоннинг яшил тахтининг  
Махражин эшиги, қоши нечадир?  
Ул ким эди, юртдан кўчди – таркади,

Ул ким эди, дўстин кўлдан судради?  
Ул ким эди, ишкка сахро учради,  
Самардан асоси, пеши нечадир?  
Ул кимдир, бокийда мубтало колган?  
Ул кимдир, элига толонлар солган?  
Кирк йил хижрон чекиб, саргайиб-сўлган,  
Ўзига гурз урган киши нечадир?  
Ул не кордир, мудом ёгар, эримас?  
Ул не дарё, мудом жўшар, хоримас?  
Ул не одам, сув ичинда чиримас,  
Окар кўзларининг ёши нечадир?

Ул не дарахт, олтмиш икки булоги,  
Кирк саккиз кўз-ўк, ўн икки садоги,  
Ул не хондир, саккиз эрур ўтоги,  
Ўтогин ичининг оши нечадир?  
Ул кимдир, бокийда бир равшан кўз бор,  
Олдида маъниси, тўрт минг тўрт юз бор,  
Отаси эридир, ошик бир киз бор,  
Кўшилмас хурларга, тоши нечадир?  
Махтумкули айтар: ёд этгил бизи,  
Еттидир кароси, окдир саккизи,  
Бир суратда недир, олдир тўккизи,  
Бошидаги аклу хуши нечадир?

## **ХАК-ЧУН НЕ ИШ БИТИРДИНГ?..**

Бир кун отанг ишк этди,  
Сулбидан жўшга етдинг.  
Сув эдинг, сўнг кон бўлдинг,  
Кондан сўнг лошга етдинг.

Хукм айлади ул Худой,  
Тўккиз соат, тўккиз ой,  
Ўн икки андом жой-бажой,  
Сўнгги улошга етдинг.

Гўш берди, дахан берди,  
Даханга забон берди,  
Акл берди, жон берди,  
Кўз берди, кошга етдинг.

Ёшдинг, элга етишдинг,  
Юриб, йўлга етишдинг,  
Сўзлаб, тилга етишдинг,  
Нон единг, ошга етдинг.

Еттингда мактаб кўрдинг,  
Ўкидинг, йўлга кирдинг,  
Киз билан бози курдинг,  
То ўн тўрт ёшга етдинг.

Хак берганин еб-ичдинг,  
Хар йўлга бир бош кўшдинг,  
Махбуб билан суюшдинг,  
Белга чалошга етдинг.

Йигирма ёшга келдинг,  
Йигит бўлиб, сен елдинг,  
От миндинг, килич олдинг,  
Жангга-савашга етдинг.

Ўттизингда ерингдан,  
Туман кетмас сарингдан,  
Йигитликнинг зўриндан  
Кездинг, тамошга етдинг.

Сурдинг, дунёни сурдинг,  
Охир вафосин кўрдинг,  
Киркингга кадам урдинг,  
Комилсан, хушга етдинг.

Бор олмадинг богингдан,  
Хазон урди тогингдан,  
Эллик, сокол окингдан  
Уял, бир ёшга етдинг.

Олтмишга ёш етказдинг,  
Бошинг гамга боткиздинг,  
Хуш кунларни ўтказдинг,  
Ёзинг йўк, кишга етдинг.

Етмишда "Хак!" деб келдинг,  
Кувватинг йўк, йигилдинг,  
Каридинг, ишдан колдинг,  
Сўйла, не пешга етдинг?

Саксонга етганда сол,  
Нечук кечар бундай хол?  
Ўтди кизгинли махал,  
Ўроксиз хўша етдинг.

Тўксонда янглишар сўз,  
Кора бўп кўринар бўз,  
Какшар суяк, тинар кўз,  
Юз минг андешга етдинг.

Махтумкули, ўтирдинг,  
Умринг Гофил ўтурдинг,  
Хак-чун не иш битирдинг,  
Агар юз ёшга етдинг?!

**БЎЛСАМ ИЙМОН ИЧИНДА**

Фикр килдим ер-кўкни  
Беакл жон ичинда.  
Кўрдим, жон хам "Аллох!" дер,  
Эт, томир, кон ичинда.

Кетар йўлинг билмасанг,  
Тўгри йўлга келмасанг,  
Хакни ёдга олмасанг,  
Колдинг армон ичинда.

Ердан чиккан наботлар,  
Кизил гуллар, кўк ўтлар,  
гофил одам, бу зотлар  
Бари фармон ичинда.

Нафсинг айтар: "Жўш бўлсам,  
Тўкинликка дуч бўлсам,  
Есам-ичсам, хуш бўлсам,  
Ётсам алвон ичинда".

Кўнгил, сен бир бозорсан,  
Хар ишга бир ёнарсан,  
Турсам дея кезарсан,  
Журму исён ичинда.

Ёйилар канот-парлар,  
Хўб очилар дафтарлар,  
Тўда-тўда каптарлар,  
"Хув!" дер хирмон ичинда.

Булбул айтар: "Кичикман,  
Бахорга кўп интикман,

Мен гулзорга ошикман,  
Богу бўстон ичинда".

Ошик айтар: "Иллаллох!",  
Калмоч: "Алхамдулиллох!",  
Лайлак дер: "Кул хуваллох!",  
Ханнон-Маннон ичинда.

Ёрканот дер: "Ё, Мавло,  
Солдинг мени бу йўлга,  
Берма Ой, Кунга, елга,  
Сакла пинхон ичинда!"

Анко айтар: "Йўлчиман",  
Худхуд айтар: "Элчиман,  
Сулаймонга совчиман,  
Ёлгон жахон ичинда".

Бўзтўргайдир хайрона,  
Хайрон бокиб хар ёна,  
Занбур чикиб сайрона,  
Кезар даврон ичинда.

Турна айтар: "Учарман,  
Багдод сувин ичарман,  
Киш Хиндистон кўчарман,  
Лолазорон ичинда".

Бойкуш айтар: "Дардим бор,  
Тасбихим бор, вирдим бор,  
Вайронада юртим бор,  
Зору гирён ичинда".



Хаккуш айтар: "Факирман,  
Куллугумга хакирман,  
Хак ёдини ўкурман  
Шам-шабистон ичинда".

Мусича дер: "Кетарман,  
Келдим, билдим – ўтарман,  
Уч огочни чотарман,  
Гузлаб вайрон ичинда".

Лочин айтар: "Хушимдан,  
Маст бўлдим ўз жўшимдан,  
Колдим, Тангри, ишимдан,  
Банди зиндон ичинда".

Туроч тили санода,  
Ўрдак тили дуода,  
Гоз кагиллар хавода,  
Кўзи уммон ичинда.

Кумрилар овоз билан,  
Товус иши ноз билан,  
Какнус куши соз билан,  
Шул Хиндистон ичинда.

Тўти кушлар розлашиб,  
Хак амрини кўзлашиб,  
Одам тилин сўзлашиб,  
Кезар инсон ичинда.

Тўргай хазор уям дер,  
Ажойиб, хуш Эгам дер,  
Дўзах ўти харом, дер,  
Охирзамон ичинда.

Билмас фалакнинг фаржин,  
Елдир, тутмиш кўк бурчин,  
Бир тўп каптар-гуварчин,  
"Хув!" дер хирмон ичинда.

Кийик айтар: "Йигларман,  
Хакка сидким богларман,  
Болам дея бўзларман,  
Юрагим кон ичинда".

Бўри айтар: "Узарман,  
Кайдан килсам гузар ман,  
Ризким излаб кезарман,  
Чўл-биёбон ичинда".

От айтар: "Аслим зўрдир,  
Бунча кимматим бордир,  
Устимга минган эрдир,  
Тоғу ёбон ичинда".

Ёби айтар: "Мен ганда,  
Устимга минган банда,  
Азобим кўпдир кунда,  
Хизмат-имкон ичинда".

Эшак айтар: "Аслим тош,  
Хизмат билан багрим бўш,  
Сомон топсам, кўнглим хўш,  
Бул кахратон ичинда".

Сигир айтар: "Мен бошдим,  
Етмас иложим-куштим,

Думим ўйнатиб кочдим,  
Чибин-чиркон ичинда".

Туя айтар: "Ўтларман,  
Ўтган ерим ёдларман,  
Мудом юртга йўртарман,  
Янтоғ, ёбон ичинда".

Етти ер бўлмиш бино,  
Хар зот ўкир бир сано,  
Ўтлар ҳам дер: "Раббано!",  
Наврўз – борон ичинда.

Кўнгил айтар гадога,  
Сахар турсам садога,  
Нолиш килсам Худога,  
Бўлсам иймон ичинда.

Киёмат кун кўлингдан,  
Хабар етар холингдан,  
Кайтгил ёмон йўлингдан,  
Кўрдинг Фуркон ичинда.

Умидли бўл Юсуфдек,  
Сабрли бўл Айюбдек,  
Гар учрасанг Яъқубдек  
Дардга, Канъон ичинда.

Нафсим айтар: "Хўш айла,  
Жоми журъа жўш айла,  
Карамингга дуч айла,  
Тонгла девон ичинда!"

Махтумкули, ўзингга  
Бок, ёш келтир кўзингга,  
Айб айламанг сўзимга,  
Ёру ёрон ичинда!

## ЙИККАНИНГ КОЛДИ-КЕТДИ

Бу дунё бозигардир,  
Бозисин чалди-кетди.  
Гумрох этиб нечани,  
Йўлдош деб олди-кетди.  
Ййла, фикр эт хар қачон,  
Юз кўнган бор, юз кўчган,  
Тахти осмондан кечган  
Сулаймон ўлди-кетди.  
Ё, мурувватли шохим,  
Умидим, киблагохим,  
Шунча яшаб Иброхим,  
Нимани олди-кетди?  
Жигарин доглай-доглай,

Зуннорин боглай-боглай,  
Нечалар йиглай-йиглай,  
Нечалар кулди-кетди.  
Нечалар гулга дўнди,  
Гул ёниб, кулга дўнди,  
Нечалар гилга дўнди,  
Нечалар сўлди-кетди.  
Коларсан гўрда богли,  
Маълум бир юртда богли,  
Бехуда, одам ўгли,  
Йикканинг колди-кетди.  
Лакмалик билан ўзим,  
Билмадим айтган сўзим,  
Махтумкули дер: "Кўзим  
Кон ёшга тўлди-кетди".

## БУ ФОНИЙ ЖАХОНГА КўНГИЛ БЕРГАНЛАР

Бу фоний жахонга кўнгил берганлар  
Ишин барбод айлаб, ўтиб борадир.  
Каранг, Куръон очиб, талай нодонлар  
Икболни бир пулга сотиб борадир.

Жафоси кўп, фоний, бу ёлгон жахон,  
Мард кўнглида тутар бўлди ул макон,  
Ийсо эслаб, Лукмон килмас дард эхсон,  
Кўз юмиб, туш каби ўтиб борадир.

Кимлар бу жахонда бемалол ётмиш,  
Кимлар осмон учиб, ким лойга ботмиш,  
Кимлардир молини бакога отмиш,  
Кимлар хирси дунё тутиб борадир.

Гавгодан тинмади канчанинг боши,  
Кими ёкар бўлди падар, кардошин,  
Кимсалар хар жойда тайёрлаб ошин,  
Кимсалар донг котиб ётиб борадир.

Кимлар тожу тахтда фармон жўнатиб,  
Кимлар саман миниб, сурар сакратиб,  
Кимлар падарини, элни хор этиб,  
Гунох зиндонига ботиб борадир.

Кимсаларнинг чикмас айлаган зори,  
Кимларнинг богинда битмиш анори,  
Кимларнинг тутшиб жонида нори,  
Хор-тикан танига ботиб борадир.

Кимлар доим сурар бўлди давронни,  
Ўзин билмас, ким унутар жахонни,  
Кимсаларнинг доим дўзах макони,  
Кимлардир беҳиштга етиб борадир.

Кимсалар бош кўшар ажаб жононга,  
Кимсалар зан истаб, азоблар жонга,  
Кимсалар кўз тутиб хар ганжи конга,  
Дину иймонини сотиб борадир.

Кимларгадир бермас ул икки кўзни,  
Кимса эплай олмас, сўзласа сўзни,  
Кимсаларнинг ажаб экандир юзи,  
Кимлардир рўйини ўртиб борадир.

Кимлар, алам билан ўтибдир соли,  
Кимларни банд этмиш гўзал хаёли,  
Кимлардир умринда тотмайди болни,  
Кимлар захар-заккум ютиб борадир.

Кимсалар Хак демас, галатга дўнар,  
Кимсалар учару, кимсалар кўнар,  
Нечаларнинг фарзанд-зурёди унар,  
Канчалар бефарзанд ўтиб борадир.

Кимлар бу дунёда икбол отмишдир,  
Кимдир тутган ниятига етмишдир,  
Кимлар Хакни чорлаб, йиглаб ётмишдир,  
Бу дунёда хар ким йўртиб борадир.

Кимлар ожиз жонни мол дея ёкиб,  
Кимлар кетмиш ватанини тарк этиб,  
Кимлар элни, дин-иймонни унутиб,  
Кимлар уни коим тутиб борадир.

Махтумкули, кимса даштдадир сарбон,  
Кимса айлар бўлди бир золим фармон,

Кимлар бу дунёдан айлабон армон,  
Кимлар хандон бўлиб, ўтиб борадир.

### **ДАРДИМНИНГ БОРИН СЎЙЛАЙИН!..**

Тирик душманим, найлайин,  
Кари фалак голиб тушди.  
Дардимнинг борин сўйлайин,  
Тепа сочим бир дам учди.

Айирди кўзда нуримдан,  
Богда олма, аноримдан,  
Менгли деган ул ёримдан,  
Ёниб юрак, кайнаб тошди.

Чикмас бўлди сухбат-созим,  
Эшитса Аллох овозим,  
Кўринмас бўлди юлдузим,  
Ойим ботди, куним ошди.

Захардир берилган ошлар,  
Бор, сўра, кетди кардошлар,  
Таркаб кўнгилдош, сирдошлар,  
Эрон, Турон, Афгон ошди.

Ёт бўлди Исломнинг йўли,  
Хеч кимнинг йўк ўй-хаёли,  
Ёлгиз колган Махтумкули,  
Бас айлагил, аклинг шошди!..

### **ЎЛСАНГ, СЕНИ КИМЛАР ЁДЛАР?..**

Одам ўгли, фалак сенинг  
Бир кун тўнинг бичар-кетар,  
Сенга урар ханжарини,  
Жаллод конинг сочар-кетар.

Кезма дунёга майл этиб,  
Беҳуда ерда сайл этиб,  
Аввал кўнганларинг ўтиб,  
Кўз очгунча кўчар-кетар.

Ўлсанг, сени киминг ёдлар? -  
Кишнаб колар бедов отлар,  
Уни минган бўз йигитлар  
Кора ерни кучар-кетар.

Дунёнинг сўнги барбоддир,  
Бенамознинг жойи ўтдир,  
Ўлим бир аччик шарбатдир,  
Хар ким ундан ичар-кетар.

Кўнгил айтадир: "Ўлмасанг,  
Лаҳадда танҳо колмасанг,  
Эганга тўгри бўлмасанг -  
Иймон сендан кочар-кетар».

Махтумкули, бу не жойдир,  
Ажаб бир карвонсаройдир,  
Дунё бир лўли-оройдир,  
Бир кун сени кучар-кетар.

**КИМДИР ГАДО, КИМДИР СУЛТОН ФАЛАҚДАН**



Бой ўглига айтар: "Изим тутарсан" -  
Бехабар бўлубон нодон фалакдан.  
Кўрган айтар: муродингга етарсан,  
Унутибдир, келар армон фалакдан.

Тоглар, ишонмагил тошли бўркингга,  
Навжувон, таянма юзда кўркингга,  
Одам ўгли, кувонмагил эркингга,  
Эрта ватан бўлар зиндон, фалакдан.

Умрим соли карвонини йўкотди,  
Кимлар фолга чопиб, иймон унутди,  
Фалакдан мол олди, кайта таркатди,  
Кимса гадо, кимса султон фалакдан.

Фалак урар бўлди, гар топса эвин,  
Азмидан ларзондир осмону замин,  
Ул Сулаймон, Ийсо, Махдий хам Амин -  
Бари ўтди, кўриб зиён фалакдан.

Фалак ташвишини кимлар билдилар,  
Кўплар йиглар бўлди, озлар кулдилар,  
Йўлбарс, бўри тулкиланиб келдилар,  
Хак кошига, тилаб омон фалакдан.

Бизнинг кўрган дўстлар оввора кайтди,  
Бош кўтарган эрлар бечора кайтди,  
Йўрга араб отлар, бок, хора кайтди,  
Киммати айрилиб ёмон фалакдан.

Дуч келганлар билан ул саваш килди,  
Мажолсиз одамга, бок, кураш килди,  
Бир неча бахиллар хунук иш килди,  
Келар дея кўлга даврон, фалакдан.

Акл ўтмас, дур ясалмас устодсиз,  
Одам ўгли, ўтар бўлдинг сен отсиз,  
Бунда келиб, колар бўлди канотсиз,  
Тамошо айланглар, паррон фалакдан.

Пой остинда огир жисминг кўтариб,  
Фотиха олмадим, ишинг битириб,  
Махтумкули, тилга дoston келтириб,  
Чекар бўлди оху фигон фалакдан.

## САЙЁД ДУНЁДИР

Одам ўгли, тингла сўзим бир замон,  
Жон излаб саргардон, фасод дунёдир.  
Бир кун ёканг тутар, билсанг, бегумон,  
Аммоки, бир зарур хожот дунёдир.

Кимга насиб этди ул оби хаёт,  
Дарди ошиб келар бу жондан зиёд,  
Бу жахонга сайр килган одамзод,  
Умрига килгувчи лаънат дунёдир.

Кани, бокинг, Корун феълин, найлади,  
Ўзи ўтар бўлди, молин найлади?  
Нух набийнинг, кўринг, солин найлади,  
Бахор фасли чиккан набот дунёдир.

Искандар гўлмиди жахонни олган,  
Кани, кўринг, айтинг, ким ундан колган?  
Бу фоний жахоннинг ташвиши ёлгон,  
Бахилларга улуг иззат дунёдир.

Рустам, Зол не ишнинг бошини тутди,  
Гардишга сар солди, ул фалак ютди,  
Жон матосин бориб тупрокка сотди,  
Изинда йиглатган тогат дунёдир.

Чин-Мочинни кўйди зулм остинда,  
Дўзах очар бўлди замин устинда,  
Хиндистонни оху зорнинг кастинда  
Кўйиб борган, кўринг, писанд дунёдир.

Корун кечар бўлди, феълин кўзлабон,  
Юсуф ўтар бўлди, калом сўзлабон,  
Одам ўглин замин ичра гизлабон,  
Ундан чикмас килган лахад дунёдир.

Гаввосни банд килди уммон ичинда,  
Булбул асир тушди бўстон ичинда,  
Луъ банд бўлди, бокинг, дарё ичинда,  
Хар кимга сер солган хунбод дунёдир.

Боди шутри миниб, алвона юрсам,  
Кўзим ботил бўлса, жахонни кўрсам,  
Истаса ул Ёрим, бош билан юрсам,  
Даштга тушиб урган сайёд дунёдир.

Махтумкули айтар: мажолим бордир,  
Кунлар ўтар бўлди, ох-зорим бордир,  
Чекканим жабрдир, пешам озордир,  
Ёлғиз колиб борган окибат дунёдир.

**НОДОН ФАЛАК, АМОН-АМОН!..**

Бекларимиз килар кенгашни,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Бошга кўярсен ташвишни,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Давлат куши осмон келди,  
Хак сийлади, назар солди,  
Ой-Кунлар кўриб уялди,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Яхшилар кенгашни тутган,  
Фалакни кейинга отган,  
Зиндон ичра Гофил ётган,  
Нодон фалак, амон-амон!

Анча жабр килар бўлдинг,  
Омонатни олар бўлдинг,  
Чох-гардишга солар бўлдинг,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Номардлар йўлбарс бўлибдир,  
Йил-кунимга харс бўлибдир,  
Занон бари барс бўлибдир,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Кўп чекибман жабру жафонг,  
Рўйин кўрмамишам сафонг,  
Дастинг тутдим, ажаб турфанг,  
Нодон фалак, амон-амон!  
Махтумкули айтар: "Амон,  
Якин келди охир замон,  
Тог бошинда хижрон тумон,  
Нодон фалак, амон-амон!"

## **ХАЗРАТИ ЮСУФНИ БАЁН АЙЛАЙИН**

Дафтарлар ичинда бир китоб кўрдим,  
"Касасул-анбиё" отли, ёронлар.  
Хазрати Юсуфни баён айлайин,  
Киссаси шакардан тотли, ёронлар.

Ранжи азим, рохати кўп, шуни бил,  
Сўзлари хадисдир, ояти далил,  
Бани Исхок ибни Иброхим Халил,  
Яловуч уруги, зотли, ёронлар.

Ўн икки ўгли бор, айтсам зурёдин,  
Хабар сўрсанг, шудир бу асл зотин,  
Иллаллох, Тангрининг ул мўъжизотин,  
Яъкубни нобино этди, ёронлар.

Етти ёшда кўрди Юсуф бир тушни,  
Ёронлар, таажжуб Аллохнинг иши,  
Шамъун, Райбил деган ўгай кардоши  
Юсуфни бир чохга отди, ёронлар.

"Юсуфжонни бўри еди", дедилар,  
Бир бўрини тутиб, боглаб келдилар,  
Хазрати Яъкуб бир дуо килдилар,  
Бўри ўз холини айтди, ёронлар:

"Бир болам бор, йўкотибман ёнимдан,  
Уч кун бўлди, истаб топмам ёбондан,  
Тилагинг кабулдир сенинг Субхондан,  
Дуо кил", деб умид этди, ёронлар.

Юсуфни солдилар тахти заминга,  
Унинг доги кўнгли бўлди камина,  
Хак амр этди ул Жаброил аминга,  
Бир дамда Юсуфни нетди, ёронлар.

Чох ичинда ётди уч кеча-кундуз,  
Хазрати Жаброил саклади тамиз,  
Бир Ой-у бир Куёш, сўнг ўн бир юлдуз  
Юсуфга кўп таъзим этди, ёронлар.

Бир карвон келарди Мисрдан Шомга,  
Ногахон етдилар ушбу макомга,  
Башир, Башар деган икки гулом-а,  
Кудукдан кувини тортди, ёронлар.

Кувини чикарди чохнинг ташина,  
Юсуф чикди, ойдек бўлиб нишона,  
Юз минг шукр килди ул дам Субхона,  
Куллар иймон арзин этди, ёронлар.

Аллохнинг амрига суниб бўйнини,  
Беклар, кўринг, бу шум фалак ўйнини,  
Хазрати Яъкубнинг нури ўайнини,  
Куллар Хожасига элтди, ёронлар.

Малик тужжор олиб борди Канъона,  
Хабар топди колган ўн тўрт девона,  
Юсуф: "Содик кулман" деди мардона,  
Ўн саккиз дирхамга сотди, ёронлар.

Подшоҳ Рўён Малик эди, эй фалак,  
Вазирининг номи Азиздир, бешак,  
Улар Зулайхога бердилар дарак,  
Малик тужжор анга сотди, ёронлар.

Даллоллар йигилиб, баҳо кўйдилар:  
"Бўйига тенг олтин-кумуш", – дедилар,  
Лаълу жавохирдан анча уйдилар,  
"Хали хам арзон", – деб айтди, ёронлар.

Шахар ўртасинда бир тахт курдилар,  
Юсуф: "Содик кулман" – дея турдилар,

Киймат кўйиб Зулайхога бердилар,  
Охир муродига етди, ёронлар.

Ошик бўлди эр Юсуфнинг кўркига,  
Солдилар етти кат ернинг беркига,  
Олти хотин кўймадилар эркига,  
Юсуф ҳам уларга нетди, ёронлар?!

Хотинлар макридан кочди, кутулди,  
Кўйлагин йиртдилар, ташда тутилди,  
Неча йиллар зиндон ичра ётилди,  
Юсуфдан барчаси ўтди, ёронлар.

Юсуф содик ётар зиндон ичинда,  
Подшоҳ бир мўъжиза кўрди тушинда,  
Мунажжимлар бари котиб кошинда,  
Хар кайси бир таъбир айтди, ёронлар.

Алқисса, бу таъбир Юсуфга етди,  
Юсуф ҳам ул тушнинг баёнини этди,  
Ибрат олиб, подшоҳ раъйиндан кайтди,  
Барини мусулмон этди, ёронлар.

Юсуф тахтга миниб, подшоҳ бўлдилар,  
Тамом Миср халқини сотиб олдилар,  
Оқалари келиб, таъзим қилдилар,  
Кулли гуноҳларини ўтди, ёронлар.

Махтумкули, сўзлар Хакнинг санъатин,  
Бандасан, Хотифнинг амрига қўнгин,  
Кимга беш кун берар, кимгадир ўн кун,  
Сураверинг, даврон ўтди, ёронлар!..

## ГУНОХИМ ГУЗАШТ АЙЛА

Эй, Карими корисоз,  
Гунохим гузашт айла!  
Эй, Рахими чорасоз,  
Гунохим гузашт айла!

Етмаса карам Сендан,  
Кетди ихтиёр мендан,  
Журмум чикардим чандон,  
Гунохим гузашт айла!

Юз гам бирла танда жон,  
Истайдир Сендан амон,  
Фазлинг бирла, ё Субхон,  
Гунохим гузашт айла!

Гарчи бўлдим гунохкор,  
Сатр айла айбим, Саттор,  
Карам айла, ё Гаффор,  
Гунохим гузашт айла!

Лутфингни изхор айлай,  
Кўнглимни карор айлай,  
Тавфикигни ёр айлай,  
Гунохим гузашт айла!

Акл етмас зотингга,  
Фикр ўтмас сифотингга,  
Бирлигинг хурматига,  
Гунохим гузашт айла!



Маликсан, бўлса хар на,  
Ким етди сунъинг сирина?  
Уч минг исминг хотирина,  
Гунохим гузашт айла!

Биз бечора умматнинг,  
Уммати Мухаммаднинг,  
Хурматига Ахмаднинг,  
Гунохим гузашт айла!

Сунъинг тушиб шавкига,  
Этдинг Ахмад завкига,  
Осмон, замин хаккига,  
Гунохим гузашт айла!

Сахийлар эхсони-чун,  
Шахидларнинг кони-чун,  
Жунбандалар жони-чун,  
Гунохим гузашт айла!

Сенга боккан юзлар-чун,  
Сен деб йиглар кўзлар-чун,  
Хамдинг айтган сўзлар-чун,  
Гунохим гузашт айла!

Кўкда юлдуз хурмати,  
Ерда наврўз хурмати,  
Кеча-кундуз хурмати,  
Гунохим гузашт айла!

Баланд тоғлар хаккига,  
Чўлу кирлар хаккига,  
Ерлар, сувлар хаккига,  
Гунохим гузашт айла!

Сендан бўлмаса мадад,  
Холимга вой, ё Ахад,  
Фирогий дер: Ё, Самад,  
Гунохим гузашт айла!

### "АЛИФ" – АВВАЛ ИБТИДО!..

"Алиф" – аввал ибтидо, хамдинг етказ Худога,  
"Бе" – бўш юрма кулликда, тушсанг дарду балога,  
"Те" – тур хоби гафлатдан, умринг келмиш арога,  
"Се" – сакар бор, хазир бўл,  
"Жим" – жаҳд айла яровга,  
"Хе" – хилмингнинг хурмати, раҳм эт мен бенавога,

"Хе" – хасорат-аламни мендан ўзга ким айлар,  
"Дол" – дардимга давони Сендан ўзга ким айлар,  
"Зол" – зунубу гунохга,  
Ре" – раҳминг мархам айлар,  
"Зе" – зор айласа хашминг, барчасин бархам айлар,  
"Син" – сахарлар бедор эт, кўзингни тик Худога.

"Шин" – шавкингга тушганлар,  
"Сод" – сабр этиб турмаслар,  
"Зод" – зиёнгни олганлар, хей, юрарлар хормаслар,  
"То" – талаби дийдоринг, ором-карор килмаслар,  
"Зо" – зохирдир  
"Ъайн" – илминг, билдирмасанг, билмаслар,  
"Гайн" – Гафлат ичинда кўйма мени фироКа.

"Фе" – фикрингни килганга  
"Коф" – кудратинг бас эрур,  
"Коф" – "Кун!" деган бинонгга  
"Лом" – ламъатинг бас эрур,  
"Мим"дан маъно олганга,

"Нун" неъматинг бас эру.  
"Вов" – васлингга етгунча  
"Хо" – хижратинг бас эрур.

"Лом-алиф" – йўк эътибор дунёи бевафога.  
"Йо" – ёлгончи дунёнинг пешаси ол биландир,  
Олин кўриб кувонма, туби завол биландир,  
Чархнинг иши хар замон бир айри хол биландир,  
Махтумкули, бир кўнглим юз минг хаёл биландир,  
Ишим осон этмасанг, кайтар "ъалас-сало"га.

## **УЛ МУХАММАД АХМАДИ МУХТОРИ КЎРДИМ – ШУНДАДИР**

Яхшилар тутмиш бино, бир шаҳри кўрдим – шундадир,  
Ишк матоини сотар бозори кўрдим – шундадир,  
Хўб шажарлар бўй чўзибдир, бори кўрдим – шундадир,  
Намли гуллардек пари Фархори кўрдим – шундадир,  
Юз карашма-шевали дилдори кўрдим – шундадир.

Коим ўлсанг истамаслар, кетсангки овоз айлабон,  
Сўзласанг бермас садо, сўзламасанг роз айлабон,  
Кўнглингни хам банд айлабон, ўзингни парвоз айлабон,  
Бир пари пинхон ўтирмиш "Келма" деб ноз айлабон,  
Ул пари-пайкар сифатли ёри кўрдим – шундадир.

Ул Хизр, Илёс билан Ахмад, Сулаймон анда бор,  
Ул Салим шох, Макка хони – ибни Султон анда бор,  
Боязид, Султон Увайс, Харкону Суфён анда бор,  
Бир неча Мажнун каби чоки гиребон анда бор,  
Таянар Мусо асоси – мори кўрдим – шундадир.

Бахр аро балик ичинда рохат айлаб ухлаган,  
Имтихон учун унга гурми калонлар беклаган,  
Дўст бўлиб Аллохига, душман кўлида саклаган,

Манжаникка боғланиб, бир оташ ичра отлаган,  
Каъба бунёд айлаган меъмори кўрдим – шундадир.

Юз йигирма тўрт мингу етти юз Пайгамбари,  
Уч минг ўн уч мурсалу, хам алар – тожи сари,  
Юз йигирма тўрт минг дурдонанинг бош гавхари,  
Умматининг шофиъи, Махтумкулининг манзари,  
Ул Муҳаммад Ахмади Мухтори кўрдим – шундадир.

### **КЎНГЛИМ ИЧРА КЕЛДИ БИР НЕЧА МИСОЛ**

Учрадим Илёсга, Хизр ўлди висол,  
Кўнглим ичра келди бир неча мисол.

Кўл кўтардим, турдим назру ниёзга,  
Дедим: "Рухсат бўлса, айтайин савол".

Дедим: "Недир бу дунёнинг борлиги?",  
Деди: "Ётсанг тушдир, турганда-хаёл".

Дедим: "Ё, Раб, дунё нега ўхшайдир?",  
Деди: "Кари кампир, юзида йўк хол".

Дедим: "Недир мулки жахон севгиси?",  
Деди: "Дардисардир, бўйнингга вабол".

Дедим: "Дунё учун надир бахсу жанг?",  
"Беҳуда бугз этмок, бекор кол-макол".

Дедим: "Ахли замон нега банд ўлмиш?",  
"Ўгил-киз суймокка, жамъ этмокка мол".

Дедим: "Бу севгидан, молдан не хосил?",  
"Йигмоги кайгудир, кетмоги малол".

Дедимки: "Зулм ахли кандай зумрадир?",  
Деди: "Ит ва бўри, мушук ва шокол".

Дедим: "Андан нафсим неча рам бўлур?",  
Дедики: "Бир килмок билан гўшимол".

Дедим: "Банда жаҳди бошга етарми?",  
Деди: "Етмас, истамаса Зул-жалол".

Дедим: "Ё, Раб, кадхудолик кандайдир?",  
Деди: "Ёшга – ишрат, кайгу – калонсол".

Махтумкули сўзи дурдир билганга,  
Бошда хушинг бўлса, сўзга кулок сол!

## **САХАР ТУРИБ, БИРУБОРГА ЮЗ БУРСАНГ**

Дуо килсам, даргохига борарми? -  
Сахар туриб, Бируборга юз бурсанг.  
Ё Раб, бархак, дўсти хушвакт бўларми? -  
Бир кўнгил-чун юз хунарга юз бурсанг.

Сахар туриб, нолиш килсанг Худойга,  
Кунга кўл кўтариб, ёлборсанг Ойга,  
Давлат учун боксанг давлат хумойга,  
Ганж учун сеҳр ўкиб, морга юз бурсанг.

Гарк бўлсанг дарёга, дуч келсанг дарда,  
Тамаъ учун очма юзингдан парда,  
Саклан, якин борма ножинс-номарда,  
Ишинг тушиб, дўсту ёрга юз бурсанг.

Номардга юз бурсанг, ишинг ундирмас,  
Итдан суяк сўрган бир зот тиндирмас,  
Тулки ўзин кунда бир бор тўйдирмас,  
Создир, оч бўлсанг хам, шерга юз бурсанг.

Махтумкули, гарчи бахтинг шўр бўлар,  
Мавлом назар килса, давлат ёр бўлар,  
ўам сендан дафъ бўлар, дардинг дур бўлар,  
Камолхон афгондек эрга юз бурсанг.

## **ОШИКЛАР ХАК ИШКИНДА**

Ошиклар хак ишкинда  
Хайрондадир-хайронда.  
Кўзлар заиф изинда,  
Гирёндадир-гирёнда.  
Килди анга Хак раҳмат,  
Нури тажаллий кудрат,  
Хирка кийган Хожа Ахмад  
Сайрамдадир, Сайрамда.  
Ердан чиккан огочлар,  
Тили саноли кушлар,  
Субхон суйган дарвишлар

Даврондадир, давронда.  
Айил, ошигим, айил,  
Мажнун бўл, халкка ёйил,  
Халил ўгли Исмоил  
Курбондадир, курбонда.  
Тур тогинда туранлар,  
Неча гойиб эранлар,  
Жамолини кўранлар  
Фармондадир, фармонда.  
Тўлдирган бу дунёни,  
Сўзлар хар ду сарони,  
Кулли ишнинг баёни  
Куръондадир, Куръонда.  
Махтумкули, оч тиллар,  
Куллуқ кил ойлар, йиллар,  
Эрта куллуқсиз куллар  
Армондадир, армонда.

## КЕЧДИ

Эллик минг йил даврон сурган Бани жон  
Дунёда колмади, ерма-ер кечди.  
Юз йигирма наслу фарзанд келтирган  
Одам Хавво билан сар-басар кечди.

Хак Ўзи бошлайдир йўлга бандани,  
Йўлга кириб, умидли бўл сан кани,  
Шис билан Каюмарс кийган жандани  
Рустам, Зол кийибон, каландар кечди.

Девларни банд этиб, динга етказган,  
Сура-сура, бу дунёдан кетказган,  
Замину дарёга хукмин ўтказган  
Сулаймон сифатли Искандар кечди.

Юшаъ ўгли Довуд оламни сурди,

Хак анга Забурдек каломни берди,  
Хазрати Довуднинг хуззор шогирди -  
Олти минг олти юз охангар кечди.

Кўпларни кечирмиш бу кўхна жахон,  
Охири инсондир, олди – Бани жон,  
Махтумкули айтар: колмади яксон,  
Юз йигирма тўрт минг Пайгамбар кечди.

### **КЕТГУМ ЮСУФ ДЕЯ-ДЕЯ**

*Мухаммас*

Хижронида хаддан ортик ёнгум Юсуф дея-дея,  
Неча дурдонадир, кўздан тўккум Юсуф дея-дея,  
Кон йигларман шому сахар, нетгум, Юсуф дея-дея,  
Мен Яъкубман, оху зорни чеккум Юсуф дея-дея.  
Кўзларимдан конли ёшим тўккум Юсуф дея-дея.

Бу дунёнинг жафосиндан гирихлар тушди кошима,  
Душманам хам кон йиглайдир кўзимдан оккан ёшима,  
Сирримни изхор айласам, оламда бир йўлдошима,  
Фалак йиглар кўз ёшима, не савдо тушди бошима,  
Мажнун бўлиб тоғ бошига чиккум Юсуф дея-дея.

Бокмадими Ой нозанин, гулгун юз узра сунбула,  
Магрур ўлма бундай тила, ким, мушкин анбар кокила,  
Гулнинг вафоси бўлмамиш, юз нола килса, булбула,  
Бир тарафдан жилга-жилга, булут ўйнар, солар кўла,  
Ўн олти тоғ, етти чўлга кетгум Юсуф дея-дея.

Ишкнинг балосидан етиб ханжар манга, эй сийму зар,  
Жонимга хажринг ўтидан бир турфа етди дардисар,  
Бул васфининг завки билан ёздим, бўлиб хуни жигар,  
Кетди Юсуф, келмас хабар, йиглаб турарман хар сахар,



Калъа-калъа, шахар-шахар кезгум Юсуф дея-дея.

Тараххум килмас ул дилбар, хижронида бу нолага,  
Огзим куриб, дамо-даме Лайли каби шакархога,  
Килса табассуме гар ул, мен жафоли дил ярога,  
Магар Юсуф тушди чохга, жамолинг деб боккум Ойга,  
Ирок замин, Карбалого боккум Юсуф дея-дея.

Бу фалакнинг шиддатидан, ким тилимда зохир доглар,  
Зулми башар хаёликим, кўнглимда гирибон боглар,  
Кўрса бу холими киши, холима зору зор йиглар,  
Хасратима фалак йиглар, ошик бўлди тилсиз зоглар,  
Фарход бўлиб, буюк тоглар йикгум Юсуф дея-дея.

Кўйингни истаб, эй нигор, мен бормишам йўлдан-йўла,  
Бердим савту навонгни ман жон бирла хар гулдан-гула,  
Канот боглаб учсам эди, мен Коз каби кўлдан-кўла,  
Юсуф кезар тилдан-тила, шайдо бўлиб чўлдан-чўла,  
Сўрок солиб, элдан-эла чиккум Юсуф дея-дея.

Ичди сенинг золим кўзинг менинг коним кона-кона,  
Зулфинг домига сайд ўлдим, кўриб холинг дона-дона,  
Жоним фидо килсам, оздир, сенинг каби жона-жона,  
Ўтар куним дўна-дўна, кечар бу жон ёна-ёна,  
Эртаю кеч Ой-а, Кун-а боккум Юсуф дея-дея.

Сўрса Низомий, дуняда жонланар яхши сўзидан,  
Топмай кушода бахти, ул толеъ ила юлдузидан,  
Кўрса мундог вафолари, хар ким туриб ўз-ўзидан,  
Махтумкули, дўст юзидан, тинмай ёш окар кўзидан,  
Булбул бўлиб, Ёр сўзидан айтгум Юсуф дея-дея.

**БИР КУН ХАЗРАТИ АЛИ**

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Кўринг бу хукми Довари:  
Ки масжидда ўлтирмишди  
Бир кун Муртазо Али.

Орка кўймиш мехроба,  
Ўзин бермиш Китоба,  
Катта-кичик сахоба  
Йигилмишди хам бари.

Ул шохи сафдар билди,  
Бир кўкча каптар келди,  
Ўлтириб таъзим килди:  
"Салом ѓалайк, ё Али!

Сенсан диним, иймоним,  
Санга курбон бу жоним,  
Фалон ерда ошеним,  
Ёш болам бор, ё Али!

Еру Кўк орасинда,  
Хирмонлар киррасинда,  
Худонинг паносинда,  
Келардим сахарлари.

Тайр этардим хар ёна,  
Шукр этардим Субхона,  
Истарман, йигсам дона,  
Сўнг элтсам ошён сари.

Душмандан гофил эдим,  
Хурраму хушхол эдим,

Боламга машгул эдим,  
Кўрдим-ку, бир шохфари .

Кўрдим, бир лочин келар,  
Хавода хаволанар,  
Билдимки, жоним олар,  
Омон бермас, ё Али!

Кўркиб, бетогат бўлдим,  
Ширин жондан кўл ювдим,  
Сенинг ёнингга келдим,  
Куткар мени, ё Али!"

Али чун вокиф бўлди,  
Каптарнинг холин билди,  
Лутф ила карам килди,  
Деди: "Каптар, кел бери!"

Каптар келди ёнига,  
"Бермам лочин чангига" -  
Кўл узатди, енгига  
Солди каптарни Али.

Шул дамда лочин келди,  
Хазратга арзин килди,  
Лутф ила таъзим килди:  
"Салом ўалайк, ё Али!

Хар сахарлар овлардим,  
Тоғу даштни пойлардим,  
Бир каптарни кувлардим,  
Келибдир сизнинг сари.

Дардмондаман, мухтожман,  
Шармандаман, галложман,  
Бу кун уч кундир, очман,  
Овим бергил, ё Али!"

Ул шери Парвардигор,  
Ул сохиби зулфикор,  
Ул шохи дулдулсувор,  
Нидо килди Камбари.

Камбар чун зохир бўлди,  
Лутф ила карам килди,  
Деди: "Хизмат, не бўлди,  
Чакирдингиз бизлари!"

Деди чархи чамбара,  
Мушк кўшилган анбара,  
Али деди Канбара:  
"Олиб келгин ханжари!"

Кўринг, энди не килар,  
Истар – ул карам килар,  
Лочин деди Алига:  
"Сиз нетарсиз ханжари?"

"Эй лочин, мен Хайдарам,  
Сохиби лутфу карам,  
Ўз танамдан эт берам,  
Сен тилама каптари!"

Ханжар чикди кинидан,  
То эт кесгай ёнидан,  
Лочин тутди кўлидан,  
Деди: "Кесма, ё Али!"

Сенинг ишинг карамдир,  
Кўлларинг мухтарамдир,  
Бу эт бизга харомдир,  
Эй сен, Соги кавсарий!

Лочин деб билманг мани,  
Каптар деманглар ани,  
Синамок учун сани,  
Келгандик сизнинг сари!"

Шохдан рухсат олдилар,  
Оёк узра турдилар,  
Учиб, парвоз килдилар,  
Кетдилар осмон сари.

Тамом бўлди бу сўзлар,  
Этса керакдир асар,  
Махтумкули хокисор -  
Шохимардон чокари !..

## **БУ КУРУМСОГ КИМГА ВАФО АЙЛАДИ**

Васфин баён айлай Хўтан шохининг,  
Ўз юзин оламга жило айлади.  
Барча малак чикармокка жаҳд этиб,  
Бирдан тасбих айтиб, садо айлади.

Худонинг амрини шайтон тутмади,  
Одамни тупрок деб, кабул этмади,  
Хаммаси бош кўйди, шайтон эгмади,  
Сажда килмокликдан ибо айлади.

Хазина ўрнига тўлдириб тоат,  
Умрининг борича килмай фарогат,  
Охир тушди унга бир тавки лаънат,  
Аллох меҳнатларин бежо айлади.

Ёронлар, айтайин янги хикоят,  
Нусхаларда кўрдим шундай ривоят,  
Ўзи эшон эди – пири хидоят,  
Замонида бир иш бино айлади.

Кирк минг муриди хам бор эди, комил,  
Ўзи бир эшондир – пири мукамил,  
Охирида бир иш килди ул жохил,  
Аллох унинг юзин каро айлади.

Бўлиб эрди ўзи восили даргоҳ,  
Номи эрди анинг Шайхи Барсисо,  
Охирида бир иш килди ул гумроҳ,  
Ўзи ўзин рўйи сиёҳ айлади.

Шахри Мадинага шухрати кетиб,  
Унинг овозаси оламини тутиб,  
Навбат Хасан отли йигитга етиб,  
Мухосим кўймайин, ризо айлади.

Хасанда бор эди бир тоза хохар,  
Мохи тобон эрди, хусни мунаввар,  
Кимга топширмокни айлаб мукаддар,  
Ўз кўнглига шайхни баржо айлади.

Синглисининг кўлин тутибон юрди,  
Югуриб ул шайхнинг ёнига борди,

Синглисининг холин шайхига ёрди,  
Шайх ўзини унга панох айлади.

Шайх ул нозаниннинг жамолин кўриб,  
Унга кўп ошики нигорон бўлиб,  
Ошиклик шарбати шайхни маст килиб,  
Шайх Тангридан кўркиб, ибо айлади.

Бир куни йўликди ул шайхга шайтон,  
Шайтон ўзин ясаб бир азим эшон,  
Шайтонга инонди ул шайхи нодон,  
Шайтонга ихлосин бажо айлади.

Шайх деди: "гам билан окар кўз ёшим,  
Анинг учун доим йигламок ишим,  
Бир гунох килибман, тўзмайдир бошим",  
Шайтонни шайх охир ризо айлади.

Деди: "Ишк дардининг давоси учун,  
Аллох тутмас анинг гуноси учун,  
Хакка ибодат кил ризоси учун" -  
Шайтон малъун сўзин адо айлади.

Барсисо шайтоннинг сўзига кириб,  
Хам шароб ичиб, хам зинога юриб,  
Маст бўлиб, ул кизнинг ёнига бориб,  
Нолишига бокмай, зино айлади.

Ул кизнинг бўйида хомила колди,  
Шайх кизни ўлдириб, дашновга солди,  
Синглисини истаб огаси келди,  
Шайх деди: "Кардошинг казо айлади".

Хасан йиглаб кетди, уфтона-хезон,  
Баногох олдига учради шайтон:  
"Синглингни ўлдирди ул шайхи нодон" -  
Ўасаннинг кўнглини табох айлади.

Хасан кайтиб, шайхнинг уйига юрди,  
Синглисин ўлигин дашновда кўрди,  
Шайхни олиб, шохнинг ёнига борди,  
Хасан арзин шохга баён айлади.

Шох буюрди: "Шайхни осинглар дора!"  
Шайх сувсаб, тилини килди минг пора,  
Сув учун иймонин, ул юзи кора,  
Шайтон сувга ани табох айлади.

Махтумкули, беш кун сог бўлсин жонинг,  
Ўлгунча тилингдан кўйма эхсонинг,  
Канчасини кўрдим фоний дунёнинг,  
Бу курумсог кимга вафо айлади!..

## **КИМ ФОНИЙ ДУНЁДА КОЛАР, ЁРОНЛАР?..**

Кел, кўнглим, азм айла бокий дунёга,  
Ким фоний дунёда колар, ёронлар?!  
Бу дунё мулкинда Мулки Мавлога,  
Не куфрдир, мункир бўлар, ёронлар.

Ким колар ўлмасдан, ажал етган сўнг,  
Кўймаслар кезмокка, яко тутган сўнг,  
Ийсо билан Махдий келиб етган сўнг,  
Исрофил бир сайха килар, ёронлар.



Хакнинг кудратига боксин кўзларинг,  
Юзлари чўл колар тогу тузларнинг,  
Учарнинг, юрарнинг, тили сўзларнинг,  
Азроил жонини олар, ёронлар.

Азроил кахр ила келар шайтонга,  
Шайтон ожизланиб, кочар хар ёнга  
Биларки, кутулмас, кочиби бир ёнга,  
Сарандибга бориб ўлар, ёронлар.

Ул куннинг дахшати кечар фардога,  
Осмонни сусти айлар, заминни зоя,  
Газаб тўнин кийиб, келар дарёга,  
Дарёлар кўркибон, курир, ёронлар.

Йигилар, йўк бўлар тоғлар, саройлар,  
Юлдузлар тўкилар, кетар бу жойлар,  
Куёш нурсиз чиқар, тутилар Ойлар,  
Тоғлар кўргошиндек эрир, ёронлар.

Одамнинг жонидек ёғар борони,  
Майсадек тупрокдан чиқар инсони,  
Азроил ҳам берар омонат жонни,  
Тўрт фаришта тириладур, ёронлар.

Исрофил сур чалар, чинкириб хар ён,  
Йўк бўлган жасадлар, айрилишган жон,  
Кесилган томирлар, курук устухон,  
Аксириб-аксириб турар, ёронлар.

Бир ёндан сўрок бор, бир ёндан жавоб,  
Бир ёндан оташ бор, бир ёндан азоб,  
Бир ёндан мезон бор, бир ёндан хисоб,  
Килган ишинг бир-бир сўрар, ёронлар.

Динга кувват дерлар фарзни, суннатни,  
Етмиш фирка турар, кўринг миллатни,  
Ўн икки гуруҳда Расул уммати,  
Хар бири бир жинсда турар, ёронлар.

Кўлсиз турар "кўшним ёмон" деганлар,  
Тўнгиз бўлиб турар намоз кўйганлар,  
Закотсизнинг корни илон, чаёнлар  
Тўлубон, козондай кайнар, ёронлар.

Эрта очилади беркилган сирлар,  
Ёлгондан гувоҳлик берган эсарлар,  
Энсадан бўғизга қадар кесарлар,  
Ўтли гурзи билан урар, ёронлар.

Жабр этган хокимлар бўларлар кўзсиз,  
Кўриб, айтмаганлар коларлар тилсиз,  
Зинокорлар боши корнида, кўлсиз,  
Оёғи бошида бўлар, ёронлар.

Махшар халки бад бўйлардан ирганар,  
Гунохлари ердан кўкка юксалар,  
Судхўр ичаклари ерда судралар,  
Корни оташ-ўтдан тўлар, ёронлар.

Бу дунёда "маним-маним" деганлар,  
Жабр кўлин халк устига кўйганлар,  
Бир ўт бўлур етим молин еганлар,  
Рўсиё, шарманда бўлар, ёронлар.

Порахўрнинг кўзи бўлмас ўрнида,  
Тиши – сигир шохи, турар бурнида,

Лаби кўкрагида, тили корнида,  
Егани огзидан келар, ёронлар.

Ота-она ранжитганнинг кунлари –  
Ичи-таши ўтдан бўлар тўнлари,  
Халкка расво, ола бўлар танлари,  
Сув ўрнига захар берар, ёронлар.

Ўн иккинчи гурух, кўринглар, нетар:  
Масжид туя бўлиб, минибон кетар -  
Имом бошлаб борар, муаззин хайдар,  
Юзлари ой каби порлар, ёронлар.

Булар чакмок каби Сиротдан кечар,  
Югурик отдек ё пар боглаб учар,  
Эгни етмиш тўнли хур кизни кучар,  
Хасрат кетиб, ишрат келар, ёронлар.

Каломда кўрганин сўзлар тилимиз,  
Ахир, ажал устидадир йўлимиз,  
Махтумкули айтар: бизнинг холимиз,  
Ё Раб, ул кун кандай бўлар, ёронлар?!.

## **УЛ НЕ ОДАМЗОТДИР, БИР ОТ МИНАРЛАР?..**

Не ўн беш аёлдир, ортмас фарзанди,  
Ул ўн беш аёлнинг учи авлоддан.  
Учи эгиз, ўн тўрт эрур пайванди,  
Ул на, жимоъ айлар, на, чикар ётдан?

Ул не халқдир, кўк-фалакка кўнарлар,  
Гохи тушиб, ер юзинда тинарлар?

Ул не одамзоддир, бир от минарлар -  
Узангиси сувдан, жилови боддан?

Мудом сайрон кезар ул тўрт тенгу тўш,  
Бўлар ундан жумла олам юзи хуш,  
Ул тўртнинг биридир мудом сабзапўш,  
Калласи муздандир, оёги ўтдан?

Ул кимдир, ялонгоч, гариб ўтирмиш,  
Овозсиз оламга сўзин айтармиш,  
Огзин очиб, ўзин йаъсга ботирмиш? -  
Сўрасанг, хабар бор сенга хар зотдан.

Махтумкули, солма элга овоза,  
Булар аён турган нарсадир кўз-а,  
Окил эрнинг фахми етар бу сўз-а,  
Ўжат эрмас, бориб сўрмоқ устоддан.

## **БАРИ ОХИРАТГА ЎТДИ, ЁРОНЛАР**

Тўрт минг тўрт юз яшар Лукмон Хакимнинг  
Боши каро ерга ботди, ёронлар,  
Карк бедовли, огир гурзли Рустамнинг  
Ажал жиловидан тутди, ёронлар.

Юсуфнинг армони Яъкуб ёнинда,  
Суйгани багринда, дарди жонинда,  
Кимнинг кадри бордир чархнинг ёнинда,  
Юсуфни кул дея сотди, ёронлар.

Оламга хукм этган Искандар султон,  
Ажал тадбирига топмади дармон,

Тахтин ел кўтарган хукми Сулаймон,  
Колмади дунёда, кетди, ёронлар.

Уч юз ўн уч мурсал, колмади бири,  
Кани Осаф, Сулаймоннинг вазири?  
Кани ул Хак Расул, Хакнинг ўз шери?  
Бари охиратга ўтди, ёронлар.

Махтумкули айтар: Гофил ўтирманг,  
Килча жонни узун Камга ботирманг,  
Ёлгончини хасрат билан ўткарманг,  
Бир фасл даврондир, ўтди, ёронлар!..

## **ХАК МАНЗИЛ БЕРДИ ЖОНА**

Йўк ердан сурат айлаб,  
Хак манзил берди жона.  
Тўккиз ойлаб ўтирдинг,  
Иниб келдинг жахона.

Доясига миндирди,  
Кучди, бўйнин сундурди,  
Суюб, мехрин индирди  
Хариб ота, хам она.

Харис нафсинг тиндирмас,  
Кочар дунё, етдирмас,  
Умринг ўтар, тутдирмас,  
Бу бозингар замона.

Ишкимнинг ели жўшар,  
Аклим тумани шошар,

Сўз бордир: хаддан ошар,  
Кетсанг, бундан у ёна.

Неча жахон яйрармен,  
Бу жахонни найлармен?  
Айб айламанг, сўйлармен,  
Хар сўз келса забона.

Махтумкули: Ё Жаббор,  
Ўзинг бўлгил мададкор,  
Кўхна ишкка янги ёр  
Дардин килдинг бахона.

## ШУНДА ЖАХОНА КЕЛДИМ

Ота белиндан тушдим, она рахмина келдим,  
Кирк куван билан чикиб, бир зарра кона келдим,  
Бир мохийи бежонман, дарё-уммона келдим,  
Тўрт ой, ўн тўрт соатда тирилдим, жона келдим,  
Тўккиз ой тамом бўлди, шунда жахона келдим.

Отам, онам суйдилар, кўтардилар кучокка,  
Кийимларим кийдириб, беладилар кўндокка,  
Гохида эмаклардим, гоҳ турардим оёкка,  
Она сутин эмардим, кайрилиб сўлу Согка,  
Икки ёшга етганда, емакка-нона келдим.

Уч ёшимга етганда мен ўйнабон кулардим,  
Беш ёшимда онамдан ул-бул нарса тилардим,  
Етти ёшга етганда дўст-душманним билардим,  
Тўккиз ёшга етганда беш вақт намоз килардим,  
Ўн ёшимга етганда адаб-аркона келдим.

Ўн иккида хар кимга мен бийрон сўз котардим,  
Ўн уч ёшга етганда огир мажлис тутардим,  
Ўн бешимга етганда тийру тўфанг отардим,  
Ўн еттига борганда ишк савдосин кўтардим,  
Ишкнинг савдоси билан суриб, майдона келдим.

Ўн еттидан ўтганда шухрат уйига кирдим,  
Олдим бир нозанини, завк ила сафо сурдим,  
Бу гунчаи гулзорнинг алвон гулини тердим,  
Йигирмага етганда фалак жабрини кўрдим,  
Фалак олди ёримни, ажал-Камхона келдим.

Ўттизга етди умрим, кирди тийру камона,  
Кўнгил хуруж айлади, бўлдим дали-девона,  
От миниб, ярк боглаб, суриб кирдим майдона,  
Рустаи дoston каби саваш килдим мардона,  
Киркка етганда умрим, ўкиб, Куръона келдим.

Киркдан ўтар бўлганда, кетдим эллик ёшимга,  
Келди ўлим нишони, рахна кирди тушимга,  
Хар ким кари деярди, хайрон колиб ишимга,  
Кексайдим, тушкун бўлдим, гавго келди бошимга,  
Кўлга асо кўтариб, тўгри макона келдим.

Олтмишга етди умрим, кўрмас бўлди кўзларим,  
Кексайдим, гамгин бўлдим, кишга дўнди ёзларим,  
Менинг сўзим тутмаслар, хам ўгил, хам кизларим,  
Оламга хуш келмади менинг ширин сўзларим,  
Оламга ёлбормоқдан толдим, амона келдим.

Етмишга борди умрим, йиглар эдим зору зор,  
Кўзимдан ёш кетарди, мисли абри навбахор,  
Кулоқларим беркилиб, кўзларим тутди губор,  
Ховлимга йигилдилар кавму кариндош – ким бор,  
Кийимларим ечилди, тахти равона келдим.

Ётар эдим бистарда, ногох Азроил келди,  
Булбул тилим богланиб, кизил юзларим сўлди,  
Юз минг жафо-жабр ила жисмимдан жоним олди,  
Дунёни пуч кечирдим, барча армоним колди,  
Келди ўлим нишони, ажал-гамхона келдим.

Гассол кўлин ўрабон, жасадим ювдилар пок,  
Ёгоч отга миндириб, элтдилар ул сўйи хок,  
Азроилнинг чангидан рухим бўлибди чок-чок,  
Икки гурзили келди, сахмноку газабнок,  
Рухим таслим этдилар, тирилдим жона келдим.

Сўрадилар: "Эй одам, айт, кўрай холинг надир?  
Дунёда хайр этмадинг, бу кийлу колинг надир?  
Кетдинг шайтон ройига, жавоб-саволинг надир?  
Энди тупрок остида илму камолинг надир?"  
Гурзи солди тепамдан, чўкиб хамона келдим.

Жондан дедим: "Ё Али!" – Топилди Шохимардон,  
Огойи мушкилкушод, ул амири мўъминон,  
Махтумкули дер: жоним айлайн унга курбон,  
Ул Мункару Накирлар турмадилар бир замон,  
Шул ерда Раббим асраб, тўгри макона келдим.

## **МАШГУЛ БЎЛИНГ ТОАТ БИЛАН**

Умр беш кун, манзили уч,  
Давронинг бир соат билан,  
Юрар карвон, чекилар кўч,  
Ётибсан фарогат билан.  
Сен дема: биров кўл чўзар,  
Окиллар мунда иш кўрар,  
Беаклар хангом курар,  
Ишрат истаб, рохат билан.



Кофир нафсу, шайтондир шум,  
Ишлар тутар, айлаб хужум,  
Бир кун чикарсанку махрум,  
Кезма хуш каноат билан.  
Жонга жафо бер, нафсга хай,  
Иш кил, охират гамин е,  
Пайгамбарга саловат де,  
Шавк этсанг шафоат билан.  
Банда бўлсанг, одамзод бўл,  
Жаббор демабдур: "Жаллод бўл",  
Хайр ишлаб бор, озод бўл,  
Уялма хижолат билан.  
Одам ўгли ўзин билмас,  
Нафс пайинда бекор бўлмас,  
Кисматиндан карич колмас,  
Кезсанг юз хаёлот билан.  
Махтумкули дер: эй ёрон,  
Халк тутган ишга мен хайрон,  
Кечар фурсат, ўтар даврон,  
МашКул бўлинг тоат билан!

### **ЙИГЛАМАСДАН, КУЛГАН БОРМИ?..**

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Йигламасдан, кулган борми?  
Ёлгончи – фоний дунёда  
Кетгач, кайтиб келган борми?

Фалак, кимларни шод этдинг,  
Кимни гамдан озод этдинг,  
Бир нечаларни мот этдинг,  
Сендан рози бўлган борми?

Кимдир вафо тухмин экар,  
Кимдир ажал захмин чекар,  
Кимни гамдан озод этар,  
Саргаймасдан сўлган борми?

Билдим бу дунё чоғлигин,  
Гам-гафлатда турмоқлигин,  
Хаста бўлмасдан, Соғлигин  
Ўаниматин билган борми?

Бу дунё икки бўлакдир,  
Бири каро, бир оқдир,  
Манзил икки, йўл йироқдир,  
Унинг фикрин килган борми?

Махтумкули, келар, кечар,  
Бу гузарда кўнган кўчар,  
Йигитлик чирोगи ўчар,  
Бул сўзимда ёлгон борми?..

## **ХАКНИНГ ЁДИН АЙТГАН ОДАМ, БИЛ, ЎЛМАС**

Хар нокасга жон чекмоғинг абасдир,  
Кайт химматдан, сенга харгиз эл бўлмас.  
Бўстон сайри хар одамга хавасдир,  
Хар сабзадан, хар райхондан гул бўлмас.

Муханнаснинг харгиз бўлмас кўнгли соф,  
Марднинг ишин кўриб, айлармиз инсоф,  
Бехудадир ани тутганинг муоф,  
Номардга мард бўлган киши эл бўлмас.

Бошингга келганин бандадан билма,  
Агар одам бўлсанг, бехуда елма,  
Яхшиларга эргаш, изидан колма,  
Бу йўлда тоғ билган харгиз чўл бўлмас.

Гийбат билан юзинг терисин шилма,  
Харгиз шайтон билан нафсингга уйма,  
Зинхор, эрсен, Хакнинг ёдини кўйма,  
Хакнинг ёдин айтган одам, бил, ўлмас.

Махтумкули, тушни яхши кил таъбир,  
Рози бўл, номинга не ёзса тақдир,  
Одам бўлсанг, берма холингга тағйир,  
Кишига бу йўлдан яхши йўл бўлмас.

## **ОДАМДАН ДУНЁДА КОЛСА БИР НИШОН**

Одамдан дунёда колса бир нишон,  
Ўчмас оти унинг шул бунёд билан,  
Хароб бўлмай колмас бунёди макон,  
Не суд етар унга курук от билан.

Ўлимнинг фикридан бўлмагин Гофил,  
Кўп ани фикр этгай, ким бўлса окил,  
Дунё бунёдига кўймагил кўнгил,  
Йикар ажал, бир пуфласа бод билан.

Умринг бўлсин беш юз йилдан зиёда,  
Рикобингда душман юрсин пиёда,  
Ўзинг хам савсандан бўлгил озода,  
Сафар килгунг бир кун ёғоч от билан.

Бир кун кабринг кўриб, хасрат айларсен,  
Дунёнинг ишратин нечун тиларсен?  
Фалакнинг ўйинин бир кун кўрарсен,  
Кариндош этганда сени ёт билан.

Окил киши кўймас Тангрини ёддан,  
Эътибор айламас хазину шоддан,  
Махтумкули, бир кун кетгунг хаётдан,  
"Водариго, дариг!" хам "Хайхот!" билан.

## АК УЧУН

Эй Яратган, муродимга етказгил,  
Ё жамолинг, Жалилуллох, Хак учун.  
Карамингдан икболингга даст бергил,  
Аввал Одам Сафийуллох, Хак учун.

Одоби-аркони, шарму хаёси,  
Далилу бурхондир унинг гувоси,  
Оламини гарк этди Нухнинг дуоси,  
Дўстинг Нуҳи Набийуллох, Хак учун.

Байтул Мукаддасда, Имрон элинда,  
Отасиз бор бўлган она белинда,  
Кудратинг машхурдир Марям ўглинда,  
Ё Раб, Ийсо ул – Рухуллох, Хак учун.

Кофирлар боккандир ёшлик чогинда,  
Бир ўтга йўликан Дўст фирогинда,  
Бориб роз айтишган Сино тогинда,  
Тури Мусо Калимуллох, Хак учун.

Ўтлабон сувлаган Арши Аълода,  
Кўчкорлар юбориб, килдинг озода,  
Исмоил курбонинг бўлди Минода,  
Ё Иброхим Халилуллох, Хак учун.

Бу йўлда фарк килмас беклар, султонлар,  
Эй Койиблар, тўгри йўлга элтганлар,  
Ўн икки имом, етти валий, чилтонлар,  
Хизр, Илёс – Хикматуллох, Хак учун.

Етиб борди ул Меърож калъасига,  
Бурок миниб чикди Арш палласига,  
Бошмоги тож бўлмиш Кўк калласига,  
Ё Мухаммад Расулуллох, Хак учун.

Ёд айлашиб, ўкидилар Куръонни,  
"Алхамду" сураси, "Ёсин", "Тохо"ни,  
Абу Бакр Сиддик – Расул ёрони,  
Умар, Усмон, Асадуллох, Хак учун.

Махтумкули, чорла Раббул-ибодни,  
Дунёю охират бергил муродни,  
Расулуллох кўймиш отин Озодни,  
Отам – Давлат Мухаммад мулло, Хак учун.

## **КИМ АЛЛОХГА ЎГЛИН КАФФОРАТ ЭТДИ?**

Фахм айла сўзимни, ошиқлар боши,  
Ким Аллохга ўглин каффорат этди?  
Халилуллох Хакнинг Каъбатароши,  
Ким ундан сўнг Каъба иморат этди?  
Озик юклатилмас – улоксиз кўч не?  
Олти не, етти не, тўрт недир, беш не?  
Оқдан кора бўлган шарафли тош не,  
Оти недир, хар ким зиёрат этди?  
Билармисен, кандай йўлдир, солинди  
Аввал кайси Мухтор бўлди, олинди?  
Шамъи шуъла урди, ёнди, билинди,  
Ул шамъни Хак кимга каромат этди?

Кимдир, Хотам исмин кўриб Тавротда,  
Йўликибдир тош оёқлар Баротда,  
Билармисен, хаёт оқар зулматда,  
Хизр билан, кимдир, тахорат этди?  
Сувратпараст недир, вафоси хечдир,  
Хабар бергил, Нух кайиги не ишдир?  
Озганга, тўзганга дастгир не кушдир,  
Кимнинг турбатини зиёрат этди?  
Ул не тўртдир, иниб келди султондан,  
Халқлар шухрат топди, бил, неча жондан,  
Кайси малак иниб тушди осмондан,  
Кай Одам ўглига иноят этди?  
Махтумкули, кимдир, бир жойга тушди,  
Ул кимдир, бир кеча дев олиб кочди,  
Неча йилдан сўнгра келди, ковушди -  
Тангри панохида саломат этди?

## **БИЗДАН САЛОМ ЎРОЗМЕНГЛИ ШОИРГА**

Биздан салом Ўрозменгли шоирга,  
Муслмон, куффорнинг фарки кимдадир?  
Ул не кушдир, кўнар одам бошига,  
Унинг кўнар, кўнмас эрки кимдадир?

Кай бандадир, куллуқ этар, зот бўлмас,  
Не ошнодир, минг йил кетар, ёт бўлмас,  
Ул кимдирки, йиглар, кезар, шод бўлмас,  
Кайда сухбат курар, ризки кимдадир?

Идрис шунда кайда курар сухбати,  
Бил, кимдадир ернинг-кўкнинг қуввати,  
Ул не кушдир, олти мингдир каноти,  
Ой-Қуннинг, юлдузнинг эрки кимдадир?

Бош узра осдилар кайси огочни,  
Хак кайси дўстига берди Меърожни,

Бизнинг Пайгамбарга берилган тожни,  
Хабар бергил, шундай бўрки кимдадир?

Беклар, Махтумкули, лисон жўш келди,  
Айт, Ийсо кўкда не шаҳарга елди,  
Пайгамбар кай зотга васият килди,  
Асоси, хиркаси, бўрки кимдадир?

### **ЎЗАЛ ХАКНИНГ ФАЛАГИДИР**

Бошимизга савдо солган  
Ўзал Хакнинг фалагидир,  
Шайтон чикар тингламокка,  
Юлдузлар унинг ўкидир.

Калам ёзганда сархатни,  
Осий ёзмиш биз умматни,  
Одам Атонинг сулбати  
Етти ернинг тупрогидир.

Агар сўзга берсанг кулок,  
Фаришталар турар лак-лак,  
Кўк кўтарган саккиз малак,  
"Ла илаха!" тилагидир.

Халил келди тиг чекмокка,  
Ўглини курбон этмокка,  
Кўймаган конин тўкмokka,  
Жаброилнинг елагидир.

Гург йиглар Яъкуб ёнинда,  
Дулдул Алининг шонинда,

Ийсо эшагин минганда,  
Сигир Мусо уловидир.

Тангри яратди хайвонни,  
Беҳишт кўрмас махшар куни;  
Саккиз хайвоннинг маскани,  
Дерлар, жаннат булогидир.

Ажаб ерлар, ажаб жойлар,  
Кун киздирмас, ботмас ойлар,  
Беҳишт ўтлогини сайлар,  
Ўавзи Кавсар сувлоқидир.

Намруд Хакка ўк ташлади,  
Шаддод бир жаннат бошлади,  
Тўрт юз йиллик бог ишлади,  
Номи ҳам Эрам богидир.

Махтумкули, сўз бокийси,  
Кўзинда гафлат уйкуси,  
Каршида ажал согийси,  
Гофил одам тузогидир.

## **КОДИР ХАККА АРЗ ЭМАСМИ?**

Забонийа малаклари,  
Кўлларинда гурз эмасми?  
Саккиз Аршни кўтарган,  
"Ла илаха!" варз эмасми?

Билмас, кечар ахмоқлик,  
Кайгу, гусса чекмоқлик,



Кўзда ёшин тўкмоклик  
Кодир Хакка арз эмасми?

Умидин узмасин дея,  
Бехуда кезмасин дея,  
Мўминлар озмасин дея,  
Шариат бир марз эмасми?

Этмагил хиёнатни,  
Ютмагил диёнатни,  
Тангрининг омонати -  
Жон танингда карз эмасми?

Махтумкули, гавгомиз,  
Бошдан ошар савдомиз,  
Киёмат кун гувохимиз -  
Суннат билан фарз эмасми?

## **АВВАЛ ОДАМ ИНДИ ДУНЁГА**

Аввал одам инди дунёга,  
Бу дунёни экиб кечди.  
Хар Пайгамбар бир касб этиб,  
Касбин мудом этиб кечди.

Бало келди ланбар-ланбар,  
Дуо килди анбар-анбар,  
Ўз даврида Нух Пайгамбар,  
Нажжор ишин тутиб кечди.

Азроилга жонин берган,  
Унинг билан сухбат курган,

Жаннат ичра тирик кирган,  
Идрис кўйлак тикиб кечди.

То Ийсо келгунча, доим  
Асхоби Кахф ётар коим,  
Хакнинг йўлида Иброхим  
Жонин ўтга ёкиб кечди.

Зоти эгри тузалмади,  
Асли тўғрилар кайтмади,  
Курт Айюбнинг танин еди,  
Иблис шунча нукиб кечди.

Сулаймоннинг олий жохи,  
Тўрт юз курулар боргохи,  
Инсу жиннинг подшохи,  
У хам занбил тўкиб кечди.

Тур тоги деб тушар йўлга,  
Роз айтишар Аллох била,  
Асосини олиб кўлга,  
Мусо кўйлар бокиб кечди.

Кобус тогининг бурнинда,  
Ўглин топмади ўрнинда,  
Юнус баликнинг корнинда,  
"Анта субхон!" ўкиб кечди.

Канъон ичинда кирк йиллаб,  
Кеча-кундуз дуо айлаб,  
Юсуфнинг хидини пойлаб,  
Йўл устида Яъкуб кечди.

Хурмо териб хушк огочдан,  
Ойни икки бўлди Аршдан,  
Расулуллох ул курайшдан,  
Не жафолар чекиб кечди.

Олдилар жаннат айвонин,  
Хак йўлдош этди иймонин,  
Бир неча имомлар конин  
Карбалода тўкиб кечди.

Сўзим ёкар Хак дўстига,  
Кор этмас дунё мастига,  
Душман жафоси дўстига,  
Ўйсиз ерда букиб кечди.

Махтумкули, хар ким хосдир,  
Иши даргохга ихлосдир,  
Бизга улардан меросдир,  
Хар дўстига тегиб кечди.

## **КУНЛАР, ХЕЙ!..**

Билмадим, йигилдим, турдим еримдан,  
Бошимга ўй келиб, жўшган кунлар, хей!  
Акл-фикрим тошди ери-ериндан,  
Саримдан окибон ошган кунлар, хей!

Куллуқ айлаб, коим хизматда турди,  
Малаклар сайринда унга ер берди,  
Одам саждасинда такаббур килди,  
Азозилга тавки тушган кунлар, хей!

Уммати Пайгамбар юрди Куръонга,  
Хабибим нур солди олам-жахонга,  
Бурок отни минди, келди осмонга,  
Раф-раф миниб, Меърож ошган кунлар, хей!

Харибам, ошикам, мусохиб дардам,  
Ўтганни ёд этиб йигларман хар дам,  
Жаннат армонинда отамиз Одам,  
Хавво айтар: "Шайтон тушган кунлар, хей!"

Етти кунда Хакдан улуш олдилар,  
Иброхим Пайгамбар бўлиб келдилар,  
Манжаникка боглаб, ўтга солдилар,  
Иброхим дер: "Ўтга тушган кунлар, хей!"

Нохак жабри кўпдир кўхна жaxonнинг,  
Хак ишига сарф эт, бўлгунча жонинг,  
Ухуд урушида ул Мустафонинг  
Икки тиши шахид тушган кунлар, хей!

Кофирлар касд этди Расул жонига,  
Расул дуо килди дунё молига,  
Тоглардан икки тог Расул ёнига  
Олтин-кумуш бўлиб тушган кунлар, хей!

Юсуф – сохибжамол, Яъкуб ўглинда,  
Ожиз колди кардош туккан элинда,  
Огалари озиб шайтон йўлинда,  
Юсуф дер: "Зиндонга тушган кунлар, хей!"

Махтумкули, дардда колдим тилимдан,  
Келган микдорини ёздим элимдан,  
Хазрати Пайгамбар тутиб кўлимдан,  
Сахобалар билан кўшган кунлар, хей!

## ШУКР ХАККА, БИЗ ХАМ БУ ЙЎЛГА ТУШДИК

Шукур Хакка, биз хам бу йўлга тушдик,  
Кечирдим, бир неча айёмни кўрдим.  
Маърифатнинг дарёсига етишдик,  
Орифлар тортарлар, юз гамни кўрдим.

Хизр сайрон этар кудрат оламин,  
Мусо ўқир хакикатнинг каломин,  
Етти кун олмамиш Тангри саломин -  
Кутбул-актоб номли бадномни кўрдим.

Тоза тобон бўлган умрим чироги,  
Киш аёзи тегса, кўкармас боги,  
Кўз солиб каршида бир неча согий,  
Хар бири ўйнатар юз жомни кўрдим.

Йигладим, йигилдим, тутдим кўлини,  
Тўрт пешвоси билан хазрат Алини,  
Санжар Хон, Салим Шох, етти валийни,  
Бир сахар ўн икки имомни кўрдим.

Сулаймонни кўрдим, ётур айвонда,  
Бир неча гойиблар жам бўлмиш онда,  
Кулзум дарёсида, тубсиз уммонда,  
Али, Хотам солган лижомни кўрдим.

Корун бу дунёни олди мол билан,  
Иблис осий бўлди, келмас йўл билан,  
Саманган шахрида ботир Зол билан,  
Дев билан жанг солган Рустамни кўрдим.

Махтумкули, фармон бўлди Аллохдан:  
Ерга иниб келди Арши Аълодан -  
Жаброил келтирмиш улуг даргохдан,  
Мухаммадга инган Каломни кўрдим.

## ИККИ ДУНЁНИНГ СУЛТОНИ

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Икки дунёнинг султони,  
Рўзи азалда яратди  
Расул жасадинда жонни.

Ерда Мусонинг Туридан,  
Кўкда бихиштнинг хуридан,  
Яратди Расул нуридан,  
Ой-Кунни, Еру Осмонни.

Орзу айлаб гул рухсоринг,  
Кездим тогинда аброрнинг,  
Сўрогини солиб ёрнинг,  
Гашт этди кўнглим дунёни.

Аклим хайрон бўлиб шошдим,  
Охир бир ерга етишдим,  
Олтмиш олти тогдан ошдим,  
Кечдим ўн икки дарёни.

Махтумкули, бекарорсан,  
Бу не ўтдир, сен ёнарсан,  
Хар нарсадан беканорсан,  
Билмассан суду зиёни.

## **ЎЛМОК ХАК, ТИРИЛМОК ХАҚДИР**

Эй ёронлар, Одам ўгли  
Бўз тупрокдан бўлмок ҳақдир.  
Асли хокдан унган одам,  
Яна хокка бормок ҳақдир.

Каломда хар иш баёндир,  
Барча иш Хакка аёндир,  
Инонсанг, санга иймондир,  
Ўлмок ҳақ, тирилмок ҳақдир.

Айюб бўлмадинг сабрда,  
Тогатинг йўқдир жабрда,  
Мункар, Накирлар кабрда  
Сўрок-савол килмок ҳақдир.

Килган ишларинг сўрарлар,  
Кун кизир, мезон қурарлар,  
Туг чекилар, алам ўрлар,  
Ёвуз кунлар келмок ҳақдир.

Махтумкули, озсанг йўлинг,  
Ул кун нечук кечар холинг?  
Бу кун зўрлаб олган молинг,  
Эрта кайтиб бермок ҳақдир.

## **НЕ САВДОЛАР КЎРАЖАҚДИР!..**

Одам ўгли, бу дунёга

Кўймас сени, олажакдир.  
Халол-харом йиккан молинг  
Сўнгра сендан колажакдир.

Харчандки яшасанг узун,  
Яхши-ёмон колар сўзинг,  
Хумор кўзинг, гулдек юзинг  
Хазон уриб, сўлажакдир.

Тандан жудо бўлар конинг,  
Бекор колар устихонинг,  
Шунча йилки турган жонинг,  
Айри-бошка бўлажакдир.

Ўтди ёзинг, келди кишинг,  
Намоз, рўза бўлсин ишинг,  
Бу дунёда султон бошинг  
Не савдолар кўражакдир.

Бу дунёга келган жонлар,  
Бири бирига меҳмонлар,  
Хўжа-саййид, беку хонлар,  
Охир сўнги ўлажакдир.

Хизмат кил Кодир Худога,  
Умрингни ўтказма зоя,  
Эшиксиз, туйнуксиз жойга  
Бир кун элтиб солажакдир.

Бархам бўлар, колар жойинг,  
Бузилар кўшқу саройинг,  
Яратган кодир Худойинг  
Танхо Ўзи колажакдир.



Махтумкули – осий кулинг,  
Куфр сўздан сакла тилинг,  
Киёматда тўгри йўлинг,  
Сирот кўприк бўлажакдир.

## МАККАДАН ЧИҚДИ БИР ГЎЗАЛ

Маккадан чикди бир гўзал,  
Мадинага равон бўлди.  
Кўрган тож этди сарига,  
Кўрмаган багри кон бўлди.

Хакдан унга инди Калом,  
Оти – Шамчирогул-Ислом,  
Мутеъ бўлди жумла олам,  
Шундай сохибзамон бўлди!

Дўстга етди бора-бора,  
Етти кўкни ёра-ёра,  
Кимки мункирдир ул ёра,  
Кофирдир, бегумон бўлди.

Кўл кўтариб, Расул йиглар,  
Какшади гунчалар, боглар,  
Бадр урушинда тоғлар  
Етти ойлаб тумон бўлди.

Саф курди ботир жангчилар,  
Савашга чикди занжилар,  
Конга ботди узангилар,  
Алининг дасти кон бўлди.

Мукотил этмади ташвиш,  
Али билан солди дўвуш,  
Тупрок, темир, пўлат, кумуш  
Калъалари вайрон бўлди.

Махтумкули, Румистонга,  
Чалди килич, Хиндистонга  
Бадахшону Туркистонга,  
Етти иклимга хон бўлди.

### **МЕН АНДА КУЛИНГ БЎЛДИМ**

Йўқдан борга келтиринг, мен анда кулинг бўлдим,  
"Аласту би Раббикум?" деганда кулинг бўлдим,  
Ирода диёринда, адамда кулинг бўлдим,  
Гар фоний-у гар бокий – хар канда кулинг бўлдим,  
Мушти хокка жон бердинг, бир зинда кулинг бўлдим,  
Жонни тандан айирсанг, бир мурда кулинг бўлдим,  
Хар хафта, хар соатда, хар дамда кулинг бўлдим,  
Хар йилдаю хар ойда, хар кунда кулинг бўлдим,  
Гар ишрат била юрдим, гар гамда, кулинг бўлдим,  
Худоё, мен не осий, шарманда кулинг бўлдим!

Ушбу дорул-фанода йўқдир манимдай бадкор,  
Бари Сенга аёндир, не хожат килмок изхор,  
Яхшидан йирок колиб, ёмон билан бўлдим ёр,  
Борми гуноҳ дардига, ё Раб, мендай гирифтор,  
Бу журм ила келибман, даргохингга, ё ўаффор,  
Юзим йўқдир айтарга холимни мен шармисор,  
Сен бўлмасанг нигоҳдор, кимдир манга мададкор? -  
Санингдай ўаффорим бор, жахонда не гамим бор,  
Юрагимда не орим, не кўнглим ичра карор,  
Худоё, мен не осий, шарманда кулинг бўлдим!

Гўёки мен сарбонмен, карвон изин йитирган,  
Ўнгу сўлим билмайин, йўл устинда ўтирган,

Ё Раб, мени, бормикин, бир манзилга етирган,  
Бошим йўлинда кўрсин бу ишларни битирган,  
Мен эрмасмен Хожамга куллуқ бажо кетирган,  
Ўзи эрур бандани уйготгану ётирган,  
Шиноварлик билмасмен, теран дарё ботирган,  
Ё Раб, таниб айтгайму бир канорда ўтирган,  
Йўқмиш мендай жахонда умрин гофил ўтурган,  
Худоё, мен не осий, шарманда кулинг бўлдим!

Дунё кайгуси бирла бўлди каро бағрим кон,  
Охиратни унутдим, елдим, югурдим хар ён,  
Бир дардга дучорманки, сийнамда эрур пинхон,  
Топилгайму сўратсам, ё Раб, бу дардга дармон,  
Билган давосин этди хар бандаи мусулмон,  
Билдим, килмас иложин юз йил уринса Лукмон,  
Тилим бормас тилакка, кўнгил юз минг паришон,  
Лутф айлагин, ё Субхон, хасрат била борди жон,  
Барча мушкул ишларим Сен Ўзинг айла осон,  
Худоё, мен не осий, шарманда кулинг бўлдим!

Махтумкули, хатодан гайри кўлдан иш келмас,  
Чўмдим гуноҳ чашмига, юрак кайнаб жўш келмас,  
Хайр йирок хаёлдан, шарр кўнглимдан таш келмас,  
Масти дунё бўлибман, ақл кетар, хуш келмас,  
Кўркарман, ул даргоҳга зори килсам, хуш келмас,  
Бағрим андоқ киймадир, уҳдасиндан тош келмас,  
Тошдан батар котибмен, кўзларимдан ёш келмас,  
Ижобат нишонига ниёз ўқим дуч келмас,  
Ихлос билан тиланган даргоҳингдан бўш келмас,  
Худоё, мен не осий, шарманда кулинг бўлдим!

### **ХАЙРОНДА КЎЙМАГИЛ, Ё ЗУЛЖАЛОЛИМ!..**

Ё яратган Кодир, кудратли Жаббор,  
Армонда кўймагил, ё Зулжалолим!  
Нафсимнинг раъйинда, карамли Гаффор,  
Фармонда кўймагил, ё Зулжалолим!

Таним дардли килма, ўзимни Халлож,  
Кўнглим кенг эт, кўйма очу ялангоч,  
Золилга дуч этма, номардга мухтож,  
Ўаммонда кўймагин, ё Зулжалолим!

Саклагил кайгудан, гамдан, меҳнатдан,  
Холи килма дунёликдан, давлатдан,  
Навмид этма шафоатдан, раҳматдан,  
Дармонда кўймагил, ё Зулжалолим!

Аё Кодир, Сендан кудратли ким бор,  
Караминг кучлидир, гунохим бисёр,  
Бир золим кўлинда айлаб гирифтор,  
Хайронда кўймагил, ё Зулжалолим!

Махтумкули, шарр хам бўлса шонимда,  
Хайр-а кайтар, армон кўйма жонимда,  
Аввал-охир, дўст-душманнинг ёнинда  
Шарманда кўймагил, ё Зулжалолим!

## **ЭГАМ, СЕН ЛУТФ ЭТИБ, КУТКАРГИЛ УНДАН**

Жалил-эй, Жаббор-эй, Ўзинг биларсан,  
Жахон ичра журмим чикардим чандон.  
Бандаман, не килсанг, Ўзинг киларсан,  
Гунохим куч олиб, босди кун-кундан.

Даргохингдан дармон тиланай неча,  
Узун умрим саъйин сарф этдим хеча,  
Юк огир, йўл йирок, коронгу кеча,  
Жон хам жавлон урар чикмокка тандан.  
Роҳрав эдим, монда бўлиб ўтирдим,

Карамингга сизгиниб, панох ўтиндим,  
Йўлдошим йўкотдим, йўлим йитирдим,  
Нафс инсофдан кетди, шум шайтон – диндан.

Хосилим исендир гандалигимдан,  
Ўлим осон эрур зиндалигимдан,  
Шарманда-осийман бандалигимдан,  
Сенга лойик амал келмади мендан.  
Хасрат билан кечдим, хайронда колдим,  
Даргохинг далдадир, сизгиниб келдим,  
Нафс ила шайтоннинг поймоли бўлдим,  
Эгам, Сен лутф этиб, куткаргин ундан.

Ихлосимни соф кил, ёлгоним йўк эт,  
Тилимни дароз кил, юзимни ок эт,  
Хатардан хифз айла, харомдан пок эт,  
Тавфикинг ёр айлаб, тавба бер чиндан.  
Махтумкули, ошнолик бер ишк ила,  
Сийнамга сир била, кўзга ашк ила,  
Аъмолим англасам, колдим мушкила,  
Жойим йўк, айрилиб борорга Сендан.

## ОЗОДИЙ БИЛАН АЙТИШУВ

(Ота-ўғил мусохабати)

Озодий:

- Шайтоннинг кайси ўглидир,  
Одам Ато билан тушди?  
Хакнинг Расули – Пайгамбар  
Хайбарда канча урушди?

Махтумкули:

- Шайтоннинг Ханнос ўглидир,  
Одам Ато билан тушди.  
Хайбар тогинда Пайгамбар  
Чун етти ойлаб урушди.

- Хозир эгаси Дулдулнинг,  
Билармисен, кимдир, билинг?  
Кайси кун Кобил Хобилнинг,  
Ўлдириб, конини ичди?

- Хозир эгаси Дулдулнинг,  
Малак фариштадир, билинг.  
Шанба кун Кобил Хобилнинг,  
Ўлдириб, конини ичди.

- Недир, калкиб, хава учди,  
Нимасиндан ерга тушди?  
Неча кунда Нухнинг кишти  
Жунуд тогига етишди?

- Дарё калкиб, хава учди,  
Кўпигиндан ерга тушди,  
Етмиш кунда Нухнинг кишти  
Жудий тогига етишди.

- Рум шахрининг сардори  
Кайда солдирмиш гулзори?  
Кайси калъанинг девори  
Мухаммад-ла меърож ошди?

- Шаддод Румнинг сардори,

Шомда солдирмиш гулзори,  
Мукаддас шаҳар девори  
Мухаммад-ла меъроҷ ошди.

- Озодий айтадир; етмиш  
Недир, бу дунёни тутмиш?  
Кайси Пайгамбардир йитмиш,  
Кайда кардошина тушди?

- Махтумкули айтар; етмиш  
Иклимдир, дунёни тутмиш,  
Юсуф Пайгамбардир йитмиш,  
Мисрда кардоша тушди.

## **МАСЖИД ИЧРА БИЛОЛ БОР**

Саҳар турди Пайгамбар,  
Масжид ичра Билол бор,  
Чикди Билол ичкаридан,  
Кўрди икки ҳалал бор.

Довуд кўлинда пўлат,  
Юмшаб-котар, не холат,  
Ул етмиш икки миллат,  
Юзда ўн тўрт далол бор.

Чоранг йўк, бетобдирсан,  
Тонгла не жавоб дерсан,  
Не учун ҳаром ерсан? -  
Ҳақ бергани ҳалол бор.

Етти дарвиш – аҳли хол,

Исфандиёр, Рустам, Зол,  
Кирк ошик бор, кирк абдол,  
Хар бошда бир хаёл бор.

Махтумкулининг банди  
Даштдир, эшит бу панди,  
Барча ишнинг сарбанди -  
Яратган Зул-жалол бор.

## ТУРДИ ШОИР БИЛАН МАХТУМКУЛИ АЙТИШУВИ

Турди шоир:

- Биздан салом Махтумкули устода,  
Отамиз Одамнинг тўнин ким бичди?  
Туманли бошингга қурбон бўлайин,  
Такдирдур, бас, хийла майин ким ичди?

Махтумкули:

- Биздан жавоб бўлсин Турди шоирга,  
Жаброил келтирди, ризвонлар бичди.  
Кудрат билан, ул шайтоннинг шарбатин  
Одам Ато, Хавво Онамиз ичди.

- Оламнинг теграси не рангли тогдир?  
Ул не кушдир, доим анда тузокдир?  
Ошиклар севгувчи бу не булокдир,  
Хафтайил абвобин бориб, ким очди?

- Коф тоги забаржад, ранг-баранг тогдир,  
Какнус бир куш, доим унда тузокдир,  
Мукосот дейдилар, ажаб булокдир,  
Хафтайил абвобин ошиклар очди.



- Таъламун тогида кимлар кездилар,  
Мўъмин мунда, Барот унда ёздилар,  
Шомихотда Бурок оти туздилар,  
Неча йилда ердан кўкка етишди?

- Таъламун тогинда сохид кездилар,  
Мўъмин мунда, Барот унда ёздилар,  
Шамихотда Бурок оти туздилар,  
Хар кирк йилда Зухро кўкка етишди.

- Тангрининг жахонда, бил, тоги неча,  
Беҳиштда Тубонинг бутоги неча,  
Юзининг машининг вароги неча,  
Беҳиштнинг калити, айт, кимга тушди?

- Етти иклим бордир, еттидир тоги,  
Етмиш мингдир ул Тубонинг бутоги,  
"Ла илаха" бўлар машин вароги,  
Беҳишт калити Расулulloхга тушди.

- Бил, кайда яратди саккиз жаннати,  
Неча биноти бор, неча гумбади,  
Неча ариги бор, нимадир оти,  
"Тойрон абобил"лар кимга ковушди?

- Осмонда яратди саккиз жаннати,  
Олти минг бинодир, бирдир гумбади,  
Ичинда тўрт арик, Мусаввар оти,  
"Абобил" "Асхобил" билан ковушди.

- Бил, кайда яратди Сакар дўзахи,  
Неча кудуги бор, неча булоги,  
Ичинда бир илон, недир сўроги,  
Кудрат билан ул мор кимга дўлашди?

- Етти кат ердадир Сакар дўзахи,  
"Вайл"дир кудуги, "Сижжийн" булоги,  
Карич илон, гийбатчидир сўроги,  
Ёлгончи, зинокор, ўгри дўлашди.

- Турди шоир айтар: Йўллар узокдир,  
Мен билмайман, фоний кимга тузокдир,  
Шархини билмасанг, жойинг дўзахдир,  
Тўксон тўккиз минг эр кайда ковушди?

- Махтумкули, ишк майдони узокдир,  
Фоний дунё мўъминларга тузокдир,  
Аллох билар, кимнинг жойи дўзахдир,  
Тўксон тўккиз минг эр Сурда ковушди.

## **МАХТУМКУЛИ БИЛАН ЗУНУБИЙ АЙТИШУВИ**

Махтумкули:

- Ул не гавхар, бўлсин анинг баёни,  
Ё муаллим, бизга шундан хабар бер!  
Не сандикдир анинг манзил-макони,  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

Зунубий:

- Иймон гавхар, шулдир анинг баёни,  
Устод десанг, биздан хабар шундайдир.  
Кўнгил сандигидир манзил-макони,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Не товусдир, анинг бўлсин баёни,  
Кайси манзил эрди анинг макони,  
Ул не устод эрур, недир дўкони,

Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Расул нури – товус, бўлди баёни,  
Шажаратул-якийн эрди макони.  
Кодир Аллох – устод, кудрат – дўкони,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Неча айём ўшал манзилда бўлди?  
Фахм айлабон сўзла, неча иш килди?  
Беш вақт намоз асли не бешдан келди?  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Етмиш минг йил ўшал манзилда колди,  
"Миръот ал-Хайга" ул бир назар солди,  
Ўз суратин кўриб, беш сажда килди,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Неча маъбуд бир Маъбуддан босилди?  
Кайси исбот бўлди, кайси "Ло" бўлди?  
Ислом дини недан кувватли келди?  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- "Ла илаха иллаллох" деб битилди,  
Уч юз олтмишта бут Каъбада ўлди.  
Ислом дини сўнгра кувватли келди,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Ул не дарё, кирган чикмагай зинхор?  
Не манзардир, Хакнинг назар-нури бор?  
Фахми шумор ила килиб ихтиёр,  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Онт – бир дарё, кирса чикмас хар банда,  
Назаргох бор хар мўъминнинг кўнглида,  
Уч юз олтмиш назар айлар Хак кунда,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Ул не богдир, анда мева топилмас?  
Не булутдир, анинг борони бўлмас?  
Не зулматдир, камар шуъласин солмас?  
Устод бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Амалсиз олимлар – богдир самарсиз,  
ЁКмас булут – осийлардир хабарсиз,  
Куффор ахли бир зулматдир, камарсиз,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Не ердан килди Хак Одамнинг бошин?  
Не манзил хокиндан айлади тишин?  
Не ердан айлади бу кўнгил хушин?  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Байтул Мукаддасдан килди бошини,  
Кавсар тупрогидан килди тишини,  
Фирдавснинг хокидан – кўнгил хушини,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Оёкларни бир-бир аён айлагил,  
Суякларни бир-бир баён айлагил,  
Чашми не ердандир, баёнин дегил,  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Оёкларин Хиндистондан айлади,  
Суякларин Догистондан айлади,  
Чашмин Хавзи ул бўстондан айлади,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Муборак жамоли, айт, недан бўлди?  
Кўлларининг хокин не ердан олди?  
Баён айла, тилин не ердан килди?  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Жаннат тупрогидан килди жамолин,  
Ўнг кўлин Каъбадан, Форсдан чап кўлин,  
Тоиф тупрогидан ул ширин тилин,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Не хуккадир, не баррадир жихори?  
Не булбулдир, не аждардир, не бўри?  
Не чўпондир, бокар лайлу нахори?  
Устод бўлсанг, бизга шундан хабар бер!

- Кўнгил хуккасинда барра иймондир,  
Нафсинг аждарходир, бўри шайтондир,  
Тоъатинг булбулдир, аклинг чўпондир,  
Бизни устод билсанг, хабар шундайдир.

- Не куёшдир, хисобини килайлик?  
Неча йилдир кўздан нихон, билайлик?  
Нечук сирдир, сиздан хабар олайлик?  
Махтумкули айтар: шундан хабар бер!

- Расул – куёш, хисобини тутайлик,  
Минг икки юз ўн бир йил деб битайлик,  
Ажал – кўприк, кел, дийдорга ўтайлик,  
Зунубий дер: биздан хабар шундайдир.

**ОХИРАТ ЙЎЛДОШИНГ –ИЙМОН, ДЕДИЛАР**

Ётиб эрдим гамда, келди эранлар,  
Тургил, хо, ўрнингдан, уйгон! – дедилар,  
Кўзим очиб, кўрдим жумла жaxonни,  
Шул тургани Шохимардон, дедилар.

Эранлар жам бўлиб, бозор этдилар,  
Мунофиклар туриб, хазар этдилар,  
Али бобом бизга назар этдилар,  
Бир коса май бериб, ичгин, дедилар.

Уйғониб гафлатдан, очдим кўзимни,  
Эранлар пойига сурдим юзимни,  
Ўқитдилар, ҳақ сўзладим сўзимни,  
Саксон минг каломи баён, дедилар.

Эранлар жам бўлиб, бундан кўчдилар,  
Сирот кўпригидан бир-бир кечдилар,  
Ул Хавзи Кавсардан шароб ичдилар,  
Ичган шахбозларни султон, дедилар.

Махтумкули, сўзла бу ширин тилда,  
Умидим кўпдурур шул турган йўлда,  
Беш вақт намозингни ўқи хар кунда,  
Охират йўлдошинг – иймон, дедилар.

## **РАСУЛ СЎЗИ БИР-БИР КЕЛДИ, ЁРОНЛАР!**

Замон охир бўлди, алхазар айланг,  
Расул сўзи бир-бир келди, ёронлар.  
Колмади адолат беку хонларда,  
Юртда зулму ситам тўлди, ёронлар.

Олимлар илмига амал этмади,  
Куръон ўкиб, маъносига етмади,  
Элга айтиб, ўзи бирин тутмади,  
Элдан пинхон гуноҳ килди, ёронлар.

Козилар хукмини риё айлади,  
Ришват олиб, юзин қаро айлади,  
Ўзининг жонига бало айлади -  
Гўрга илон-чаён тўлди, ёронлар.

Бир неча гумроҳлар иймон айтдилар,  
Иймонини кўй-кўзига сотдилар,  
Бўйни йўгонларни мурид тутдилар,  
Ёлгон сўз иймонин олди, ёронлар.

Бир неча кофирлар тарози тортар,  
Нафсининг изинда ит қаби йўртар,  
Ортик айлаб, ўтга жонларин отар,  
"Вайл" деган чоҳда қолди, ёронлар.

"Вайл" деган бу чоҳ дўзах остинда,  
Наъра тортар тарозибон қастинда,  
Очилар эшиги дўзах устинда,  
Тарозибон холин билди, ёронлар.

Бечорадир судхўр, бир неча аҳмак,  
Ул иш билан бўлар қофири мутлак,  
Гўридан ўт чиқар, нечоғли бу ҳақ,  
Судхўр замонаси келди, ёронлар.

Тавба қил, Фирогий, охирзамондир,  
Бу ишлар ҳар қимда бўлса, ёмондир,

Иймонли кул икки дунё омондир,  
Гул очилиб, чаман сўлди, ёронлар.

## ТАНГРИ СЕВГАН МУХАММАДНИНГ УММАТИ

Тангри севган Мухаммаднинг уммати:  
"Бисмиллох" деб аввал Хакни ёр чекар.  
Бейймонлар харгиз кўрмас жаннатни,  
Дўзах ичра кўп азоблар бор, чекар.

Гам чекиб, охират уйин тузганлар,  
Хакакатни, шариатни туз тутар,  
Жафо чекиб, Хак йўлинда кезганлар,  
Сахар туриб, тоатларин ир чекар.

Одам ўгли, киёмат кун бўлганда,  
Мўъминнинг гунохи колмас танинда,  
Пулсирот устинда, хайхот кунинда,  
Сўфийларни кароматли Пир чекар.

Тар очилган тоза гуллар сўлганда,  
Азроил одамнинг жонин олганда,  
Киёмат охири махшар бўлганда,  
Судхўрларни, гийбатчини нор чекар.

Сафаркашлар йирок йўлдан кайтганда,  
Огир юкли шутурлари хайронда,  
Логар чўкиб, юки колса майдонда,  
Музламасдан, катордаги нор чекар.

Майдон ичра бориб саваш курилса,  
Тоблантириб, араб отлар сурилса,



Бир бўз йигит колиб, бўйни бурилса,  
Унинг орин от юракли шер чекар.

Кимлар кезар Биру Борга ёлбориб,  
Кимлар кезар хакакатда йўл юриб,  
Бир бечора кўрса – турган термулиб,  
Унинг ишин бир хакикий эр чекар.

Махтумкули, ишинг тушса мард билан,  
Номард ботир бўлмас, жадал-шарт билан,  
Дуч келганда хамрох бўлсанг гург билан,  
Харчанд бўлса, от устинда ор чекар.

## **ДОД ЭТИБ, СИРДОШИНГ КОЛАР**

Гофил одам, кетар бўлсанг,  
Карамли йўлдошинг колар.  
Жаллод келиб жон олганда,  
Йиглашиб кардошинг колар.  
Танда мехмон – азиз жонинг,  
Козонгил нури иймонинг,  
Суфра ёйиб, тўккил нонинг,  
Бу дунёда ошинг колар.  
Жаллод ханжарин солганда,  
Азроил жонинг олганда,  
Икки сўрокчи келганда,  
Бошда аклу хушинг колар.  
Бу дунёни тутма кизгин,  
Йўлдан чикиб, бўлма озгон,  
Бевафодир, умид узгин,  
Хок кувонар, лошинг колар.  
Номахрам кўрган кўзларинг,  
Шул Гийбат килган сўзларинг,  
Бўзлашар ўгил-кизларинг,  
Гўрга кириб, гўшинг колар.  
Борсанг иймонингни олиб,  
Ул беш газ бўзга ўралиб,  
Кора тупрокка беланиб,

Замин ичра бошинг колар.  
Ажал келди, навбат етди,  
Ким хам бу дунёни тутди,  
Махтумкули, умринг ўтди,  
Дод этиб, сирдошинг колар.

## ЧИН ЭРЛАР ИБЛИСНИНГ ЙЎЛИГА КЕТМАС

Кел, кўнгил, бошингни чикар тумандан,  
Якка колдинг гам уйингда дард билан.  
Номард билан узок йўлга кетмагил,  
Бош кўшавер бир таваккул мард билан.

Чин эрлар иблиснинг йўлига кетмас,  
Мунофиклар Хакнинг амрини тутмас,  
Иймон билан шайтон бир уйда ётмас,  
Нечук мадор топар, кўйлар гург билан!

Жон шаҳринда ажал кушлари яйрар,  
Кўнглимнинг дарёси мавж уриб кайнар,  
Гавдор ўгли, тўнгиз билан ит ўйнар,  
Бек боласи шатранж ўйнар нард билан.

Чин ошиқлар бўлмас тилда зиёни,  
Буни билгил, икром саклар иймонни,  
Якин келса, охирзамон айёми,  
Даъво ортар, онт ичарлар шарт билан.

Фирогий дер: етти иклим чўл колар,  
На хон колар, на бек колар, кул колар,  
На тоғ колар, на туз колар, эл колар,  
Дажжол чикар, тарсо, жухуд, курд билан.

## РАББИМ ЖАЛИЛ

Ўн сакиз минг олам ахлин бор эдан Раббим Жалил,  
Кайтариб даргохига хам зор эдан Раббим Жалил,  
Кудрати-ла Арш уйин даввор эдан Раббим Жалил,  
Хайбати-ла фарш уйин хамвор эдан Раббим Жалил,  
Амр этибон, байзани анвор эдан, Раббим Жалил.  
Айри савдога солибон, ройини хар банданинг,  
Хуш ажаб сарришта бирла мурданинг хам зинданинг,  
Бешалар ичра ул арслон, йирткичу дарранданинг,  
Ер юзинда хар наки бор, мўру мор – жунбанданинг,  
Ризкини таксим этиб, тайёр эдан Раббим Жалил.  
Неча Пайгамбарга Сен килдинг атои давлати,  
Имтихон айлаб неча кулларга дарду мехнати,  
Лутф этибон бергач ул Мусога фатху нусрати,  
Динга даъват айлагач, Фиръавн ортиб ширкати,  
Бу жахонда барчани хор-зор этан Раббим Жалил.  
Кимни султон айламиш, кимнинг танида жони йўк,  
Ким эса ишрат билан, кимни емокка нони йўк,  
Кимлари Корун каби йигмиш, хайр-эхсони йўк,  
Хам бу дунё, хам у дунё кимларинг армони йўк,  
Кимларинг ўрнин азобун-нор эдан Раббим Жалил.  
Эй Худо, Махтумкулига лутфу эхсон айлагил,  
Барча уммат журмини афвингда яксон айлагил,  
Максуди дунёю охирни Сен осон айлагил,  
Кашф этиб илми ладунни, ахли ирфон айлагил,  
Беҳабарларга сирин ошкор эдан Раббим Жалил.

## БАРЧАНИНГ БОШИГА ЕТАР БУ ДУНЁ

Хуш кол энди, ёру дўстлар, ёронлар,  
Ишонма, хаммадан ўтар бу дунё.  
Чора топмадилар ўтган валийлар,  
Барчанинг бошига етар бу дунё.  
Бировни шох этар, берар кўп ривож,  
Бир нечалар йиглар, бир пулга мухтож,  
Кимлар чора топмас, ўтар ноилож,  
Хар кимга юз алам тутар бу дунё.  
Назар килса, пора этар тошларни,  
Бир нечага огу этар ошларни,

Бир нечалар олиб азиз бошларни,  
Бир ёт ўлкаларга кетар, бу дунё.  
Нуридан яратди Ийсони Жаббор,  
Эрк Ўзингда, хар на килсанг, Биру Бор,  
Бир Гарибман, Сендан ўзга кимим бор,  
Мени кўп кимматга солар бу дунё.  
Хазрати Одамини айладинг хайрон,  
Ўавво жудо тушди, кўзлари гирён,  
Худога роз айтди хазрати Лукмон:  
«Номардга этмасин дучор бу дунё!»  
Кани ул Искандар, кани Сулаймон,  
Охиринда бўлди жойи гўристон,  
Кани Сухроб, Барзу, Рустами дoston,  
Биридан колдирмас асар, бу дунё.  
Махтумкули, кўнглинда юз кулфат бор,  
Казонинг дамига бўлдик гирифтор,  
Яратган, хор этма, бўлгил хабардор,  
Йўкса, ишим армон этар бу дунё.

## **ХЕЧ КИМ БИЛАН ЙЎЛГА КЕТМАДИНГ, ДУНЁ!**

Бир айбинг бор, айтай сенинг юзингга,  
Хеч ким билан йўлга кетмадинг, дунё!  
Олдин келганларга мухаббат этдинг,  
Сўнги келганларга этмадинг, дунё!

Сўзла энди, кимни баркарор этдинг,  
Неча кадхудони хору зор этдинг,  
Сулаймон тахтини тору мор этдинг,  
Юсуфни кул килиб, сотдирдинг, дунё!

Найладинг султонни, ўлдирдинг хонни,  
Шохи Кайковусни, Рустаму Золни,  
Девларга хукм этган Сулаймон кани? -  
Улар билан бирга кетмадинг, дунё!

Йигит керак, майдон ичра тик бўлар,  
Йигитга ўк билан ёйлар отилар,  
Бобо Умар кетди, кайда кутулар,  
Уни кува-кува сен тутдинг, дунё!

Махтумкули, Сендан кўркар юрагим,  
Хак ёнинда қабул бўлсин тилагим,  
Хасан, Хусайн, Аршу Курси керагим,  
Карбалода шаҳид сен этдинг, дунё!

### **БИР ЗАМОН ХУШ БЎЛИБ, ГАНИМАТ ЮРИНГ**

Бир замон хуш бўлиб, ганимат юринг,  
Дунёнинг вафоси бўлмас, ёронлар.  
Кутулган йўк ажал чангидан, кўринг,  
Жонли Зотдан жон кутулмас, ёронлар.

Дунё аввал-азал маккор, каллобдир,  
Чархи чамбар бозингари каззобдир,  
Дунё бир дарёдир, одам хубобдир,  
Хубоб сувда бокий колмас, ёронлар.

Мушкул сафар бўлар ўлим сафари,  
Ваҳими кўп бўлар, кўпдир хатари,  
Кайтмасдир чопари, келмас хабари,  
Бу сафарга кетган келмас, ёронлар.

Дунё ёлгончидир, хирсу хавасдир,  
Ёлгончига бел богламок абасдир,  
Харомидир, харомзода, нокасдир,  
Бир ахду паймонда турмас, ёронлар.

Махтумкули, дунё фонийдир, фоний,  
Ўасрат манзилидир, ўлимнинг кони,  
Бозоринда мато – одамнинг жони,  
Ундан бошка мато бўлмас, ёронлар.

## **БУ ДУНЁНИНГ ГАВГОСИГА БОШ УРМА**

Бу дунёнинг гавгосига бош урма,  
Ул гавгога кирсанг, чика билмассан.  
Малъун шайтон каби безаб, тош урма,  
Сўнгра махкам бўлар, йика билмассан.  
Тилиннга ўргатмиш Хакни, санони,  
Ранжитмагил ота бирла онони,  
Тоглардан, тошлардан улуг гунохни,  
Огирдир гунохинг, чека билмассан.  
Корнингни тўйдирма харом неъматдан,  
Тилингни саклагил турли гийбатдан,  
Олимларга килма ёвуз тухматдан,  
Корнинг ўтдан тўлар, тўка билмассан.  
Дарвешларнинг бошларини хор этма,  
Ўксикларни йиглатибон зор этма,  
Етимларнинг молин олиб, зўр этма,  
Гунохни гайрига така билмассан.  
Ишк дарёси жўшар – келар саходан,  
Кўнглингни саклагил ёлгон вакодан,  
Ажал келар, тутар бир кун якодан,  
Согингга, сўлингга бока билмассан.  
Яхши ният айла, яхши пеш айла,  
Яхшиларнинг сўзин жонга нўш айла,  
Сафар килсанг, озик керак, дўш айла,  
Ер остинда экин эка билмассан.  
Мискин Махтумкули, ёканг тутавер,  
Хайр айлабон, ул шаробдан ютавер,  
Уммат бўлсанг, Бируборга кетавер,  
Расулнинг юзига бока билмассан.

## **КЎРИНГ ОДАМЗОДНИ, НЕ ХАЁЛ ЭТАР!**

Дўстлар, бел богламанг кўхна дунёга,  
Бу дунё бозингар, билинг, ол этар.  
Ўзингни ташлаюр дарё тубига,  
Олар жонинг, сўзлар тилинг лол этар.

Хуш сўзлагил, бир мусофир дуч келса,  
Хурсанд бўлар, гариб кўнгли бўш келса,  
Мард йигитга ёмон хотин дуч келса,  
Йигит ёшда соч-соголин чол этар.

Камоллик сўзиндан жон бўлар тоза,  
Бегамларнинг шакли ўхшар тўнгизга,  
Бу дунё айланмиш бир чирик хасга,  
Кўринг одамзодни, не хаёл этар!

Йигит бор – карасанг, чўлнинг хайвони,  
Йигит бор – карасанг, жоннинг дармони,  
Мардлардан дунёга келган кайвони,  
Ўзи йил-кун хизматингда йўл этар.

Бир писанд иш чикмас ундан ҳеч сўзда,  
Якину ётини билар бир кўзда,  
Икки хасм шайтон солса ангизда,  
Аро тушса, захар огзин бол этар.

Махтумкули айтар: дунёнинг иши,  
Сўзнинг маъносига етмас хар киши,  
Хар кишининг ўлса туккан кардоши,  
Фалак унинг алиф каддин дол этар.

**ОДАМ ХАВВОСИДАН АЙРИЛМАДИМИ?!**

Нуридан яратди икки азизни,  
Бугдой еб, Беҳишдан айрилмадими?  
Уч юз йил ахтариб, саргардон бўлиб,  
Одам Хаввосидан айрилмадими?

Одам Ато хаж айлади бош билан,  
Юзин ювди кўздан оккан ёш билан,  
Кобил урди ул Хобилни тош билан,  
Ини огосидан айрилмадими?

Во-вайло, ер юзи куфрда бўлди,  
Нухнинг азоб суви жаҳонга тўлди,  
Мусулмон бўлганлар кемага минди,  
Нух ҳам ўз ўглидан айрилмадими?

Пайгамбар, подишоҳ, халифа бўлиб,  
Кўлига муҳр олиб, насихат килиб,  
Бир куни кўнглига манманлик келиб,  
Довуд кирк ўглидан айрилмадими?

Довуд ўтди, фарзандига ер колди,  
Худойимдан унга бир узук келди,  
Нурдан бўлган ул узукни дев олди,  
Сулаймон тахтидан айрилмадими?

Хакнинг Ўзи билан сўзлашган Мусо,  
Ул вақтда йўк эди унингдек расо,  
Биби Марям ўгли – хазрати Ийсо,  
Кочиб, кофирлардан айрилмадими?

Иброҳим Пайгамбар дунёга келди,  
Орзу-армон билан Хожарни олди,  
Кўп ўт ёкиб, Намруд ул ўтга солди,  
Намруд ўз кизидан айрилмадими?



Яъкуб йиглаб, ожиз бўлди кўзидан,  
Хеч фойда топмади айтган сўзидан,  
Орзули ёридан, гулдек юзидан -  
Юсуф Зулайходан айрилмадими?

Чахорёр ёш тўкиб, ул Пайгамбардан,  
Шайхлар муридидан, шохлар навкардан,  
Тўти хамрохидан, занбур шакардан,  
Булбул гулистондан айрилмадими?

Махтумкули, таълим олгил устоддан,  
Бу дунёда хар ким кечар бир отдан,  
Лайли Мажнунидан, Ширин Фарходдан,  
Вомик Узросидан айрилмадими?

## **СЕНДАН АВВАЛ КЕЛИБ, КЎП ЖОН КЕЧИБДИР**

Нодон кўнглим, ўлим учун гам ема,  
Сендан аввал келиб, кўп жон кечибдир.  
Ёлгон дунё поён берибдир кимга,  
Канча яхши, канча ёмон кечибдир.

Кани Одам Ато, Хавво оноси,  
Кани дин бобомиз – Халилulloхси,  
Кани Мусо Калим, мўъжиз асоси  
Гохи кўприк, гохи илон кечибдир.

Искандар, Сулаймон шаханшоҳ бўлди,  
Хизматинда дев-парилар йигилди,  
Не гулгула хам девонлар курилди,  
Канча шоху сохибкирон кечибдир.

Ийсо кечди, дамдан жон кириб мурда,  
Агар очса Юсуф юзиндан парда,  
Кўрган бехуш бўлиб ётар шул ерда,  
Шундай хусни мохитобон кечибдир.

Онхазрат – хак Расул Меърожга ошди,  
Осмонлар дар-бадар эшигин очди,  
"Коба кавсайн" бориб, Хакка ковушди,  
Шул сарвари икки жахон кечибдир.

Абу Бакр кечди риёзат билан,  
Умар подшоҳ бўлди адолат билан,  
Усмон кечди Куръон тиловат билан,  
Дин киличин чалиб, Арслон кечибдир.

Хасан, Хусайн – диннинг анвори, мохи,  
Кани Фотима Захро, хурларнинг шохи,  
Кудрат билан ёккан нури илохий,  
Шундай мўъжизалар чандон кечибдир.

Кўринг, не жононлар ишкка етишди,  
Умрин зое килиб, хорлик топишди,  
Ох уриб, айрилик дардиндан кечди,  
Термула-термула, гирён кечибдир.

Не гўзаллар кечди, хусни хур олий,  
Гўё ўн тўрт кунлик ойдир мисоли,  
Не ошиқлар ўтди – афтода холи,  
Уларнинг ишкида хайрон кечибдир.

Не ўлкалар колди вайрон бўлишиб,  
Элу халки зер-забарон бўлишиб,

Бойкушлар сайрашиб, итлар хуришиб,  
На шерлар колибдир, жайрон кечибдир.

Кани хийла билан моллар йикканлар,  
Кани уйлар тўла сийм билан зарлар,  
Кани сандик, хукка, лаълу гавхарлар,  
Барин солиб, ошкор, нихон кечибдир.

Не яхшилар кечиб, сухбатлар тутди,  
Не давронлар келиб, хуш бўлиб ўтди,  
Умринг ўтди, ёшинг етди, хол кетди,  
Махтумкули, сендан даврон кечибдир.

## **САХАР ВАКТИ ЁТМАНГ, ТИЛАК ЧОГИДИР**

Сахар вакти ётманг, тилак чоғидир,  
Умр елдек келиб-кечар, ёронлар,  
Ажал-согий юрар, кўлинда жоми,  
Ул майдан халойик ичар, ёронлар.  
Умр келиб-кечар, беш кун даврондир,  
Беш вақт намоз Ҳақдан бизга фармондир,  
Жон куши бу танда беш кун меҳмондир,  
Парвоз этиб, бир кун учар, ёронлар.  
Одамнинг аслини сўрсангиз, лойдир,  
Юз минг йил яшасанг, бир куни войдир,  
Бу дунё, билсангиз, кўхна саройдир,  
Халойик карвондир, кўчар, ёронлар.  
Доимо Ҳақ ёди бўлсин сўрогинг,  
Сафар килмок керак, тутгил ярогинг,  
Бу дунёда канча ёнса чирогинг,  
Ажал ели тегиб, ўчар, ёронлар.  
Бу дунё, билсангиз, хою хавасдир,  
Ўларсиз, окибат барча абасдир,  
Бу дунё мўъминга зиндон-кафасдир,  
Каро ер барчани кучар, ёронлар.  
Сен ўлгандан кейин колган зурёдлар,  
Ўгил-кизинг, барча килар "Хайхот!"лар,  
Кафанинг бўйингга бичар хаётлар,

Охират уйини очар, ёронлар.  
Махтумкули, тахкик, билгил ўларни,  
Чунки кўрган йўқдир ўлмай коларни,  
Тангрининг хакикат севар куллари  
Дунёни кўрганда, кочар, ёронлар.

## **КАРО ЕР БАРЧАНИ ЮТИБ БОРАДИР**

Дўстлар, бу дунёга йўқдир эътибор,  
Кимдир келиб, кимдир кетиб борадир,  
Хуш кечар кимлардир, кимлар хору зор,  
Каро ер барчани ютиб борадир.

Кимлардир каридир, кимлардир ёшдир,  
Кимлардир тавонгар, кимлар Халлождир,  
Махшарга боргувчи бир улуг кўчдир,  
Ортимиздан ажал етиб борадир.

Фалак бир бакколдир, дунё – бир бозор,  
Кимдир яхши йўлда, кимлардир озар,  
Кимлардир Аллохдан килмаслар хазар,  
Кимдир Хак буйругин тутиб борадир.

Кимлардир бахшидир, кимлар муллодир,  
Кимларнинг тилинда исми Аллохдир,  
Барчасиндан Аллох зикри авлодир,  
Кимдир шайтон сўзин битиб борадир.

Махтумкули, умид этмок Худодан,  
Ёлбормок гадодан, мурувват – Шохдан,  
Наф йўқдир сенга ҳеч мосиваллохдан,  
Кимдир уйгок, кимдир ётиб борадир.

## ОГАЛАР, БУРОКНИНГ ВАСФИН СЎЗЛАЙИН

Огалар, Бурокнинг васфин сўзлайин,  
Араб тилин сўзлар ўзи Бурокнинг.  
Бўйни узун, кўкси ясси, ранги ок,  
Одамзодга ўхшар юзи Бурокнинг.

Оламга равшандир пешона оки,  
Йўгондир бўйни-ю, юпка дудоги,  
Яшил забаржаддир икки кулоги,  
Мисли тонг юлдузи кўзи Бурокнинг.

Йилдиримдек бўлар канот кокиши,  
Сигир сифатлидир куйрук чикиши,  
Оркаси текисдир, бўлмас ўхшаши,  
Тушиши, чикиши, тузи Бурокнинг.

Ўт емас, раҳматдан тўладир ичи,  
Кизил ёкутдандир манглайин сочи,  
Эшакдан каттадир, хачирдан кичи,  
Юрганда билинмас изи Бурокнинг.

Махтумкули айтар: Алхамдулиллох!  
Давлат бокийсини Ўзинг бер, Аллох,  
Уни минган Ахмад ибни Абдуллох,  
Келди забонимга сўзи Бурокнинг.

## ДЕДИМ: "ФАЛАК, САВОЛ БОР!.."

Дедим: "Фалак, савол бор!". Деди: "Адолат биздан!".  
Дедим: "Дунё кенг бўлар". Деди: "Хабар йўк сиздан".  
Дедим: "Ул не тўн эрур?". Деди: "Кафандир биздан".

Дедим: "Танда ярам бор". Деди: "Гизлаб юр кўздан".  
Дедим: "Ишкка девона". Деди: "Юз тут фармона".  
Дедимки: "Не фармондир?". Деди: "Келди Табриздан".

Дедим: "Не чарх айланар?". Деди: "Дунё элидир".  
Дедим: "Одам не кулмас?". Деди: "Жонли ўлидир".  
Дедим: "Ул не кайрилмас?". Деди: "Ислом йўлидир".  
Дедим: "Олдим фармона". Деди: "Юз тут Куръона".  
Дедим: "Ул не эшиксиз?". Деди: "Кабр хилидир".  
Дедим: "Расул йўли не?". Деди: "Чикма ул издан»".

Дедим: "Ул не шахардир?". Дедики: "Ёлгон жахон".  
Дедим: "Кимлар шох эрур?". Деди: "Курук жасад, жон".  
Дедим: "Ул ким, йиглайдир?". Деди: "Улуг Сулаймон".  
Дедим: "Хак не истайдир?". Деди: "Богда гул-райхон".  
Дедим: "Богбон йиглайдир". Деди: "Багрин доглайдир".  
Дедимки: "Илож айла!". Деди: "Лукмон азиздан".

Дедим: "Бир гўзал кўрдим". Деди: "Мохитобондир".  
Дедим: "Кимдир жон бермас?". Деди: "Бир Хак омондир".  
Дедим: "Ким сураар жахон?". Деди: "Шох хукми равон".  
Дедим: "Фарзанд ўладир". Деди: "Хакка равондир".  
Дедим: "Бизга етиргил". Деди: "Хак деб ўтиргил!"  
Дедим: "Кимдан ор кетди?". Деди: "Жувондан, киздан".

Дедим: "Фирогий исмим". Деди: "Фуркат чекарсан".  
Дедим: "Кўл-оёк тинмас". Деди: "Тоглар чикарсан".  
Дедим: "Номард ўзадир". Деди: "Морсен, чакарсан".  
Дедим: "Кетди аъмолим". Деди: "Хариб, чўкарсан".  
Дедим: "Хакка арзим бор!". Деди: "Улдир сенга ёр!"  
Дедим: "Кишим кечадир". Деди: "Огох бўл куздан".

**СИЙНАМИЗГА ИШҚДАН БИР ДОГ ЕТИШСА...**

Ё Худоё, бизга бир тавфик берсанг,  
Сийнамизга ишкдан бир дог етишса.  
Сидк ила тилимга тавба юборсанг,  
Сахар дийдаларим уйгок етишса.

Сахар туриб, ишкинг китобин очсам,  
Ўкиб-ўкиб, дурри маънолар сочсам,  
Кирклар-ла жам бўлиб, пиёла ичсам,  
Кунжи майхонада аёғ етишса.

Бир муршид этагин тутсам, йигласам,  
Ишк ўтига жону жисмим догласам,  
Сидки дилдан Хакка кўнгил богласам,  
Киёмат зойирдан бир сог етишса.

Яхшилар изинда юрсам давомат,  
Фарзу вожиб тарк этмасам, хам суннат,  
Эранлар йўлинда тортиб машаккат,  
"Шафоат, Расул!" деб садок етишса.

Илми кол, илми хол – барин жам этсам,  
Шариат йўлинга доим кўз тутсам,  
Нафсу шайтон – дунё хирсин тарк этсам,  
"Шаробан-тахурон" булок етишса.

Неча йилдир юрдим хою хавасда,  
Барча килган ишим бўлди абасда,  
Гарк бўлиб дунёга, колдим кафасда,  
Тўти каби тарки тузок етишса.

Кодир Эгам бу гамлардан кутгариб,  
Хатарли жойлардан омон ўткариб,  
Фазли билан барча ишим биткариб,  
Хуру хилмон ичра фарог етишса.

Исрофил сур чалиб, халклар тирилса,  
Ахли олам аросатга сурилса,  
Шафоатхох Расул мунодо килса,  
"Махтумкули!" дея сўрок етишса!..

## **КЎЧ КЕТАР, КАРВОН АЙЛАНМАС**

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Омонатдир, жон айланмас.  
Согликка йўқдир эътибор,  
Тут мисол, меҳмон айланмас.  
Кимдир сахар турар бирдан,  
Кимдир бош кўтармас ердан,  
Шайдо дилли гўзаллардан  
Тиш кетар, забон айланмас.  
Баланд тогдан хайбат кетар,  
Ерлардан барокат кетар,  
Рум шаҳриндан кувват кетар,  
Устода дўкон айланмас.  
Азроил йўл очар бир кун,  
Жон шарбатдан ичар бир кун,  
Эрдан даврон кечар бир кун,  
От ўлар, майдон айланмас.  
Шариатдан айри колманг,  
Хак ишига сусткаш бўлманг,  
Одам ўгли, гофил юрманг,  
Кўч кетар, карвон айланмас.  
Бенамоз, учрарсан гамга,  
Унда додинг етар кимга?  
Унда зўр берсанг чилимга,  
Жасадда иймон айланмас.  
Махтумкули, будур икрор,  
Хак йўлинда турар чин ёр,  
Кимнинг изинда ўгил бор,  
Кимдадир нишон айланмас.

## **БИЗДАН САЛОМ БЎЛСИН УЛ ЎРОЗ ХОНГА**



(Махтумкули билан Ўроз Хон айтишуви)

Махтумкули:

- Биздан салом бўлсин ул Ўроз Хонга,  
Тахт устинда ким боривож ўтирмиш?  
Кирк коса май куйиб тиллодан жомга,  
Ул ким эди, барин бошга кўтармиш?

Ўроз Хон:

- Биздан салом бўлсин устоз Фирога,  
Сулаймон эр – тахтда ривож ўтирмиш.  
Билкис куйиб кирк коса май ул жомга,  
Эранлар йигилиб, бошга кўтармиш.

- Не ошиқдир, йиглар, кўзда ёши йўк?  
Не гавдадир, икки кифтда боши йўк?  
Ул не кўздир, киприги йўк, коши йўк,  
Кўзлардан яхши нарсалар кўрмиш?

- Машраб йиглар, кўзларинда ёши йўк,  
Ул заминдир гавдаси бор, боши йўк,  
Офтоб эрур, киприги йўк, коши йўк,  
Жахона айланар, кўп нарса кўрмиш.

- Ул не кушдир, хеч канотсиз учадир?  
Ул не солдир, уммонлардан кечадир?  
Ул не киши, етти дарё кўчадир,  
Саккизин кўзлабон, мастона бормиш?

- Жонсиз кушлар хеч канотсиз учармиш,  
Денгиз сузиб, уммонлардан кечармиш,  
Юролмас, жони йўк, кўр, сув ичармиш,  
Бирин олса, саккиз мастона бормиш.

## ТИГ ЯРАСИ БИТАР-КЕТАР

Кўнглим, паст тутгил ўзингни,  
Фоний дунё ўтар-кетар.  
Хар ким кадамин туз кўйса,  
Гузардан бехатар кетар.

Билсанг, хуш гуфтор очавер,  
Билмасанг, жимжит кечавер,  
Сўз ярасиндан кочавер,  
Тиг яраси битар-кетар.

Асли дилда чекма жафо,  
Бад аслда йўқдир вафо,  
Хар киши бўлса бесафо,  
Обрўйини тўкар-кетар.

Йўлдош бўлсанг киши билан,  
Куллуқ айлар боши билан,  
Ишинг тушса ноший билан,  
Тоғу тошга отар-кетар.

Махтумкули, борсанг мундан,  
Хайру шарр сўрарлар сендан,  
Ширин жон айрилса тандан,  
Кум-тупрокка ботар-кетар.

## **ЗАМОНА ОХИР БЎЛГАНДА**

Кўкдан ерга файз тўкилмас,  
Замона охир бўлганда.  
Бир неча уруг экилмас,  
Замона охир бўлганда.

Олимлардан кетар иззат,  
Шохлардан кетар адолат,  
Зулми ортар соат-соат,  
Замона охир бўлганда.

Бугдой уруг кўкка учар,  
Олимлардан илм кочар,  
Жахондан баракот кўчар,  
Замона охир бўлганда.

Одам ўгли тийра-тийра,  
Бир-биридан бўлар хира,  
Мурид хизмат этмас пира,  
Замона охир бўлганда.

Сўзинг бошга бало бўлар,  
Дунёнг тўла галва бўлар,  
Эл огзи хам ола бўлар,  
Замона охир бўлганда.

Ўгил ота йўлин кўзлар,  
Киз онадан аввал сўзлар,  
Аждод айниб, насл тўзар,  
Замона охир бўлганда.

Подшоҳдан адолат кетар,  
Дарвишдан каноат кетар,  
Занондан хаёлат кетар,  
Замона охир бўлганда.

Ота ўгилдан таш бўлар,  
Туккан тукканга каст бўлар,  
Шошкин баччалар бош бўлар,  
Замона охир бўлганда.

Махтумкули, бўл камина,  
Шукр айла ўтган даминга,  
Хакка ихлосинг кам этма,  
Замона охир бўлганда.

## ДУНЁ ЯСАНИБ, БОШИМА СОЯ СОЛИБ ЎТДИ

Дунё ясаниб, бошима соя солиб ўтди  
Сўз навбатида косаи даврон тўлиб ўтди,  
То магрибу машрик батамомин олиб ўтди,  
Бир нагмачиси неча наволар чалиб ўтди,  
Мажнунни кўринг, чоки гирибон бўлиб ўтди,  
Лайлини кўринг, гунчайи хандон бўлиб ўтди.

Бир нечаларинг ошига гар огу котилди,  
Такдири азал котибидин бўйла ёзилди,  
Мансур "Анал Хак" дея, кўр, дорга осилди,  
Магриб шохининг ул кизи Канъонга чатилди,  
Юсуфни кўринг, кул дедилар, анда сотилди,  
Охирда кўринг, Мисрда султон бўлиб ўтди.

Дунёи фалокат кўлидан дод ила бедод,  
Сен мисли ўшал жилвагару алдар паризод,  
Фиръавну Язид ўтди, суриб Намруду Шаддод,  
Хусрав ўкиди неча газал, бир неча абёт,  
Ширинни дея чекди жафо ошики Фарход,  
Тоглар юзини лола-ю райхон килиб ўтди.

Мен гамзаданинг кўкка чикиб, дуд ила охи,  
Юз жабру жафо килди менинг рангими очи,  
Бир нагмагари, кишвари жон бузди сипохи,  
Шархига калам ёзди мураттабки сиёхи,  
Зебо бўйига кийгизибон хилъати шохи,  
Баъзини кўринг, бесару сомон бўлиб ўтди.

Хайф ўтди умр, болалигим – фасли гулистон,  
Хай-хай, бу не тоъат эди, тўти шакарисдон,  
Нўширвони одил, Хотами Той, Рустами дoston,  
Ул парилар масканидир, бу шахри Шабистон,

Бас, карилик офатидир бу кахри зимистон,  
Хар кимса бир иш бирла пушаймон бўлиб ўтди.

Махтумкули, дўст тутмаки сен дуняни, ёлгон,  
Ўоло куласен, тонгла киларсен не пушаймон,  
Олдингда хавотири Сирот кўприги, мезон,  
Сен этма жахон нафсига хеч аклинги хайрон,  
Охирда ажал кўймади, кўп яшади Лукмон,  
Кўп бандаларинг мулкани вайрон килиб ўтди.

### **КАЙГУ ЧЕКСА, ЙИГИТ КИШИ ЧОЛ БЎЛАР**

Одам ўгли, бу дунёда кезарсен,  
Бир кун сенинг алиф каддинг дол бўлар.  
гофил бўлма, тўгри йўлдин озарсен,  
Булбул каби сайрон тилинг лол бўлар.  
Охирзамон бўлса, фитналар турса,  
Золимлар ёмонлик мажлисин курса,  
Подшоxlари ришват дея дам урса,  
Факирларга кун-нафака хор бўлар.  
Яхши-ёмон иззат килар бойларга,  
Факиру бенаво колар войларга,  
Хар йигитким, гариб тушса жойларга,  
Хасрат чекар, хар бир мохи сол бўлар.  
Хар кимса шариат йўлин билмаса,  
Олимларнинг сўзин кўзга илмаса,  
Кирк ёшинда киши тавба килмаса,  
Унинг иши хийла, макр, ол бўлар.  
Хар йигитким, гариб тушса ватандан,  
Хабар сўрар хар бир йўлдан ўтгандан,  
Телмурибон хожат тилар етгандан,  
Ўожати битмаса, кийлу кол бўлар.  
Кел эй, дўстим, чекма кайгу-гамни сен,  
Октирмагил кўзларингдан намни сен,  
Бу дунёда ганимат бил дамни сен,  
Кайгу чекса, йигит киши чол бўлар.  
Махтумкули, насихатлар тузарсан,  
Халойикнинг юрак-багрин эзарсан,  
Лекин ўзинг тўгри йўлдан озарсан,  
Рустам бўлган, бир кун пири Зол бўлар.

## КЕЛ, МАЪРУФИЙ, ЖАВОБ БЕР

Махтумкули:

- Кел, Маъруфий, жавоб бер, ул надир, девони тўрт?
- Очик ерда курилган ул надир, айвони тўрт?
- Ул не ёйдир, чекилар, анинг ўк-пайкони тўрт?
- Ул кай кимса ўтгандир, ахд ила паймони тўрт?
- Бер жавобин бу сўзнинг, хафта-ю курбони тўрт?

Маъруфий:

- Топдим жавобин, шоир, умрингдир девони тўрт,
- Очик ерда курилган мажлисинг айвони тўрт,
- Иймон ўқдир, отилар, анинг ўк-пайкони тўрт,
- Шохимардон Алининг ахд ила паймони тўрт,
- Бир ойнинг тўрт хафтаси, жумъадир – курбони тўрт.

- Чой билан нон устида кайси Пайгамбар турди?
- Ул ким эди, кўйларга бўрини чўпон килди?
- Ул ким эди, гулистон – Эрам богига кирди?
- Ул ким эди, дунёда Рашид пирини кўрди?
- Ул кимдирки, ўтгандир хам тиг, хам буррони тўрт?

- Чой билан нон устида Мусо Пайгамбар турди,
- Ўзи эди, кўйларга бўрини чўпон килди,
- Шери Худо гулистон – Эрам богига кирди,
- Али эди, дунёда Рашид пирини кўрди,
- Шери Худо Алининг хам тиг, хам буррони тўрт.

- Кайси малик дунёдан ўгилсиз ўтди-кетди?
- Ул не нарса, бир кеча эрини ютди-кетди?
- Ул ким эди, дунёсин абога сотди-кетди?
- Ул ким эди, ганж-моли тупрокка ботди-кетди?
- Ул не садаф, очилмиш – гавхари галтони тўрт?

- Сулаймондир, дунёдан ўгилсиз ўтди-кетди,  
Ул химматли Ой эди, эрини ютди-кетди,  
Хизр бани дунёсин абога сотди-кетди,  
Коруннинг ганжи-моли тупрокка ботди-кетди,  
Садаф гавхар очилмиш, хам дурру галтони тўрт.

- Ул ким эди, дунёда Кулзум дарёдан кечди?  
Ул ким эди, Норинжда ажаб гулзора тушди?  
Ул ким эди, саховат, жаннат эшигин очди?  
Ул ким эди, барчага ўлим тўнини бичди?  
Ул ким эрур, ўлтирар, жаннатда меҳмони тўрт?

- Хамза эди, дунёда Кулзум дарёдан кечди,  
Ўзи эди, Норинжда турли гулзора тушди,  
Шохи одил саховат, жаннат эшигин очди,  
Сайёд ажал дунёда барчанинг тўнин бичди,  
Расулulloх ўлтирар, ёнида меҳмони тўрт.

- Ул не чокар, азалда хизмат этар устода?  
Ул не шахри зинодир, бари кетар барбода?  
Ул не булбул сайрайди, файзи кетар самода?  
Кайси Пайгамбар эди, борди Аллохга дода?  
Кайси Пайгамбар эди, тилинда саноси тўрт?

- Рухул Амин – Жаброил, хизмат этар устода,  
Лутнинг шахри зинодир, бари кетди барбода,  
Хамрохнинг булбулидир, файзи кетар самода,  
Ул Иброхим Пайгамбар, борди Аллохга дода,  
Хакка килди муножот, тилинда саноси тўрт.

- Махтумкули, хабар бер, ул ким дарёга кирди,  
Хар дам наъра чекканда, дарёни тўфон килди?  
Ул ким эди, бир назар Кўхиморона солди?  
Анинг вахимасига Эрон Турона келди?

Ул не кушдир, учадир осмонга, парвози тўрт?

- Маъруфий дер: Зулфикор эрди, дарёга кирди,  
Хар дам наъра чекканда, дарёни тўфон килди,  
Али эди, бир назар Кўхиморона солди,  
Эрон, Туронни кезиб, азми Хуросон келди,  
Ул кўнгилдир, учадир осмонга, парвози тўрт.

## ТАШЛАБ КОЧМАЛИ ДУНЁДИР

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Келиб-кечмали дунёдир,  
Курби етган бўз йигитлар  
Тўкиб-сочмали дунёдир.

Хеч ким бунда тутмас ўрин,  
Соғликда тўкиб-соч барин,  
Шунча йигнаб, нетди Корун? -  
Ташлаб кочмали дунёдир.

Бу дунёнинг гамин ерсан,  
Одам ўгли, бил, ўлурсан,  
Пар тўшакни каттик дерсан,  
Ерни кучмали дунёдир.

Зулм ёгар бошларингга,  
Огу котар ошларингга,  
Бунда килган ишларингга  
Ўисоб кечмали дунёдир.

Махтумкули, ўкиб Куръон,  
Аллохдан тилагил иймон,



Хар йигит ўлса бенишон,  
Ўрни ўчмали дунёдир.

## **ХАР КИШИКИМ, ХАК ЗИКРИНДАН ЗИНДАДИР**

Бинойи Беҳиштда ул кун хуш кезар,  
Дунёда хамхона бўлган гам билан.  
Не халкка бирикар, не айри кезар,  
Чин дарвиш халк ичра кезар хам билан.  
Кимга шаковатдан курилса бунёд,  
Олам тарбияти айламас обод,  
Хар кимники дарди бўлса модарзод,  
Афсун ўкиб, ора келмас эм билан.  
Кайси кул даргоҳга холис бандадир,  
Севгиси юракда, дарди жондадир,  
Хар кишиким, Хак зикриндан зиндадир,  
Кўнгли тағйир топмас, бўлса жам билан.  
Хак дўсти камаймас кўхна жахондир,  
Лекин жахон ичра дўсти пинхондир,  
Дўст бўлганга бу икки иш нишондир:  
Юрак ишқдан тўла, дийда нам билан.  
Давлатинг кушини кочирма дастдан,  
Яхшилик истама англамас мастдан,  
Зинхор кўл узмагил дин билган дўстдан,  
Обрўинг сакланар яхши ном билан.  
Гарчи тилда дўст хам бўлса шонингда,  
Бир ит билиб, ёгоч сакла ёнингда,  
Бир кун бўлар, иллат кўяр жонингда,  
Умрингда тўкнашиб кезсанг шум билан.  
Фирогий мурдадир, еллар ел чекса,  
Ойлар абр солса, кунлар кун чекса,  
Илёс обни тўкса, Хизр эл чекса,  
Зинда бўлмас, Ийсо урса дам билан.

## **САХАР ВАКТИ ГОФИЛ БЎЛМАНГ ЁРОНЛАР!..**

Сахар вакти гофил бўлманг, ёронлар  
Даргоҳлар очилар чоғдир бу чоғлар.

Рахматга дуч келди бул вақт эранлар,  
Хак нури сочилар чоғдир бу чоғлар

Осий бўлма, гуноҳингдан тина кол,  
Ўзни тани, менлигингдан ина кол,  
Яхши вақтдир, тавба килиб дўна кол,  
Ёзиклар кечилар чоғдир бу чоғлар!

Хак сени сакласин хижрон елиндан,  
Адашмагил йўлчиларнинг йўлиндан,  
Муҳаббат жомлари дўстнинг кўлиндан,  
Хазир бўл, ичилар чоғдир бу чоғлар!

Минг йил кезсанг ёлгончини сурубон,  
Тан тупрокка дўнар бир кун чирибон,  
Йўглик майдонида мажлис курубон,  
Менликдан кечилар чоғдир бу чоғлар!

Махтумкули, кетдинг дунё кўйина,  
Жохилликдан кўнгил кўйдинг ўйина,  
Энди оёқ босдинг ўттиз уйина,  
Кўз ёши сочилар чоғдир бу чоғлар,

## **ЎН САКИЗ МИНГ ОЛАМНИ БИР ДАМДА БОР ЭТГАН КАРИМ**

Ўн сакиз минг оламини бир дамда бор этган Карим,  
Етти Куфрона фалакни барқарор этган Карим,  
Бандаларга раҳматин хар дам нисор этган Карим,  
Ул малойикларни кўкда бешумор этган Карим,  
Кудратин икки жаҳонда ошкор этган Карим.

Кимлари гумроҳ килиб, берди анга роҳи залол,

Кимлари мўмин килиб, Ўзин танитди бемисол,  
Хар кими бир кўя солди Ул Карими лоязол,  
Нечалар тоат билан умрин ўтурди моху сол,  
Нечаларни маъсиятда шармисор этган Карим.

Анбиёлар афзали ул Мустафо – хайрул-башар,  
Хам малойиклар кўриб, килди бошига тожу зар,  
Ё шафиъал-музнибин! – деб ёд этарман хар сахар,  
Кудратидан ул Масихони яратди бепадар,  
Ўтни Иброхим Халилга лолазор этган Карим!

Кимлара берди Худойим айшу ишрат бехисоб,  
Кимсалар хасрат билан нон топмайин багри кабоб,  
Кимлара рохат багишлаб, кимлара берди азоб,  
Дунё бир карвонсаройдир, ўтди мундан субху шаб,  
Хар кима тақдиру қисмат рўзигор этган Карим.

Кимлари шох айлабон, берди мурассаъ тож анга,  
Кимлари факру фанода айлади мухтож анга,  
Нечаларга берди давлат, нечалар Халлож анга,  
Дўст дея лутф айлади лайлатул-меърож анга,  
Мустафонинг дўстларини Чор ёр этган Карим!

Аввало икки жахонни бор эдан кодир Худо,  
Неча куллар Хак йўлинда айлади жонин фидо,  
Нечалар фиску фасодда килдилар умрин адо,  
Дунёга келган кетар, бойу факир, шоху гадо,  
Барча кулни шум ўлим кўлинда зор этган Карим.

Максудинг, Махтумкули, сен Хак таолодан тила,  
гофил ўлма, кеча-кундуз бўл Худо зикри била,  
Биздек осий куллара шояд Худо раҳмат кила,  
Умрингни зое кечирма, хосилинг берма ела,  
Барчаларнинг жойини охир мазор этган Карим!..

## ЖАХОН БЎЛДИ МУНАВВАР

Чикди магриб тарафдан,  
Ул меҳрибоним келди,  
Юз ишваю ноз билан,  
Жони жахоним келди.

Мен Ёрнинг сарнигуни,  
Боглабон бу ойинни,  
Тўкди жигардан хунни,  
Шоҳу султоним келди.

Оламга шохипарвар,  
Бўлди умматга сарвар,  
Жахон бўлди мунаввар,  
Дурри галтоним келди.

Комати сарву тубо,  
Кадди, ўзи Мунтахо,  
Важхи-рўйи – "Ваз-зухо",  
Сарви равоним келди.

Никобин юзга солган,  
Юз кўрсатиб, жон олган,  
Хамма орзулаб, ёнган,  
Оху фигоним келди.

Малак фармона боккан,  
Сидрати саҳро чиккан,  
Ох урса, Аршни ёккан,  
Соҳибкироним келди.

Махтумкули, бенаво,  
Кўзлама санад сиво,  
Умматим! – деб доимо,  
Хазрат Эшоним келди.

## **БАХОУДДИН ОТЛИ ДЕВОНА КЕЛДИ**

Бир кеча ётардим, сахар вақтинда,  
Бахоуддин отли девона келди,  
Асосин суяниб, келмиш Бухордан,  
Хак ишкинда масту мастона келди.

Бир неча ул ёру, ёрон турдилар,  
Мажлислар тузилди, халка курдилар,  
Наъралар чекдилар, самоъ урдилар,  
Садолар тузилди, жон-жона келди.

Гавго кўпти, раҳмат козонди тузлар,  
Сочилди кон ёшлар, очилди кўзлар,  
Йигилди дарвишлар, тўкилди файзлар,  
Гўё дерсан: охирзамона келди.

Ўқир бўлса, илми ладун очикли,  
Хам девона, хам сархуш, хам ишикли,  
Кўлинда косаси, бошдан кечикли,  
Сийнамга кўйдилар бир шона, келди.

Махтумкули айтар: Куръонга уйдим,  
ўйбатни ташладим, харомни кўйдим,  
Яшира билмадим, сиримни ёйдим,  
Саклана олмадим, забона келди.

## ШОХ НАКШБАНДИЙ

Бир кеча ётардим , Шохи Накшбанд.  
Карами жўш айлаб, бир нон кетирди.  
Ўнги кўлида бода – гулгун шароби,  
Чап кўлида тоза бирён кетирди.

Уйгондим уйкудан, колдим тушимдан,  
Хайрон колдим девонанинг ишиндан,  
Бодасин нўш айлаб, кетдим хушимдан,  
Хамдийдадан ашки гирён кетирди.

Жон хуружга келди кайнаб жўшмоқдан,  
Юрагим мавж урди тўлиб-тошмоқдан,  
Бир ишорат бўлди унга тушмоқдан,  
Фахм этмадим, жонга армон кетирди.

Англамадим, ишкка бўлдим харидор,  
Билмадим, истадим дилбардан дийдор,  
Ишк дардига тушдим, колдим гирифтор,  
Ким хам бу дард учун дармон кетирди?

Махтумкули, турдим тавоф этмокка,  
Тил фармон бермади жавоб этмокка,  
Ишк ахлининг холин хароб этмокка,  
Аклим олиб, масту хайрон кетирди...

## ДАРВИШЛАРНИНГ ДУОСИДИР

Одам ўгли, фикринг-зикринг  
Ёлгончининг хавосидир,  
Хозирча шул фикрдасан,

Бир кун дардга кўёсидир.  
Бир кун кирар ерга бошинг,  
Унутар кавм-кариндошинг,  
Намозинг, рўзанг – йўлдошинг,  
Тилинг хамду саносидир.  
Чалгилтарлар согда, сўлда,  
Шайтон йўл кесар бу йўлда,  
Эрки кўргон, улуг далда -  
Шариатнинг калъасидир.  
Бу жахоннинг сармояси,  
Ризк сабаби, Хак сояси,  
Ер тираги, Кўк пояси -  
Дарвишларнинг дуосидир.  
Кечар умр, ўтар бу дам,  
Не юрарсан кадам-кадам,  
Филни йўлга солган одам,  
Сени куртча еёсидир.  
Тоглар бордир, тошлар бордир,  
Ёзлар бордир, кишлар бордир,  
Ёмон-ёвуз ишлар бордир,  
Бошга келган кўросидир.  
Махтумкули, ишк майдондир,  
Бу майдонга кирган жондир,  
Жонинг хам танда мехмондир,  
Берган бир кун олосидир.

## **ЖИСМИ КОНУНДАН НАФАС ТОРИ УЗИЛМАСДАН БУРУН**

Жисми конундан нафас тори узилмасдан бурун,  
Бошингга даври казо базми курилмасдан бурун,  
Жуббаи жон тири рихлатдан сўкулмасдан бурун,  
Эй кўнгул, касринг асоси – тан бузилмасдан бурун,  
Токи обрўй кўраси – дандон тўкулмасдан бурун;

Кил назар осори сунъуллохга чашми дид ила,  
Кир хакикат йўлига, бу жазбаи тахмид ила,  
Курби вахдат истасанг, бўл васфи ул тамжид ила,  
Укдаи лабдан гирих оч нуктаи тавхид ила,  
Кўз очиб санга дейин ман, харза кулмасдан бурун.

Бебакодир колиби тан, боглама икбол анга,  
Бўлма гарра орият, дунёда мулку молинга,  
Ёд этиб гўру киёмат, йигла доим холинга,  
Бир назар сол, моумандан воз кечиб, ахволинга,  
Оч кўзинг ибрат билан, тупрокка тўлмасдан бурун.

Боки умрингни ки сарф эт, мардуминг фахминда бўл,  
Мақдамида бош кўйуб, маъюси мардумдийда бўл,  
Сарф кил пок тилингники, хулки хуш бингзида бўл,  
Сидк ила килгил амални, бериё субхида бўл,  
Ўашрда мезон тарозуси курилмасдан бурун.

Бебако, фоний жахонни билмаки сен жойи буд,  
Эртаю окшом кетарсан селу барку боди зуд,  
Кил букун тонгла ишин, килмас пушаймон анда суд,  
Кил дуто пуштунг рукуъда, жабхаи жондан сужуд,  
То ажалнинг бодидан каддинг букулмасдан бурун.

Синдириб исён тухумин, тўк надомат ашқини,  
Келтир Аллохга бу кун бекадру киймат ашқини,  
Жорий айлаб борхо чашми давомат ашқини,  
Кўзларингдан окизиб шўри киёмат ашқини,  
Тавба жомин нўш килгил, паймон тўлмасдан бурун.

Кечалар, Махтумкули, юргил кидириб рохбар,  
Кўйма бейўлдош кадам, манзил узок, йўл пурхатар,  
Кўзларингдан ёш ўрнига тўкубон хуни жигар,  
Саъй кил, олгил бахори файзи Хақдан бир самар,  
Боди рихлатдан нихолинг барги сўлмасдан бурун.

**ЎКИДИМ КУРЪОН ИЧИНДА**



Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Бир кеча сайрон ичинда,  
Ўттиз икки киши кўрдим,  
Ул Шохи Мардон ичинда!

Уларга бердим саломни,  
Сўрдилар Соглик каломни,  
Шайхи Саид, Мавло Жомий -  
Ул етти султон ичинда.

Султон Вайс пахловони,  
Хаким Ота, Сулаймони,  
Хожа Юсуф Хамадоний,  
Шул Шохи Канъон ичинда.

Туркистон эгаси-сарвар.  
Имом Косим, Имом Жаъфар,  
Яхё билан Нух Пайгамбар,  
Боязид Султон ичинда.

Гўзал пирлар, гўзал ёрлар,  
Чекдилар бу йўлда зорлар,  
Имом Ризо, Шоҳу пирлар,  
Неча гўзал жон ичинда.

Махтумкули, сирим кўпдир,  
Мен найлайн, очган йўқдир,  
Ўлмок хак, тирилмок хакдир,  
Ўкидим Куръон ичинда!..

**БИР АЛЛОҲГА АЙТАЙ ХАМДУ САНОЛАР**

Бир Аллохга айтай хамду санолар,  
Бир кисим тупрокдан инсон яратди.  
Тан капасин килмок учун мунаввар,  
Жон нуридан шамъи тобон яратди.

Кўрмокка кўз берди, тилга маколат,  
Жонни кўйди танда беш кун омонат,  
Азалда хар кимга килса иноят,  
Кўкрагинда нури иймон яратди.

Аввало яратди Одам Атони,  
Унга жуфт айлади Хавво анони,  
Фирдавси аълода эди макони,  
Анга душман малъун шайтон яратди.

Хакдан нузул бўлди Мусога Таврот,  
Инжил васфин Ийсо айлади исбот,  
Довуд Забур ўкиб, килди муножот,  
Мухаммад шаънинда Фуркон "яратди".

Мухаммадни сарвар айлаб жахона,  
Деди: "Пайгамбари охир замона".  
Жаброилдан вахий айлаб равона,  
Кофирларга Шохимардон яратди.

Бирни паст айлади, бирни сарбаланд,  
Бирни факир айлаб, бирни давлатманд,  
Бирни хор айлади, бирни аржуманд,  
Бирни гадо, бирни султон яратди.

Овозаси тушуб Рум-у Яманга,  
Миср, Шому Хиндистону Даканга,  
Донги кетиб Хитой билан Хўтанга,  
Бир амири Сохибкирон яратди.

Жасорати беглар ичра шохона,  
Шижоат бахрида дурри ягона,  
Эрмухаммад Шохдан колди нишона,  
Тангрим уни марди майдон яратди.

Каро ердан яшил сабза кўкартиб,  
Хар дарахтдан турлук мева чикартиб,  
Кундан-кун богларнинг меваси ортиб,  
Гул очилиб, богу бўстон яратди.

Махтумкули айтар Хакка ситойиш,  
Хар мушкул ишимга сенсан кушойиш,  
Кечаю кундузга бериб намойиш,  
Хуршид билан мохи тобон яратди.

## **ЕР КАВАТЛАРИ**

Биринчи кат ернинг оти Рамкодир,  
Иклим отли ёвуз эллар анда бор.  
Етмиш минг фаришта унда согчидир,  
Минг коим бурундук боглар анда бор.

Иккинчи кат ернинг оти Халдадир,  
Куйруги найзадек каждум андадир,  
Осий одам учун кўзи йўлдадир,  
Нор, бугро сифатли мўйлар анда бор.

Олти юз олтмишдир унгурга тоши,  
Хар бирин олти юз олтмишдир боши,  
Хар бошда олти юз олтмишдир тиши,  
Тог чидамас бад огулар анда бор.

Учинчи ер оти Харкайи офок,  
Ўтини темирдан, тоб бермас тупрок,  
Дўзах унгури бор, тогдан улугрок,  
Хакикат, иймонсиз куллар анда бор.

Тўртинчи кат ернинг отидир Харфо,  
Илонларнинг тиши – дарахти хурмо,  
Иссиги куйдириб, ўлтирар Тир, Мох,  
Тан-жон тўзмас, тинмас "вой"лар анда бор.

Бешинчи ер оти Логар заминдир,  
Олмос тош урарлар, хар ким бединдир,  
Олтинчи кат ернинг оти Сижжийндир,  
Дўзахий бўлажак жонлар анда бор.

Еттинчи ер оти Харибо, далда,  
Дўзахдан вахм айла, Худони бил-да!  
Шайтон анда иниб чикар хар йилда,  
Фирокий дер: ёмон кунлар анда бор.

## **ЯРАТГАН АЛЛОҲДАН ФАРМОН ЕТИШСА**

Ер остинда маскан тутган сиротга,  
Тоглар каби юз минг ресмон такарлар,  
Азоб бермок учун хар бир номардга,  
Етти ер остиндан уни чекарлар.

Яратган Аллоҳдан фармон етишса,  
Етмиш минг саф малак чекар гам-гусса,  
Хар саф инсу жинга етмиш минг хисса  
Олиб келиб, ер юзинда чўкарлар.

Тўрт сутун, хар сутун ўттиз минг бошли,  
Ўттиз минг даханли, ўттиз минг тишли,  
Хар тиши бу баланд тоғлардан кучли,  
Хар тишдан ўттиз минг занжир такарлар.

Тоғлардан кувватли, дарё хайбатли,  
Ўткир олмос тишли, наханг сифатли,  
Махшар кун Хак ёнида бўлсанг уятли,  
Фил, говмиш бўйинли мўйлар сукарлар.

Махтумкули, бўйин бергил фармона,  
Киёмат кун хайфинг келса бу жона,  
Жаханнам кахриндан тортса зиёна,  
Нор, бугро сифатли учкун чикарлар.

## **БИЗДАН САЛОМ БЎЛСИН ТУРДИ ШОИРГА**

Биздан салом бўлсин Турди шоирга,  
Кай меҳробдан сўзлаб чиккан ўт надир?  
Кимдир, ўлиб, бир йилдан сўнг билинди?  
Тўккиз юзда туккан ним зурёд надир?

Сен Кўзли отасан, биз – Карказ эли,  
Чўл ерда кезарсан, ёд этиб хайли,  
Билдингми, тамугнинг чекилган мили,  
Хабар бер аслини, Пулсирот надир?

Аслинга етишгил, ёлгонда, чинда,  
Сўз кискадир, маъни кўпдир ичинда,  
Билармисан, кайси дарё ичинда,  
Одамзод жигарли ётган хут надир?

Не огир сарподир, кайси авжида,  
Олам халок бўлар неча товушда,  
Кудрат билан, тўрт юз надир бир бошда,  
Тебранганда ундан чиккан ўт надир?

Не сийна, не жондир, сўйла бу сирдан,  
Белидан пастроги бўлмиш хажрдан,  
Ошик, баён айла, кайси шажардан  
Хам жонли, хам жонсиз туккан зот надир?

Ул кимдирки, кўз ёшини тошдирди?  
Неча йилда ижобатин тушдирди?  
Ул ким эди, залолатин жўштирди?  
Мурод кўлда туриб, номурод надир?

Махтумкули айтар: ошик, бу сирда,  
Каловланмай, тўгри сўйла бу ерда,  
Шуни билармисан, кайси шахарда,  
Тарки куллуқ этган икки зот надир?

## **МИФТОХУЛ-ЖИНОН**

Эй ахли дарвиш, билгил,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.  
Сабр ила амал килгил,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Бесабр бўлган хуноб ичар,  
Бўлар балоларга дучор,  
Ёпук эшикни сабр очар,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Шошмок эрур ул шайтондан,  
Сабр айламок – Рахмондан,  
Маърифат етар жонондан,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Зикр айлаганлар завкланар,  
Шукр айлаганлар шавкланар,  
Бесабрлар бархам бўлар,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Бесабрнинг иши йитар,  
Сабр айласа – иши битар,  
Ногох Худойим эл тутар,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Бесабр кўргайдир озор,  
Боши билан бўлар безор,  
Шайтон билан йўлдан озар.  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Хак зикрини кўп айлагил,  
Жаҳд айлагил, жаҳд айлагил,  
Сабр айлагил., сабр айлагил,  
Ас-сабру мифтохул-жинон.

Махтумкули, билгил аён,  
Панду насихатдир хамон:  
Ас-сабру мифтохул-жинон,  
Ас-сабру мифтохул-жинон!..

**ХАЖВИЁТ**

## ЧИЛИМКАШ

Хак сени раъйингга кўймиш жахонда,  
Кила билганинг кил бунда, чилимкаш.  
Девон курилган кун хисоб жойинда,  
Жавобинг нимадир унда, чилимкаш?!

Кувватинг камаяр, кучинг оз турар,  
Кайфи бошга урса, аклинг оздирар,  
Сўнгагинг какшатиб, этинг киздирар,  
Бир нишона будир сенда, чилимкаш!

Кўлингни торт бундай нокак талошдан,  
Пулинг куяр, ичинг ёнар бу ишдан,  
Эрта корнинг тўлдирарлар оташдан,  
Захми чикмас, колар жонда, чилимкаш!

Икки дунё яхшилик йўк эгрига,  
Эркак бўлсанг, кадам кўйгил тўгрига,  
Бенамозга, гийбатчига, ўгрига  
Йўлдош бўлар ёвуз кунда чилимкаш!

Махтумкули, Мавлом жондан якиндир,  
Чилим аччик тутун, тан бир заминдир,  
Иймон бир кушдир-у, гавда бир индир,  
Куш турмагай бузук инда, чилимкаш!

## НОСКАШ

Аввало Хак амридан оввора бўлган носкаш,



Шўр бўлиб пешонаси, юз пора бўлган носкаш,  
Феъли шайтонга асиру кора бўлган носкаш,  
Чун азалда Вохидул-Каххора бўлган – носкаш,  
Нафс учун жондан кечиб, бемора бўлган носкаш.

Носкаш икки жаконда бўлмас асло шодмон,  
Бурнидан зардоб ила сассик сув окгай кар замон,  
Кўп алам тортар, билинглар, банг, чилимдан нос ёмон,  
Нос чекмоклик хос ёмондир, чун зино, гийбат, ёлон,  
Юз далил, сад макр ила ошкора бўлган носкаш.

Кўп хадис айтди Мукаммад: нос харомдир, нос харом,  
Ким харомни одат этса, носга килса эқтимом,  
Жон чикиб, бул хонадан ул хонага босганда гом,  
Ихлос этмай, тўгри кетмай, эгри кетса субху шом,  
Хонаи ислому дин куффора бўлган носкаш.

Тонгла макшар носкаши бир ерга элтар, бенаво,  
Окибат этгай уни дарду балога мубтало,  
Бандасидан килгуси бир-бир саволини Худо,  
Телмуриб турмоқдан ўзга чора топтирмас анго,  
Юзлари мисли козондай кора бўлган носкаш.

Бурнин эшак бурнидай тилгай фаришта носкашинг,  
Айтур: «Эй фарзанди Одам, бошга тушди ташвишинг,  
Кайдадир, укбо йўлига такдим этган пешкашинг,  
Дунёда равшан кўзинг, андухгин бўлди бошинг» –  
Дегач ул кун, ок уриб, афкора бўлган носкаш.

Нос халол деб баъзилар, бундай хаёлни хом этар,  
Йўк килиб канча пулин кам, кўнглини ором этар,  
Бурнидан окса нажас, хар дам кусули ком этар,  
Бас, ўзи билмай, жахонда ўз-ўзин бадном этар,  
Ўзни билмай, ушбудек рафтора бўлган носкаш.

Бир сўми бир аждахо бўлгай киёматнинг куни,  
Айтишур: «Кайф йўлига сен нега сарф этдинг муни?»  
Кеч иложин топмайин, огзига тутгай дастини,  
Кичкириб фарёд этар, захрини солгай душмани,  
Найлар, ул кун дўзаха наззора бўлган носкаш.

Аждахонинг захридан ул носкаш гамнок бўлур,  
Кайфни хол билган кишининг дийдаси намнок бўлур,  
Шиддатидан ўт ичинда норидан кўйлак бўлур,  
Кўрса ул кар не аломат, кар қачон мухлак бўлур,  
Топмайин харгиз илож, бечора бўлган носкаш.

Мужтахид кавли, хадиси анбиёдир: носкаш,  
Хар қачон келса бошига хадди найза ул куёш,  
Ташналикдан огзин очиб, ит каби бўлгай аташ ,  
Хар нафасда нафти нос бирла бўлолмас чорақаш,  
Айтадир Махтумкули: «Хунхора бўлган носкаш!»

## ГИЙБАТЧИ

Махшар куни шикоят бор тилинган,  
Расволигинг шудир сенинг, гийбатчи!  
Умринг елга берма, озма йўлинган,  
Ранжитмагил элинг, кунинг, гийбатчи!

Булутдек ўкириб, чакиндек гурлар,  
Гоки муздан тахтлар, оловдан ерлар,  
Хачирдек чаёнлар, бугродек морлар,  
Баданинган сўрар конинг, гийбатчи!

Колинг кўриб, кайрон бўлиб йигларлар,  
Сени Сижжийн отли жойда богларлар,  
Тилинг тортиб, темир билан доғларлар,  
Кора бўлар ул Кун кунинг, гийбатчи!

Ёмон сўз ажратар яхши дўстингдан,  
Гунохинг юклари босар устингдан,  
Жаханнам ичинда тамуг остиндан  
Фалакларга чикар унинг, гийбатчи!

Малаклар, кўтариб гурзи урарлар,  
Андомингдан сувдек окар захарлар,  
Вашиллаб тургайдир ёнингда морлар,  
Какшатиб сўрилар танинг, гийбатчи!

Бир дам кутулмассан дўзах нориндан,  
Танингга ўралган илон захриндан,  
Шул азобда хасратингдан, зорингдан  
Фалакларга учар унинг, гийбатчи!

Ўрин берар сенга, элтиб бир жойда,  
Кунинг кечар кеча-кундуз ок-войда,  
Азобинг орттитарар сенинг хар ойда,  
Чилимкаш хамрохинг – ёнинг гийбатчи!

Рўсиёсан махшар куни Каримга,  
Аллох савобингдан олар жарима,  
Иймонсиздек кўриб, элтар жахимга,  
Гила этар сендан жонинг, гийбатчи!

Махтумкули айтар: элнинг – кўзиндан  
Колиб, гар хор бўлсанг, кўргил ўзингдан,  
Тилингни тиймасанг харом сўзингдан,  
Буткул барбод бўлур дининг, гийбатчи!

**ВАСИЯТ**

## КҮЗ ЁШИН ТҮКМАГАН ЭРДАН...

Хеч кўнгул шодлиги чикмас  
Бир кўнгул ёкмаган эрдан.  
Яхшилик тамаъсин килманг,  
Ёмонлик чекмаган эрдан.

Кимса билан беклик этар,  
Бир тўп билан бир йўл тутар,  
Кадхудолик йирок кетар,  
Ёмон сўз чекмаган эрдан.

Яхши эр - эл айбин очмас,  
Кўриб-билиб, харом ичмас,  
Яратган гунохин кечмас,  
Кўз ёшин тўкмаган эрдан.

Турмагай, айём эврилар,  
Замон ўтар, чарх чеврилар,  
Улуг давлатлар айрилар,  
Якдиллик тутмаган эрдан.

Кочокларга ясок куни,  
Шер куртга бермас овини,  
Пайгамбар безор, ёв куни –  
Йўлдошга бокмаган эрдан.

Ўз-ўзидан акли етмас,  
Окилларнинг сўзин тутмас,  
Йўксиллик йўк бўлиб кетмас,  
Бад иш тарк этмаган эрдан.

Махтумкули, ёнгил, ўчгил,  
Ё жим ўлтир, ё дур сочгил,  
Бир думсиз ит эрур, кочгил –  
Насихат ёкмаган эрдан.

## УММАТ ЯХШИДИР

Савдогарлик килиб, бозор кезгандан,  
Олсанг насихатим, химмат яхшидир.  
Хотам бўлиб, аммо риё килгандан,  
Кўнгилда килинган химмат яхшидир.

Бир мард яхши, муханнаснинг юзиндан,  
Хисоб куни окар кони кўзиндан,  
Хар ким бошка бўлса айтган сўзиндан,  
Ундан динга кайтган Язид яхшидир.

Хайр ишин тарк этиб, бад иш изласа,  
Дўст бўлиб, дўстидан сирин гизласа,  
Аллохни унутиб, ёлгон сўзласа, -  
Ундан жим ўлтирган беҳад яхшидир.

Кодир Эгам - жисмимизни бор этган,  
Аклсиздир, Хак ишига ор этган,  
Бемахал қурилган бузук кўприқдан  
Жаханнам устида сирот яхшидир.

Беш вақт намоз ўқи, мусулмон бўлсанг,  
Билиб, охиратинг гамини килсанг,  
Жонинг борлигида хайр қозонсанг,  
Рокат ётар еринг – лақад яхшидир.

Сўз маъносин чиқар бир яхши жойдан,  
Беҳабарлар айро тушар Худойдан,  
Беш вақт намоз қилмас беҳабар бойдан,  
Юртсиз, пирсиз лўли-арват яхшидир.

Махтумкули, кўрдинг яхши ёмонни,  
Ёлгончининг бўлмас онти-иймони,  
Бир оқ уйга борсанг, олмас мекмонни,  
Хар кимнинг ўз эли – уммат яхшидир.

## НУКСОНА КЕЛГАЙ

Муслмонлар ёвлашса бир-бирига,  
Давлат қайтиб, динлар нуксона келгай.  
Зулм айлаб, бир-бирин олса асирга,  
Фалак бу ишлардан пушмона келгай.

Бир-бирини чопмоқ эмас эрликдан,  
Бу иш шайтондандир, балки кўрликдан,  
Манманлик айиргай элни бирликдан,  
Давлат кетиб, навбат душмона келгай.

Яхшилик камайиб, иймон қисилса,  
Ёмонлар қутуриб, йўллар қесилса,  
Шариат бўшашиб, номус эзилса,  
Замонанинг изни шайтона келгай.

Тингла, маскан тутган киши чўлларда,  
Садақа камайса улуг элларда,  
Халқ устига қатат тушиб, йилларда,  
Хасталик қўпайиб, хаст жона келгай.

Мукулмонсан, хабардор бўл зулолдан,  
Харомдан коч мудом, изла халолдан,  
Ўлчовдан урсалар, юртнинг ваболдан,  
Баракати кўчиб, осмона келгай.

Сўзимни олгайлар билганлар халка,  
Муродим – насихат айламок халкка,  
Козиси гап укмас, беги паст ўлка,  
Ёмгир ёгмай, ери кизмона келгай.

Шаррга шухрат бермок - шайтоннинг кори,  
Кахрин ютмок эрур Рахмоннинг кори,  
Кўпайса хар элнинг бошлик-саркори,  
Низоми бузилиб, вайрона келгай.

Парвардигор Ўзи - факирга панок!  
Ул кимдир, бўлмагай тилида сано?!  
Кайси юртда агар кўпайса зино,  
Ерлари кимирлаб, ларзона келгай.

Махтумкули, турсам сўзим сочмокка,  
Англамаслар шайланади кочмокка,  
Кайси халк кўникса шароб ичмокка,  
Юртда ўлат таркаб, вайрона келгай!..

## **КЎЗДАН ЁШ КЕЛСА**

Дунёда неча иш бордир – ёмондир,

Бири шулдир – нохак кахри жўш келса.  
Ошикка кар куни охирзамондир,  
Ёрдан йирок тушиб, аро тош келса.

Дўстингни ушлама, нафдан колмасин,  
Душманинг саклама, сиринг билмасин,  
Очда – олгинг, бекка бергинг бўлмасин,  
Иш мушулдир, англамасга дуч келса.

Замин сени кали замон ютарми,  
Окил бунда бундай бегам ётарми,  
Кеч бир масхаралик бундан ўтарми –  
Кетган курук кетиб, келган бўш келса.

Ўн кат уйинг бўлса темир калъадан,  
Ажал топар, амр бўлса Аллохдан,  
Хакикат, эр юз кайтармас балодан,  
Хак ризоси билан бошга тош келса.

Ошикман деб лоф урарлар ёлгондан,  
Билганини айтар, сўрсанг билгандан,  
Эл кўзича юз йил тоат килгандан,  
Яхшидир, бир сакар кўздан ёш келса.

Бойлар боглаб саховатнинг йўлини,  
Кўпайтирар дўзах мойи-хилини  
Кўринг, бу замоннинг сўфи, пирини,  
Тинмай олаверар, текин ош келса,

Махтумкули, сўйла, аклинг етгунча,  
Охиратинг козон, бекор ётгунча,  
Дўзахдадир, то дунёдан ўтгунча,  
Яхши эрга ёмон хотин дуч келса.



## КИЗИЛ ТИЛИНГ СЎЗЛАР ЭКАН, ЎЛДИМ ДЕ!..

Дунё кўрмай, туткун колсанг бир бурчда,  
Бодипойдек ер юзига елдим, де!  
Чин-Мочинда, Румда, Хиндда, Хабашда  
Турли-туман хунарларни билдим, де!

Оч кам бўлсанг, борма элга тилакка,  
Де: «Кўшқдаман, бошим етар фалакка!»,  
Чўлда колсанг, хеч топмайин кўланка,  
Эрам боги ичра соя топдим де!

Ош кўрганда, ўзинг отма турланиб,  
Оч бўлсанг кам, викор сакла, сирланиб,  
Зар тўкибон, чин куллардек орланиб,  
Ёш ўлсанг хам, Нух ёшига келдим де!

Мухтожлигинг Хакдан ўзга билмаса,  
Ўшал рўзгор басдир, очдан ўлмаса,  
Хинди каби усти бошинг бўлмаса,  
Подшоҳлик либосини олдим де!

Сувга, елга кукми ўтган Сулаймон,  
Бок, улардан не ном колди, не нишон,  
Ташна колиб, жойинг бўлса чўлистон,  
Дарё ичра мен Искандар бўлдим, де!

Йўлдош бўлсанг тил тушунмас мўр билан,

Жой тополмай, бирга ётсанг мор билан,  
Ўттиз кават тўшак, юз минг эр билан –  
Корун хазинасин қўлга олдим, де!

Махтумкули, чексанг жафо-жабр, бил,  
Аллохга хуш келар, шукру сабр кил,  
Килча жонга кизил танни кабр бил –  
Кизил тилинг сўзлар экан, ўлдим де!

## КЕТИБ БОРАДИР

Дунёга эътимод этманг, ёронлар,  
Кимга келиб, кимдан кетиб борадир.  
Мисоли Искандар, шохлик сурганлар  
Бир-бир навбатинда ўтиб борадир.

Бировни бой килар, бировни гадой,  
Не килса, эрки бор, ул кодир Худой,  
Бировнинг муродин бериб, хойнахой,  
Биров гам шарбатин ютиб борадир.

Бировга берибдир кайгу-гам, мехнат,  
Умрида бир соат кўрмади рохат,  
Бировга этибдир номардни улфат,  
Унинг умри «Ок!» деб ўтиб борадир.

Бировнинг бошида кўпдир тумони,  
Кайгу-алам билан чикадир жони,  
Бир яхшига дуч этибдир ёмонни,  
Ноилж дунёдан ўтиб борадир.

Кимлардир йиглайди, максادين топмай,

Нечалар ок урар, огзини ёпмай,  
Бир олгир байрокни оладир, чопмай,  
Бир бедов кезолмай кайтиб борадир.

Дунё учун чекма кайгу, андиша,  
Сабр эт балосига, рози келмиша,  
Йиглабон, гам билан толма хамиша,  
Ажал кўли ёканг тутиб борадир.

Махтумкули айтар: барча насикат –  
Аллохга кул бўлинг, Расулга – уммат,  
Билсангиз, дунёнинг барчаси хасрат,  
Хасрат билан бир-бир кетиб борадир.

## **ТАРЖИМОН ХАКИДА**

Мирзо Кенжабек 1956 йилда Ўзбекистон жануби – Сурхондарё вилоятида тугилган. Ўрта мактабдан сўнг, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факултетида, кейинчалик Имом Бухорий номидаги Олий Ислом институтида таълим олган. Тошкент шаҳрида яшаб ижод килади.